


Сайфулло ТУРСУНОВ



*Е*УРХОНДАРЁ
*В*ИЛОЯТИ
*Т*ОПОНИМЛАРИ



81.2Узб

Т91

Такризчилар:

Б. Муртозаев, филология фанлари номзоди доцент

Т. Пардаев, тарих фанлари номзоди

Турсунов, Сайфулло.

Сурхондарё вилояти топонимлари / С.Турсунов:-Т.:

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
2008. -152 б.

ББК 81.2.Узб

ББК 63.5 (5У)

Кўхна Сурхон воҳаси жаҳон тамаддуннинг азалий манзилгоҳларидан бири бўлиб, мозийдан ҳозиргача моддий ва маънавий маданиятнинг ўлмас намуналари жамланган ноёб ҳудуд ҳисобланади. Тарихнинг муҳим жабҳаларидан бири топонимлар (жой номлари)ни тадқиқ этиш ишларига эътибор берилган ушбу монографияда Сурхондарё вилоятига хос тарихий-этнологик топонимлари умумлаштирилиб, илмий таҳлил этилди. Шунингдек, воҳага ташқаридан кириб келган атамалар ҳам илмий таҳлил этилиб, тарихий шахсларнинг жамият тараққиётига қўшган хиссаси тарихий манбалар асосида ўрганилиб, уларнинг номларини жойларга қўйиш масаласи ҳам ушбу монографияда ўз аксини топди. Монография вилоят ҳудудига оид жой номларини қандай ва қай усулда қўйиш ҳамда тартибга келтириш масалаларини ҳал қилишга ҳам амалий ёрдам беришга мўлжалланган.

ISBN.978-9943-06-189-7

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
2008 йил

КИРИШ

Сурхондарёнинг мард, меҳнаткаш ақл заковатли халқи бор, бағри кенг, аини замонда орияти баланд, бу эл фарзандларини хурмат қилмаслик мумкин эмас.

И.А.Каримов

Тарихий воқеа—ҳодисаларни тадқиқ қилиш, илмий таҳлил этиш, таққослаш ва қиёслаш орқали холисона мушоҳада билан хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Тарихшунослик фанида атамашуносликнинг ўрни беқиёсдир, чунки ҳар бир тарихий воқеликнинг ўз номи бўлиб, ушбу номлар орқали инсон тафаккури изоҳланади. Қадим даврдан буён олимлар жой номларини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб бориб, жой номларининг табиат, жамият, шахс номи билан боғлиқ йўналишлари масаласида мукамал тадқиқотлар яратди ва яратмоқдалар. Илмий тадқиқотлар натижасида кўплаб давлатлар ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тарихига оид топонимларни ўрганиш бўйича қимматли асарлар ёзилди. Тарихий атамашунослик йўналишида Ўзбекистон олимлари хизматлари ҳам ибратли бўлиб, бу тарихий йўналиш масаласида катта тажрибага эга бўлдилар. Таниқли олим Э.Бегматовнинг «Жой номлари-маънавият кўзгуси» (1998), Ҳ. Ҳасановнинг «Ўрта Осиёнинг тарихий географияси ва топонимияси», С. Қораевнинг «Ўзбекистоннинг ҳозирги ва қадимги жой номлари», «Ўзбекистон вилоятлари топонимлари», Ш. Қодированинг «Тошкент шаҳар микротопонимияси», Ё. Хўжамбердиевнинг «Сурхондарё», таниқли олим Т. Нафасовнинг «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати» (1988), профессор З.Чориевнинг «Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати» (2002), Ш.Сафаров ва И. Умаровнинг «Айрим топонимлар» (2005) каби асарлари ўзбек атамашунослигининг муҳим манбалари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида топонимлар масаласига жиддий эътибор берилиб, жой номларини ўрганиш, мустабид тузум ғоясини ўзида акс эттирган жой номларини ўзгартириш, миллий қадриятларни, урф-одатларни акс эттирувчи тарихий жой номларини тиклаш, жойларга шахслар номини бериш иши бўйича тўлиқ ва тўқис, холисона далилларга асосланиш долзарб бўлиб қолди. Шу каби мажбурий қўйилган, мазмун-маъноси аниқ бўлмаган топонимларнинг луғавий маъносини жиддий ўрганиш, эски номларни тиклаш, уларни асл таллаффуз қоидаларига мос ёзиш, мустақилликни тараннум этувчи жой номларини қўйиш аҳамияти жиҳатидан муҳим деб

белгиланмоқда. Ушбу тадқиқот этнологик нуқтаи назардан воқеа-ходисаларни тарихий таҳлил этиш билан бирга жамият ва шахсларга боғлиқ жой номларини танлашда қандай мезонларга эътибор бериш ҳамда қандай шахсларнинг номларини абадийлаштириш масаласида ҳам илмий мушоҳадага таянишни мақсад қилиб олди.

Мазкур тарихий-этнологик луғатни яратишда Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасов, Ш.Қодирова, Э.Дўсимов, З.Чориев, Ш.Воҳидов, Р.Холиқова, А.Абдурахмонов, Б.Ахмедов, И.Жабборов, А.Сагдуллаев, У.Увватов, П.Ғуломов, В.Никонов, Э.Мирзаев, Ё.Ҳўжамбердиев, С.Раҳимов, А.Қурбонов, А.Хромов, Ж.Бекмуҳаммедов, Б.Ахмедов, Е.Койчубаев, Р.Юзбашев, Х.Холмўминовларнинг илмий тадқиқотлари ва асарларидан унумли фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, илмий-оммабоп журналлар, матбуот ҳамда дала тадқиқотлари, архив манбаларидан кўп ва хўб истифода этилди. Сурхондарё вилояти тарихий-этнологик топонимлари масаласида шу вақтгача мукамал илмий изоҳли луғат яратилмаганлигини ҳисобга олиб, мавжуд манбалардан фойдаланиб ушбу тарихий этно-топономик луғат тузилди.

Этно-топономик луғат уч бобдан иборат:

Биринчи бобда тарихий атамашуносликнинг илмий-назарий асослари, мустақиллик йилларида атамалар ва топонимларни ўрганиш бўйича ҳукумат қарорлари, уни амалга ошириш йўллари ва натижалари ҳақида фикрлар жамланган.

Иккинчи бобда тарихий-этнологияга оид Сурхон воҳасига хос топонимлар, уларнинг изоҳли луғати, жамланган топонимларнинг натижалари илмий таҳлил этилган. Чунки луғатда тарихий этнологияга оид манбаларни умумлаштиришга сабаб иккала йўналиш ўзаро бир-бирини тўлдирувчи табиат, жамият, шахс билан боғлиқ топонимларни ўз ичига олади ва инсон ҳаёти билан боғлиқ.

Учинчи бобда мустақиллик йилларидаги жой номларини қайта кўриб чиқиш, ўзлаштириш, янги жой номларини қўйиш асосида Сурхондарё вилоятига хос воқеа-ходисаларни илмий таҳлил этиб, жой номларини қўйиш учун муносиб деб топилган манбалар тақдим этилди. Монографияда ўзбек давлатчилигига асос солган буюк тарихий шахслар, миллий озодлик учун кураш олиб борган халқ қаҳрамонлари, жаҳон фани ва маданияти ривожига, ўзбек миллати маънавий тараққиётини ривожланишига муносиб ҳисса қўшган улуғ алломалар, шоир ва ёзувчилар, маънавият тарғибчиларининг номларини абадийлаштириш масаласи ҳам тақдим этилди. Ушбу тақдим этилган жой номлари илмий-тарихий, тарихий-бадий, тарихий-географик, тарихий-геологик, тарихий-этнологик жиҳатдан мукамал ўрганилиб,

луғавий асослари таҳлил этилиб, жой номларига қўйиш учун лозим топилди. Энг муҳими Сурхон воҳасига оид топонимлар билан биргаликда воҳа аҳолиси томонидан кенг талаффуз этиладиган, воҳага четдан кириб келган атамаларни ҳам ушбу китобга киритилди. Чунки, воҳа аҳолиси учун нотаниш бўлган, лекин, кенг баён этиладиган атамаларни маъно ва мазмунини билиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Сурхон воҳаси топонимига оид бўлмасда, халқ оммаси томонидан кенг ишлатилишини ҳисобга олиб, замонавий топонимларни ҳам мазмун ва маъносини англаб олиш мақсадида ушбу китобга киритилди.

Сурхондарё вилояти топонимлари бўйича тузилган ушбу тарихий-этнологик луғат Ватан тарихини атрофлича ўрганишга ҳамда бу борада тарих фанида мавжуд бўшлиқни тўлдиришга доир амалга оширилган илмий иш сифатида китобхонга тақдим этилди. Луғат бўйича билдирилган таклифларни муаллиф самимий миннатдорлик билан қабул қилади.

I-БОБ. Тарихий атамашуносликнинг илмий-назарий асослари **Жой номлари-маънавият кўзгуси**

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

И.А.Каримов

Ватан тарихи, унинг муқаддас номи, инсон учун доимо жозибали кўринади, шунинг учун халқимиз ўзидан олдинги аجدодлар яратган моддий-маънавий бойликлардан мағрурландилар. Кишилар қадим-қадимдан бери ҳар бир нарсани ва воқеа-ҳодисани махсус ном ёки атама билан атаб, бу ажойиб анъана натижасида ўша қўйилган жой номлари аجدодлардан авлодларга етиб келган. Ана шу жой номлари ҳар бир халқнинг қадимий тарихини, унинг бой кечмишини, ўтмиш маънавиятини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Бироқ халқимиз томонидан қўйилган қадимги жой номлари собиқ тузум даври мафқураси туфайли эскича номлар сифатида сунъий тарзда ўзгартирилди ва гоҳо қасддан йўқотилди. Шу боисдан ҳам тарихимиз ва миллий қадриятларимиз билан боғлиқ бўлган кўплаб жой номлари бизгача тўлиқ етиб келмаган, етиб келганлари ҳам саноклидир. Чунки моддий-маънавий ҳаётнинг ўзгариши, тарихий жараёнлар, сиёсий бұхронлар, босқинчилик-истилочилик ҳаракатлари, ўтрок ва кўчманчи аҳолининг бир-бири билан қўшилиб, аралашиши натижасида жой номлари ўзгариб, баъзилари эса бутунлай йўқолиб, тарих саҳифаларидан изсиз йўқолиб кетган. Жой номларида Миллат, Ватан, Давлат номи, унинг худуди, тили, маданияти, иқтисодий ҳаёти, тарихи мужассамлашган бўлиб, шу ном билан халқ мағрурланиб «Менинг юртим», «Менинг Ватаним», «Она тилим», «Мен ўзбекман» каби тушунчалар туфайли ҳар бир инсоннинг онг тизими шаклланади.

Жой номларини билиш, ўрганиш, уни ҳимоя қилиш миллатнинг бурчи бўлиши билан бирга, унинг маъно-мазмунини тушуниш, нима сабаб билан шу ном келиб чиққанлигини аниқлаш муҳим масаладир. Албатта, жой номларини қўйишда мамлакат худудида яшаётган бошқа миллатларнинг, элатларнинг ҳам қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни тушуниб, маъно-мазмунини англаб етиш алоҳида қимматга эга. Бизга маълумки, бир мамлакатда, бир ҳудудда ҳеч қачон бир миллат соф ҳолатда шаклланмаган ва

шаклланмайди ҳам. Халқлар, тиллар, лаҳжалар ҳамиша бир-бирига яқин ва муштарак бўлиб, элатлар бир ҳудудда яшаб бир-бирлари билан доимий маданий-иқтисодий алоқада яшаб келдилар. Ўзбекистон миллий мустақил давлат бўлиб ташкил топгач, бошқа соҳалар каби жой номлари масаласига ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Мустабид тузум даврида мажбурий тарзда қўйилган кўплаб жой номларини қайта кўриб чиқиш, ҳар бир жой номининг маъно-мазмунига қараб изоҳлаш соҳасида муҳим ишлар қилинди. Қўйилган қадимий жой номларидан тортиб ҳозирги қўйиладиган жой номларигача илмий таҳлил қилиш, уларнинг тарихий маъноларини англаб етишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Турли хил маъносиз, асоссиз, зўрма-зўракилик билан ном қўйиш, мустабид тузумни акс эттирган, халқ ва ватан манфаатига хизмат қилмаган шахсларнинг номларини қўйишда эҳтиёт бўлиш бош мезондир. Боиси ҳар бир жой номи ўша тил вакили тили билан аталади, маъно-мазмуни изоҳланади, шарҳланади, умуман, жой номларини тушуниш ва тушунтириш катта меҳнат эвазига эришилади. Тил инсонга табиат инъом қилган бебаҳо, бетакрор ҳамда мислсиз мўъжизадир. Фикрни ифодалаш тил орқали амалга ошади. Айтиш мумкинки, бу қобилият инсонга берилган ноёб ҳодисадир. Тил ўша миллатнинг маънавияти, маданияти, фалсафий-диний эътиқодлари, ахлоқий-эстетик қарашлари, маиший ҳаёти, турмушига оид тушунча ва тасаввурларни ўзида ифодалайдиган улуғ воситадир.

Ўзбек тили, унинг сўз бойлиги даврлар ўтиши билан миллий-маънавий хазинамизни чексиз кенгайтириб, жой номларининг вужудга келишига ҳисса қўшиб келди. Ана шу масалани илмий тадқиқ этувчи топонимист (жой номларини ўрганувчи) олимлар жой номларини ўрганиб, унинг лисоний, тарихий таҳлилига эътибор бериб, кўплаб номларни қайта назардан ўтказиб чиқдилар. Масалан, Сурхондарё вилоятида 15 мингга яқин топонимлар мавжуд бўлиб, шундан 1 мингга яқини аҳоли яшаш жойлари сифатида аҳоли номи билан боғлиқ аталади. Олиб борилган тадқиқотлар давомида вилоят ҳудудида макротопоним (йирик)лар ва микротопоним (кичик)ларга оид кўплаб манбалар аниқланди. Айниқса, Бойсун, Денов, Шўрчи, Шеробод туманларида бу соҳада маълум ижобий ишлар қилинди. Бойсун тумани ҳудудининг ўзидагина етти мингдан ортиқ микротопонимлар тўпланиб илмий таҳлил этилди.

Халқимиз ҳар бир жой номини қўйишда ўша жойнинг табиий ҳолати, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалиги, унинг кўҳна тарихига хос хусусиятларга диққатини тортган. Вилоятимиз табиати бой, турли-туман ўсимликлар, гиёҳлар ўсадиган буюк муқаддас воҳадир. Шу сабабли Сурхон воҳасида Андизли, Бойтут, Боғчорбоғ, Гужумли, Чим, Чорбоғ; ҳажми ва миқдори билан боғлиқ топонимлар: Бештахта, Бешчашма, Бешэркак; ҳайвонот дунёси

билан боғлиқ топонимлар: Бойбўри, Бўривой, Бўрижар каби номлар қадимий халқимиз урф-одатлари, қадриятларини ўзида акс эттирган. Воҳада кон номлари билан боғлиқ топонимлар: Тиллаховуз, Тиллакамар, Хўжайкон, Шарғун; уруғ-қабилла номлари билан боғлиқ топонимлар: Авоқли, Арлотинча, Арғун, Ачамайли, Боймоқли, Қанжиғали, Қарлуқ, Қуйин, Қулдовли, Қўнғирот, Манғит; ҳунармандчиликка оид топонимлар: Болтали, Бўйрабоб, Катман, Миришкори, Тароқли, Тегирмонтош, Таботош каби жой номлари кўхна тарихдан далолат беради.

Воҳадаги жой номларининг маълум қисми жуда қадимий сўзлар бўлиб (масалан, Зараутсой, Дарбанд, Вахшивор, Зарабоғ, Бойсун, Чағониён, Термиз, Шеробод) улар халқимизнинг ўтмиши, маданияти, турмуш тарзидан хабар беради. Биз бундай жой номларини тарихий номлар, тарихий-маданий аҳамиятга эга номлар деб атаймиз. Шунинг учун ҳам олимлар жой номларини «ернинг тили» деб баҳо берадилар. Машҳур рус олими Н.Н.Надеждиннинг «Ер-бу топонимлар ёрдамида инсоният тарихи битилган китобдир» деган сўзи муҳим аҳамиятга моликдир. Мустабид тузум даврида Сурхон воҳасидаги шаҳар, туман, қишлоқ, кўчалар, давлат ва жамоа хўжаликлари, идора ва ташкилотларга Совет жамиятини улуғлайдиган, унинг учун хизмат қилган, коммунистик мафқурани тарғиб қиладиган шахсларнинг номларини қўйиш одатий тусга айланди. Натижада қадимдан сақланиб келаётган жой номлари кун тартибидан олиб ташланиб, миллий анъаналар, урф-одатлар, қадриятларни акс эттирувчи жой номларидан воз кечилди. Табиатнинг муқаддас жойларини, тарихий обидаларни, авлиё-алломаларни, маҳаллий зиёлиларни, олимларни, миллий қаҳрамонларнинг номи акс эттирилган топонимларга чек қўйилди. Маданий тарихий ёдгорликлар номи унутилиб, талон-тарож қилиниш билан бирга динга қарши кураш байроғи остида ҳар қандай маҳаллий, миллий топонимларга кураш эълон қилинди. Ҳали мустақиллик қўлга киритилмай 1989 йил 21 октябрда Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси ва жасорати туфайли Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 24-моддасида «...барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб кўрсатилди. Бу ўзбек халқининг, муқаддас улуғ тарихнинг тикланиши, миллий ҳис-туйғулар, орзу-умидларнинг амалга ошиши, Ватан номини, халқнинг миллат кўзгусининг жаҳонга танилиши ва эркин фикр юритиши учун имконият берилиши эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида топонимларни миллий жиҳатдан тиклаш, жойларни миллий урф-одатларни, қадриятларни ўзида акс эттирувчи номлар билан аташ бўйича муҳим ишлар, тадбирлар амалга оширилди. Президентимиз

И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарор қабул қилди. Унинг 22-моддасига «Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади» деган қўшимча киритилди. Давлат раҳбарияти ушбу қонунларни амалга ошириш борасида муҳим қўшимча қарорлар кўрсатмалар асосида ишларни амалга оширдилар. 1996 йил 30 августда эса «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонунида, «...маъмурий-ҳудудий бирликлари, аҳоли марказлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физикавий-географик, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди» деган кўрсатмаси бўйича кенг камровли тадбирлар амалга оширилди. Ушбу қарор ва кўрсатмаларда топонимлар халқ маънавиятининг қадимий моддий ва маънавий мероси бўлиб, ҳозирги ёш авлодни тарбиялаш ва келажак авлодга муносиб мерос қолдириб, миллий қадриятларни янада бойитиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Мустақиллик йилларида тарихий топонимларни тиклаш, миллий тил ва миллий қадриятларга одилона муносабат сиёсати яратиб, тил ва тарихий луғавий бойликларни мукамал ўрганиш масаласига жиддий киришилди. Вилоят ва туманларнинг номларини ўзгартириш ҳақида Президентимиз фармонлари, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Қарорлари қабул қилинди. Натижада Гагарин райони Музработ тумани, Ленин йўли райони Қизирик тумани деб ўзгартирилди. Вилоят топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия тинимсиз амалий ишларни бажариб, илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ўтказиб, жойларни номлаш, улар номини ўзгартириш, тарихий номларни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича қатор ишларни амалга оширди.

Вилоят комиссияси томонидан бу ишларни амалга оширишда қуйидагиларга жиддий эътибор берилди:

- 1) Мустабид тузум ғоясини ўзида акс эттирган жой номларини ўзгаритириш.
- 2) Миллий қадриятларни, урф-одатларни акс эттирувчи тарихий жой номларини тиклаш.
- 3) Жойларга шахслар номини бериш иши бўйича мукамал ҳолисона маълумотларга асосланиш.

Жой номларини қўйишда, бир жой номини тарихий ҳамда тилшуносликка оид манбаларни ўрганиб, чигал ва мунозарали масалаларни ҳал қилишда қўйидаги масалаларга эътибор бериш кун тартибидаги муҳим масалага айланди:

- олиб борилган топонимик тадқиқотлар даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган, тарихий жиҳатдан Ватан озодлиги, мустақиллиги, тараққиётига доир воқеа-ҳодисаларни ҳисобга олиш ва ўзига хос жой номларини, атоқли тарихий шахсларни аниқлаш ва номлаш;
- топонимик жой номларини аниқлашда майда қурилиш биноларига жой номларини бериш шарт эмас: масалан, мактаблар, туғруқхоналар, касалхоналар, уларни тартиб сон ёки йўналиш бўйича номлаш, яъни 1-сон, махсус физика-математика интернати, 2-сон умумий ўрта таълим мактаби, 1-сон вилоят касалхонаси, вилоят тез ёрдам кўрсатиш касалхонаси ва ҳоказо;
- ушбу номсиз, фақат тартиб сон билан изоҳланадиган мактаблар ёки касалхоналарда қўйилган тарихий шахсларнинг номларини мактаб ёки касалхонада музейлар ташкил этиш йўли билан уларнинг номини абадийлаштириш ва ўрнатилган ёдгорликларни асраш мумкин;
- жой номларини ўзгартиришга оид таклифларни мукамал ўрганиб, янги қўйиладиган жой номини тарихий, тилшуносликка оид луғавий асосини ўрганиб, талаб ва мезонларини белгилаб олиш;
- хотираси абадийлаштиришга мўлжалланган тарихий шахсларнинг ҳаёт йўлини муносиб ўрганиб, холисона, танқидий ёндашиб, халқнинг ҳурмат-эътиборини белгилаб, вафот этганига камида 5 йил вақт ўтганлиги ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир;
- айниқса, шахсларнинг хотирасини абадийлаштиришда тасодифий тарзда ватан ва халқ манфаатларига хизмати мукамал сингмаган шахслар номини қўйиш, кимнингдир қистови, хайбаракачилик, пул эвазига халқ ўртасида ҳурмат топмаган шахсларнинг номини қўйишдан эҳтиёт бўлиш;
- Энг муҳими, табиий, халқона топонимларга оид манбалардан фойдаланиш, мафкуравий, сиёсий-ғоявий қарашлар, тазйиқлар, расмий-идоравий хуружлардан холос бўлиш талаб этилади.

Юқорида қайд этилган топонимлар билан боғлиқ масалани муҳокама қилишда топонимик объектларга ном бериш билан шуғулланувчи комиссия қўйидаги масалаларга эътибор бериши мақсадга мувофиқдир:

- топонимларга нималар киради?-Бунда алоҳида бериладиган нарса жой номлари фонди қайд қилинган номлар доирасидан анча кенг ва ғоят серқирра ҳодиса эканлигини тушуниш ушбу масалани топонимия

доирасида ҳал қилишда атоқли отларга тааллуқли асосий гуруҳларни аниқлаш талаб этилади: Бу атоқли отларга профессор Эрнст Бегматов қуйидагича изоҳ берган:

- вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар номи;
- мавзелар, даҳалар, маҳаллалар, гузарлар, ширкатлар номи;
- майдонлар, регистонлар, хиёбонлар, боғлар, истироҳат боғлари, бульварлар, дендропарклар номи;
- қадимий қалъалар, кўрғонлар, истехкомлар, деворлар, карвонсаройлар, қароргоҳлар, ўрдалар, бозорлар, манзилгоҳлар ва бошқа хил қурилиш бинолари;
- масжид, мадрасалар номи;
- кўчалар, шохкўчалар, боши берк кўчалар, тор кўчалар, йўллар, темир йўллар, чорраҳалар номи;
- вокзаллар, автовокзаллар, аэропортлар, аэровокзаллар, аэродромлар, работлар, лангарлар, темирйўллар, метро станциялари, жамоа транспорти бекатлари номи;
- тоғлар, тоғ тизмалари, қирлар, доvonлар, сангирлар, тепалар, тепачалар, қоялар, чўққилар, қоятошлар, тоғликларда жойлашган бошқа хил физикавий-географик ўринлар номи;
- далалар, водийлар, текисликлар, пасттекисликлар, адирлар, ўзанлар, яйловлар, ўтлоқлар, чакалакзорлар, чангалзорлар, қамишзорлар, ўрмонзорлар, чеклар, ер майдонлари, кўрикхоналар номи;
- саҳролар, чўллар, даштлар, қумликлар, саванналар, барханлар номи;
- қирғоқлар, жарлар, жарликлар, ғорлар, ўйиқлар, ўзанлар, барханлар номи;
- океанлар, денгизлар, кўллар, сув омборлари, ҳовузлар, қудуқлар, ариқлар, каналлар, булоқлар, сизмалар, шаршаралар, ташламалар, дарёлар, сойлар, ирмоқлар, тўғонлар, дамбалар насос станциялари, ярим ороллар, ботқоқликлар, кўприклар, сув айиргичлар, музликлар, чуқурликлар, кўприклар, сув тегирмонлари номи.

Сурхондарё вилоятида топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси мунтазам тарзда амалий ишларни бажариб, жой номларини ўрганиш ҳамда янги жой номларини қўйиш масаласида муҳим тадбирларни бажариб келмоқда. Вилоят ҳокимлигининг доимий назоратида топонимик объектларга ном беришда шаҳар ва туман ҳокимликлари, маҳаллалар, жамоатчи ташкилоталар, олимлар ҳамда халқ таълими ходимларининг иштироқи доимий тарзда жалб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги 383-сон, 2005 йил 30 декабрдаги мажлис баённомаси ва 2006 йил

28 мартдаги «Андижон ва Фарғона вилоятлари топонимик объектларига ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар фаолияти тўғрисида»ги 07-5-66-сонли мажлисининг баённомалари вилоят топонимик объектларга ном бериш комиссияси томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, ушбу қарор ва мажлислар асосида муҳим тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг натижалари амалга оширилмоқда.

Жой номлари халқ маънавиятининг буюк хизмати натижасида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Шу туфайли жой номларига эътибор Ватанга, миллатга эътибордир. Вилоятимизда ҳар бир инсон бу масалага жиддий эътибор бериб, миллий туйғу билан амалий ёрдам бериши долзарб масаладир.

Жой номларига эътибор инсон ақл-заковати шакллангандан буён пайдо бўлиб, кейинчалик фан ривожини натижасида бу масалага жиддий қараш янада ошди. Инсоният ўзи яшаётган ҳудудни муқаддас билиб, уни тафаккуридаги энг улуғ туйғу билан номлашга ҳаракат қилган. Инсон тил тафаккури, тарихий ҳаёт тажрибаси натижасида даврлар ўтиши билан табиатдаги номаълум сирларни, физикавий-географик манбаларни аниқлаб уни бирон-бир ном билан аташга ҳаракат қилган. Янги тафаккур, таракқиёт, ривожланиш, ўзгаришлар натижасида эски номларга кишиларнинг муносабатлари ўзгариб, янги номларни қўйишга одатланиб боради. Айниқса, жамиятдаги тафаккур, синфий ўзгаришлар, давлат тўнтаришлари, янги тузум ёки мустақил давлатларнинг ташкил топиши асосида янги жой номларининг пайдо бўлиши натижасида эски топонимларнинг кўпчилигидан воз кечилган. Бу масалани турли даврларда юз берган сиёсий ўзгаришлардан билиш мумкин, оқибатда янги сиёсий тузум ва мустақилликни ақс эттирувчи жой номлари пайдо бўлиб, озодлик ва мустақиллик йўлида курашганлар, Ватан мустақиллиги, уни сақлаш борасида мардлик, жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш халқнинг муқаддас хотира туйғусидан жой олади. Мустақиллик туфайли пайдо бўлган Мустақиллик майдони, Истиқбол маҳалласи, Алишер Навоий, Бобур боғлари шулар жумласига киради. Широқ, Тўмарис, Катан, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби халқнинг миллий қаҳрамонлари, «Авесто», «Алпомиш», «Тошбосар» каби тарихий-афсонавий, манбалари, дostonлари, Ватан озодлиги, миллат ор-номуси учун курашган, шу йўлда шаҳид кетган миллий қаҳрамонлар, қатағонлик қурбонлари хотирасига бағишлаб қўйилган номлар янги жой номлари сифатида пайдо бўлди. Ушбу янги жой номларини энг кўркам, муҳташам, халқ кўп йиғиладиган, дам оладиган жойларга қўйиш мақсадида Сурхондарё вилоятида катта ишлар қилинди. Аммо янги жой номларини қўйишда миллат фаҳри бўлиб келган ардоқли ёки тарихий шахс

номини ёхуд бирор тарихий воқеа шаънига қўйилаётган номни ҳар қандай ва хоҳлаган жойга қўявериш мумкин эмаслиги аниқ. Янги жой номлари қандай жойларга қўйилиши топоним олимлар томонидан ўрганиб чиқилган ҳамда маъқулланган номсиз бўлган ёки янгидан барпо этилаётган жойларга, объектларга янги ном берилиши лозим. Бунинг учун қўйидагилар таклиф этилади:

1. Олдин номсиз бўлган географик жойлар, объектлар.
2. Янгидан ташкил қилинаётган, маъмурий-худудий бирликлар, яъни шаҳар, туман, аҳоли яшаш манзилгоҳлари.
3. Жой, ўрин тушунчасига кирадиган физикавий-географик объектлар (темир йўл вокзаллари, бекатлари, автостанциялар, йўллар, хиёбонлар, майдонлар, кўприклар ва бошқалар).

Янги жой номи берилаётганда жойнинг олдинги номи бўлганми ёки бўлмаганлигига алоҳида эътибор бериш лозимдир. Янги жой номи берилаётган жойнинг олдинги тарихини синчиклаб текшириш, қадимий даврга оид манбаларга, архив ҳужжатларига, тарихий, тарихий-бадий адабиётларга эътибор билан қараш зарур. Ушбу янги жойга оид қадимий номлар бўлса, унинг маъно-мазмунини ўрганилиб, агар миллий эътиқодга мос келса, эски қадимий жой номи тиклаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Жойнинг мавжуд номини ўзгартириш масаласи қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши кўзда тутилади:

1. Бир туман ёки шаҳар ҳудудида бир хил ўхшаш номлар такрор учраса.
2. Жойнинг баъзи сабабларга кўра унутилаётган қадимий, тарихий номини тиклаш лозим бўлса.
3. Ном мансуб бўлган жойда маъмурий-худудий ўзгаришлар содир бўлганда (жойнинг ҳудуди кенгайтирилганда, икки ёки ундан ортиқ аҳоли марказлари қўшилганда ва бошқалар).
4. Жойга, географик ҳудудга алоқаси бўлмаган мафкуравий номларни, пуч мазмунли, куруқ шиорбоп, миллат манфаатларига мос келмайдиган, маҳаллий халқлар урф-одатларини камситувчи номлар («Олға», «Учқун», «Социализм», «Коммунизм», «Қизил Байроқ», «Қизил Октябрь», «Пионер», «Комсомол», «Коммунист», «Совхознўй», «Пролетар»).
5. Ўзбек тилининг луғавий тизими учун ёт бўлган маҳаллий тилга сингмайдиган баъзи беўхшов номларни ўзгартириш (Корасу, Бешкутан).
6. Даврнинг миллий-маънавий қарашларнинг ахлоқий-эстетик талабларига жавоб бермайдиган, маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган баъзи хунук, ноқулай маъноли номлар.

7. Ўзбек тили учун хос бўлмаган қисқартма шакллардаги номлар (8 март маҳалласи, Ўрта Осиё кабель).

Кўплаб номлар ҳозирги давр кишиларига келиб чиқиши номаълум, тушунарсиз бўлганлиги учун ҳам ўзгартиш ҳолатлари мавжуд. Албатта, жой номлари фақатгина чиройли сўзлардан иборат ҳам бўлмаслиги керак, унинг мазмуни ва маъноси тушунарли бўлиб, узундан узун жой номлари қўйишдан эҳтиёт бўлиш мақсадга мувофиқдир. Топоним олимларнинг фикрича, жой номларини қўйишда қўйидаги масалаларга эътибор бериш зарур, бунда жой номи қўйиладиган ҳудуд аҳолисининг жойларини номлаш соҳасидаги тарихий анъана ва тажрибалари, миллий руҳ ва маҳаллий хусусиятлар, ўзбек тилининг талаблари, шунингдек, умумдавлат манфаатларини ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун қўйидаги талабларга алоҳида эътибор бериш лозим:

1. Энг муҳими жой номи ўзи атаётган жойнинг табиий, физикавий-географик хусусиятларни ифодалаш, маъноси ва мазмуни шу ҳудудга мос бўлиши керак.
2. Қўйилаётган ном маҳаллий аҳоли тилининг хусусиятларига тескари ва ёт бўлмаслиги ҳамда маҳаллий топонимияси тизимини бузмаслиги керак.
3. Жой номларида тарихийлик, миллий, лисоний руҳ, топономик анъавийлик сезилмоғи керак.
4. Жой номи ўзлашма эмас, имкон борича ўз тил манбаларига асосланиши лозим.
5. Битта ном бирдан ортиқ жойларга такрор қўйилавермаслиги керак.
6. Номнинг талаффузи енгил ва қулай хушоҳанг, аниқ, содда ва тушунарли бўлиши лозим.
7. Жой номи қўйилган жойни осон топишга қўмаклашиши лозим.

Сурхондарё вилоятида жой номларини ўрганиш ва қўйиш масаласида кенг камровли тадбирлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Вилоят топонимик объектларга ном бериш комиссияси шаҳар ва туманларда топонимик объектларни ўрганиш илмий, ҳолисона ҳамда халқимиз анъаналарига, урф-одатларига, қадриятларига эътибор берган ҳолда тарихий манбаларга таяниб, доимий тарзда тадбирлар ўтказиб келмоқда.

ЖОЙЛАРНИ ШАХСЛАР НОМИ БИЛАН АТАШ МУМКИНМИ?

Тарихий хотираси бор инсон, иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

И.А.Каримов

Шахслар номини жойларга қўйиш катта тарихий амалий илмни талаб этиб, унда шахснинг келиб чиқиши, таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий, моддий-маънавий, ҳарбий-сиёсий, жамият тараққиётида тутган ўрни, ақл-тафаккури, Ватан ва маҳаллий ҳудуд ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида ўрин тутди. Айниқса, Ватан озодлиги, миллат равнақи, миллий тотувлик, миллатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, тинчлик, маданият ривожига қўшган ҳиссаси, ақл-заковатини мукамал ўрганиб чиқиш тақозо этилади. Шахслар хизмати узоқ ёки қисқа умр кўриш ҳисобга олинмайди, балки амалга оширган ижобий хислати беқиёслиги, кўпчиликка ибрат бўлиши, минглаб кишиларни инсонпарварлик, ватанпарварлик, саводхонлик, маданий дунёқарашни юксалтиришга қўшган ҳиссаси алоҳида таҳлил этилиши зарурдир. Жой номларига шахслар номини қўйишда ҳудудни табиий-географик муҳитга, ишлаб чиқаришнинг тараққий этган тармоқларига, моддий-маънавий маданиятга қўшган салоҳиятига эътибор бериш муҳимдир. Чунки жойга мос келмаган ҳолатда шахслар номини қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу масалада дунёда халқаро тинчликни мустаҳкамлашда, халқаро фан-маданиятни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси билан машҳур шахсларнинг номларини шаҳарлардаги аҳоли зич бўлган жойларга қўйиш таклиф этилади. Шахс номларини ўрганиш қатъий талаб асосида шошмасдан ҳолисона халқнинг кенг маънодаги баҳсини таҳлил этиб, кўплаб қайд этилган тавсиялар мазмунини тарихий асосда хулоса қилиб ёритиш долзарб масаладир. Чунки шахс номини қўйишда маҳаллийчиликка, қон-қариндошликка, буйруқбозликка, махсус кўрсатмага амал қилиб бўлмайди. Шахслар инсонларнинг хусусийлик ҳолатидир, шу туфайли шахсга нисбатан омманинг ҳурмати баланд ҳамда ижобий бўлиши талаб этилади. Унинг вафотидан кейин 5 йилдан 50 йилгача оралиқ масофани жиддий ўрганиб, таҳлил этиш талаб этилади.

Шахс тўғрисидаги тавсиялар олимлар ва жамоатчилик такризидан ўтиши, хулоса ижобий изоҳланиб берилгандан кейин жой номига тақдим этилмоғи керак. Албатта, шахс номи қўйиладиган жой ҳудуди, аҳолисининг касб-кори, ишлаб чиқариш, маориф, маданият йўналишига мос этилишини биз юқорида алоҳида таъкидладик. Кенг маънода тақдим этиладиган шахс

номлари Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлида курашганлар, фан-маданият, санъат тараққиётига, халқаро тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшганларнинг исмини қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шахслар номига боғлиқ Ватан озодлиги, юрт мустақиллиги учун кураш олиб бориб, шу муносиб курашда ҳалок бўлиб, халқ қаҳрамонларига айланган Широқ ва Тўмарис, Эрон босқинчиларга, Юнон-Македон босқинчиларига қарши Паретакада халқ ҳаракатига раҳбарлик қилиб қаҳрамонларча ҳалок бўлган Катан ва Австан, мўғул истилочиларига қарши курашда мардларча ҳалок бўлган Жалолиддин Мангуберди ҳамда бошқаларни миллий қаҳрамонлар сифатида жой номларига қўйиш мақсадга мувофиқ. Шахслар номини мактаблар, касалхоналар, майда ташкилотларга, ўрта махсус ва олий ўқув юртларига қўйиш ўринли эмас. Ушбу таълим-тарбия ва даволаш муассасаларида шахснинг ҳаёт йўли боғланган бўлса, танланган шахс ҳаётига бағишлаб музейлар, тарихий бурчаклар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шахслар номини таълим-тарбия муассасаларига қўйиш қўш номларни келтириб чиқаради.

Шахслар номини қўйишда қўйидагиларни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жойларни номлаш ҳақидаги Қонунлар ва қарорларидан келиб чиқиб, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар, шаҳарчаларга шахслар номини беришга рухсат этилмайди.
2. Географик жой номларига шахслар номи истисно тариқасида берилади.
3. Шахс номини жой номига қўйишда етарли даражада тавсиялар ишлаб чиқилиб, тарихий-ижтимоий жиҳатдан асосланмоғи керак.
4. Давлат аҳамиятига эга бўлмаган майда ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар, фермерлар, савдо дўконлари, кичик жамиятлар халқимизнинг буюк сиймолари, жаҳонга машхур шахслар номи билан аталмаслиги лозим.
5. Шаҳар ёки туман марказидаги жой номларига буюк аجدодларимиз номини такрор қўймаслик керак. Бу билан уларнинг эзгу номи ва обрў-эътибори сийқаллаштириб юборилди. Чунки, шаҳардаги мавжуд маҳаллаларда бир шахс номи такрор қўйилиши ҳолатлари кўп содир бўлмоқда.
6. Шахс номи жойларга унинг вафотидан кейин камида 5 йил ўтгач ёки шахснинг обрў-эътибори камида чорак асрлик муддатга бардош бергандагина қўйилиши мумкин. Бунга Ватан, озодлик ва мустақилликни таъминлашда жасорат намунасини кўрсатган миллий қаҳрамонлар, саркардалар, давлат арбоблари, буюк сиймолар,

алломалар, фан-маданият арбоблари, машхур олимлар, халқ манфаати, Ватан ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилганларни киритиш мумкин.

Ушбу шахсларнинг номларини илм-фан, маданият ва санъат даргоҳларига, илмий тадқиқот институтларига, бирлашмалар, театрлар, кинотеатрлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, бульварлар, майдонлар, жисмоний тарбия ва спорт иншоотларига, маҳаллаларга, кўчаларга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Олиб борилган тадқиқотлар ҳамда шахс номларини абадийлаштириш комиссияси хулосасига мувофиқ вилоятда ватан мустақиллиги, унинг иқтисодий-сиёсий, маданий ҳаёти ривожига муносиб ҳисса қўшган шахсларнинг номларини абадийлаштириш тақдим этилди ва уларнинг руйхати илова қисмида келтирилди.

ЭТНОЛОГИЯГА ОИД АТАМАЛАР ВА УНИНГ ИЛМИЙ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта зурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

И.А.Каримов

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда юз бераётган туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ўтмишни чуқур ҳамда янги тафаккур асосида таҳлил этишни тақозо этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида таъкидлаганидек, «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зурур». Дарҳақиқат, юртбошимиз тарихчилар олдида қўйган энг долзарб ва устувор вазифалар-миллий давлатчилигимиз тарихи ва ўзбек халқининг этногенезини тадқиқ этишда этнография (халқшунослик) фанининг ўрни бекиёсдир. Этнография кўп қиррали ижтимоий фан бўлиб, унинг асосий тадқиқот объекти миллатлар, халқлар ва элатлар (этнослар) ҳисобланади. Этнография фани ер юзидаги халқларнинг келиб чиқиши (этногенези), ўзига хос моддий ва маънавий маданияти, антропологик (ирқий) ва лингвистик (лисоний) белгилари, анъанавий ҳўжалиги, маросим ва урф-одатлари, ижтимоий, оилавий ва маиший турмуш тарзларини ўрганиш жараёнида ҳар бир этноснинг жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади.

Этнография фани қадимги грек сўзлари-«этнос» (халқ) ва «графо» (ёзиш, таърифлаш) деган маънони билдириб, янги фан сифатида XIX асрда тўлиқ шаклланди. Бу атаманинг асосчиси XVII аср бошларида немис ёзувчиси Иоганн Зуммер бўлиб, унинг 1808 йилда илк бора «Этнография» илмий-оммабоп журнали чикди. Этнография сўзи машҳур француз табиатшуноси ва физик олими Жан-Жак Ампер томонидан тақлиф этилди. Ушбу фан шаклланиши натижасида дунё халқларининг келиб чиқиши, ижтимоий турмуш тарзига оид улкан ишлар амалга оширилиб, илмий тадқиқотлар туфайли дунё халқлари классификацияси яратилди.

Этнография фанининг Марказий Осиёда ҳам ўз ўрни ва аҳамияти маълум даражада сезилиб, бу ҳудуддаги халқларнинг этник қиёфаси,

хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи хусусиятлари даставвал маҳаллий табиий-географик ва экологик шароитга боғлиқ ҳолда ўрганиб келинди. Афсуски, собиқ шўролар тузуми даврида иқтисодий ва маънавий қашшоқлик, зўравонлик ва миллий низолар кучайган даврда Ўрта Осиё, жумладан, ўзбек халқининг келиб чиқиши хусусида бирон-бир одилона фикр юритиш мумкин эмас эди. Шиддатли мустабид ижтимоий оқимнинг қудратли тўлқинида инсоннинг, бутун бир элат ва халқнинг сабр-тоқати ва иродаси, кучи, ақл-идроқи синовдан ўтди. Шу оғир давр синовларига қарамай ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг илк аجدодлари, миллий, моддий ва маънавий тарихига оид илмий асарлар яратилиб, ўзбек этнография мактаби шаклланди. Машҳур этнограф олимлардан Т.Ходжайев, К.Шониёзов, И.Жабборов, А.Муҳаммеджонов, Б.Кармишева ва бошқалар бу соҳага оид машҳур асарлар ҳамда дарсликлар яратдилар. Фақат истиқлол шарофати туфайли жаҳон ҳамжамиятига тобора кўз тутаётган Ўзбекистон этнографлари дунё халқларининг этногенези ва этник тарихи, хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти билан таништиришда этнография фанини етакчи ўринларга олиб чиқмоқдалар. Бу фан ёш авлодни Ватанга садоқатли, имонли ва эътиқодли, комил инсон бўлиб тарбиялашда ҳам муҳим ўринда туради. Ёшлар жаҳон, кўшни, қардош халқлар, хусусан, ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи, анъанавий турмуш тарзи, умуман миллий ва умуминсоний қадриятларни этнография фани орқалигина эгаллайди.

Миллий муносабатларда миллатлар тарихини ўрганиш этнология йўналишидан алоҳида илмий тафаккурни талаб қиладиган муҳим масаладир. Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Ҳар қандай миллат-у нақадар кичик бўлмасин-инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзасидаги маданий ва генетик фондининг шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади» деб башорат қиладилар. Этнография фанида миллий, ирқий хусусиятларни ўрганиш, урф-одатларни таҳлил қилиш, ҳар бир этник қатламни, кичик-кичик гуруҳларни бир-биридан фарқини англаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, бир-бирига жуда ўхшаш гуруҳлар, элатлар, халқларни ажратиш, фарқлай билиш жуда катта масаладир. Этнография фанида тадқиқотлар олиб бориш натижасида антропологик, лингвистик, топономик, биологик изланишларни олиб бориш ҳамда бу тўғрисида хулосалар бериш, таққослаш, тавсифий белгиларни аниқлаш, тил лаҳжаларини фарқлаб олиш учун кетма-кет изланишлар қилиш, тадқиқот натижаларини назария ва амалиёт билан боғлаш, фан билан ҳаётий тажриба ўртасидаги ишончли муносабатларни шакллантириш муҳимдир.

Этнография фани ҳар бир одамни ирқий белгилашдан ташқари худудий, иқтисодий, маданий, сиёсий урф-одатларни, турмуш тарзини фарқлай билиш билан биргаликда одам қиёфасини белгилайдиган тана, кўз, соч, соқол, қош, киприк, лаб, бурун, тирноқ, кулоқ, бўйин, томоқ, панжа, тирсак, товон, тиш, пешона, қўл, оёқ, бўй, тери каби тавсифий белгиларни тадқиқот таҳлилига киритиш билан ҳам ажралиб туради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, этнография фани фақатгина Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги даврларда олий ўқув юртларида дарслик сифатида ўтиб келинмоқда. Бу эса этнографияга оид мавжуд муаммоларни бартараф этиш, жиддий хулосалар чиқариш, камчиликларни тугатиш, сифатли дарсликлар, қўлланмалар яратиш муҳим масала эканлигидан далолат беради.

Этнография фанини ўрганиш масаласига жиддий эътибор билан ёндашиш зарур, чунки давлатчилик тарихини ўрганишда унинг асосий негизи бўлган халқларнинг шаклланиш жараёнларини таҳлил этиш, ижтимоий, маданий ҳаёт ривожини даражасини ёритиш муҳим масала. Этнографияда ўтказилаётган илмий текширув бевосита ҳар бир худуднинг маданий қатлами қандай юзага келганлигига боғлиқдир. Юртбошимиз И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарига: «Бизнинг аجدодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги «илиги тўқ, бақувват» деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демокчиман» деган фикри алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу туфайли мамлакатимиздаги ўтмиш аجدодларимиз бўлган уруғ, элатларнинг қандай шаклланганлигини ўрганиш, ҳар бир уруғнинг юзага келишидаги сабабларни илмий ёритиш долзарб масаладир. Ўз навбатида Ўзбекистонда аҳолининг тез ўсиши, уруғларнинг аралашиб ҳамда қўшилиб кетишини кучайтириш туфайли тадқиқотларни худудий жиҳатдан қайта ўтказиб туришни талаб этади. XX асрнинг 20, 40, 90-йилларда олиб борилган этник тадқиқотлар шунини кўрсатдики, бу даврда фақатгина аҳоли сони ўсиб қолмасдан, балки ижтимоий тузум ўзгарди, янги ерларни ўзлаштириш, саноат корхоналарининг ўсиши, аҳолининг мажбурий кўчирилиши, четдан келган элатларнинг маҳаллий аҳоли билан қўшилиб яшаши ҳолатини ўрганиш илмий аҳамиятга эгадир. Баъзи бир хулосалар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, ҳали кўпчилик кишилар, ҳатто баъзи зиёлиларимиз, ўрни келганда айтиш жоизки, олимларимиз орасида ҳам этнография фани ҳақида оддий бўлса ҳам тушунча йўқ. Бу фан йўналишида олиб борилаётган илмий мавзуларга, тадқиқотларга шубҳа билан қараш, эътиборсиз бўлиш ҳолатлари мавжуд. Этнографик илмий тадқиқотлар олиб боришга жазм қилган ёки шу масалага жиддий киришган ёш илм

фидойиларини назарий-амалий жихатдан қўллаб-қувватлаш суи даражада. Аниқроқ қилиб айтганда, этнография фанига ҳисса қўшиш учун, Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизнинг ўсиб келаётган авлодни, ҳатто, олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қилади..., сизлар, миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин». Бу ғоявий маслаҳат асосида ёш талантили, истеъдодли, ўткир зеҳли ижодкорларни тарбиялаш, улар бошлаган илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ортиқча мансаб, унвондан фойдаланиб ҳали бу тадқиқотчи ёш, «бир оз пишсин» ёки «кутиб турсин» деб «кераксиз» ортиқча талабларни қўйишнинг олдини олиш демакдир. Чунки, мустабид тузум даврида умумий мазмундаги диссертация мавзуларини бериш, вилоят ҳудудига оид этнографияга тааллуқли мавзулардан тор, илмий тадқиқотлар чиқмайди, деб маълум тўсиқлар қўйиш одатий ҳолга айланиб қолган эди.

Мақтаб, академик лицей, коллежлар, олий ўқув юртларида номутахассис бўлимларда ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, илк аجدодлари ҳақида этнография фанига оид мавзуларни киритиш ёки ушбу мавзуга оид манбалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёш авлод албатта, ўз юртини, халқини, тарихини билишлари, ватанпарварлик руҳида тарбияланиши, ўз миллатидан фахрланиш, ғурурланиш туйғуси билан комил инсон бўлиб етишиши мумкин. Ёшлар илк аجدодларимиз яратган моддий-маънавий меросни ўрганиши, уни тиклаши, унутилган урф-одатларни чуқур англаб етиши асосида баркамол ҳолда ўсишлари зарур. Ҳозирги муҳим масала этнография соҳасидаги олимларни, тадқиқотчилар сонини кўпайтириш, самарали илмий тадқиқотларни амалга ошириш давр талабидир. Чунки, ўзбек этнографияси тарихи ва истиқболи ниҳоятда бой ҳамда мазмунлидир.

Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган манбалар, этногенезга оид баъзи назарий масалалар, анъанавий машғулотивчалар моддий маданият намуналари, миллий ижтимоий муносабатлар, диний тасаввурлар, урф-одатлар ва ирим-сиримлар каби мавзуларни ўрганиш учун этнография соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимлар асосий эътиборни қуйидаги илмий, ўқув-услугий йўналишларга қаратсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди:

1. И.А.Каримов асарларидаги ўзбек халқининг шаклланиш жараёни хақидаги фикрларни ўрганиш ва илмий хулосалар асосида тадқиқотлар яратиш.
2. Ўқувчилар ва талабаларни миллат ҳамда миллий ғурур тушунчаси билан миллий истиқлол руҳида тарбияланишини янада кучайтириш.
3. Ўзбекистон тарихи дарслигига ўзбек миллати ёки миллат тушунчасини киритиш.
4. Этнографияга оид илмий мавзуларни тасдиқлашда миллий хусусиятларни, этник гуруҳлар этногенезисини ва ҳудудий жойлашувини ҳисобга олиш.
5. Этногуруҳлар этногенезисини ва уларнинг ҳудудий жойлашувини тарихий манбалар асосида таҳлил этиш.
6. Илк этник аجدодларнинг дастлабки шаклланиш жараёни ҳамда этнотопонимикасини атрофлича асослаб бериш.
7. Мактабларнинг 5-6-синф Ўзбекистон тарихи дарсликларида этногенезисга оид манбаларни акс эттириш.
8. Дарсликлар мавзуи ва мустаҳкамловчи саволлар ҳамда қўшимча дарсларда этнографияга оид манбалардан ўринли истифода этиш.
9. Этнографияга оид рангли ва ҳудудий карталар яратиш, уруғларни ўтроқ, ярим ўтроқ, кўчманчи ҳолатда яшашини тасвирлаш.
10. Этнографияга оид ўқув-услубий, илмий фильмлар, видеомультпрограммалар тайёрлаш.
11. Тарихий мавзуларда миллат ва унинг турмуш-тарзини акс эттирувчи рангли ўқув-услубий қўлланмалар ташкил этиш.
12. Маҳаллий халқларнинг қўшни ва бошқа халқлар билан этник ҳамда ижтимоий-иқтисодий алоқаларини ўрганиш.

Истиқлол халқимиз тарихида янги уйғониш даврини бошлаб берди, бу жараённинг илк кунлариданоқ миллий ўзликни англашга бўлган интилиш анча кучайди. Ўтмиш тарихга, аجدодларимизнинг шонли йўлларига ва маънавий меросига янгича ҳолисона назар ташлашга қадам ташладик.

Мустақилликка эришган Ўзбекистонда юз бераётган туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар тарихни чуқур, ҳолисона тарзда ҳамда тафаккур асосида илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроқлантиришимиз зарур».¹

¹ Ислон Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йи=. Т.: Шар=, 1998, 24-25-бетлар.

Истиқлол шарофати туфайли жаҳон жамиятига тобора юз тутаётган Ўзбекистон ёш тарихчиларини дунё халқларининг этногенези ва этник тарихи, хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти билан таништиришда этнология фани етакчи ўринлардан бирида туради. Бу фан ёш авлодни Ватанга садоқатли, имонли ва эътиқодли, комил инсон бўлиб тарбиялашда ҳам муҳим ўринда туради. Ёшлар жаҳон, қўшни қардош халқлар, хусусан, ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи, анъанавий турмуш тарзи, умуман миллий ва умуминсоний қадриятларини этнология фани орқалигина эгаллайди.²

Республика олий ўқув юртлари тарих факультетлари ўқув режасида этнология фани асосий ўринлардан бирида туради. Шунингдек, этнология мактаб-лицейлар ва махсус ихтисослашган тарих мактабларида ҳам ўрганилмоқда. Лекин мазкур фан бўйича дарслик, дастур ва ўқув қўлланмалари анча эскирган, янги мавжуд дастурлар ҳамда услубий тавсиялар эса бармоқ билан санарли даражада. Шуларни ҳисобга олиб Термиз ва Қарши Давлат университетларида олиб борилган кўп йиллик педагогик фаолиятдаги амалий тажрибаларга таяниб, талабаларнинг этнология курсини ўзлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш, маъруза ва семинар машғулотинчаларининг сифат ва самарадорлигини кўпроқ ошириш мақсадида мазкур методик қўлланма тузилди.

² Қаранг: О.Бўриев. Туб илдизлар. «Маърифат», 1999 йил, 23 июнь.

II-БОБ.

ТАРИХИЙ-ЭТНОЛОГИК ИЗОҲЛИ АТАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

*Сурхон халқининг ўзлиги, иймон,
эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими,
ўз юртига садоқати асло ўзгармайди.*

И.А.Каримов

А

АБОРИГЕН (грек)-жойнинг туб аҳолиси. Илк аجدодларимиз Сурхон воҳасини Бойсун туманидаги Туркондарёнинг Зовталашгансой дарасида жойлашган Тешиктош ғорида яшаганлиги фанда исботланган. Тешиктош ғоридан 9-10 ёшлардаги неандерталь боланинг бош суяги топилган. Тешиктош ғори қадимги тош даврига оид манба ҳисобланиб, 1938 йилда археологик тадқиқотлар натижасида фанда ўз исботини топган. Шунингдек, Зараутсой, Сополлитепа, Жарқўтон, Холчаён, Термиз ҳудудларидаги манбалар маҳаллий аҳолини ўтроқ ҳолда истиқомат қилганлигини тасдиқлайди.

АВАНКУЛАТ (лотинча)-тоға, бу тартибга кўра, онанинг ака-укалари (тоғалар) билан болалари (жиянлар) ўртасидаги махсус муносабатлар ўрнатилган, тоға жиянларининг тарбияси ва тақдирига жавобгар бўлган. Бир тоға, етти отани ўрнини босган.

АВОҚЛИ—Сурхондарёдаги қўнғирот қабиласи вохтамғали, тортувли бўлимларининг авоқли шахобчаси бор.

АВОХТОН (грек)-туб аҳоли, маҳаллий ер эгаси бўлган халқ, мамлакатнинг ибтидоий аҳолиси ёки аборигенлар.

АГНАТ (лотинча)-ўғил ёки қиз қилиб асраб олиш. Сурхон воҳасида қадимдан фарзандсиз оилалар ҳамда ота-онаси вафот этган ёки қаровсиз қолган болаларни ўғил ёки қиз қилиб олиш одат тусига кирган.

АЁЗ-қиш фаслида ҳаво очиқ, тоза бўлгандаги совуқ кунлар. Одатда, Денов, Термиз, Музработ, Жарқўрғон ҳудудларида антициклонни ёки совуқ Артика ҳавоси келган пайтлар рўй беради.

АЙҒИРКЎЛ-Шеробод ва Олтинсой туманларида айғир-3-4 ёшли йирик эркак от, кўпинча насл олиш учун фойдаланадиган от. Бу сўзнинг гидроним ва оронимларга даҳли йўқ. Айғир лексимаси сувлик ва баландлик номлари туркман, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқлар топонимиясида кўп учрайди. Айғир сўзининг туркий тилларда улкан, катта, буюк маънолари

кайд этилган, бу маъно айғир отнинг хусусияти билан боғлиқ. Бу номларни айғир деган ўт номи билан боғлаб изохлаш ҳам учраб туради.

АЙҒИРТЕПА-Бойсун, Ангор, Шўрчи туманларида -тик учли, тиклик хусусияти ортиқча бўлган тепалик. Алоҳида ажралиб турувчи бошқа тепалардан фарқ қилувчи тик эниш тепалик.

АЙЛАНЧАР-Бойсун дарёсининг чап ирмоғи. *Айланма жар* бирикмасининг соддалашган кўриниши. *Айланчар*-тоғ тизмасини айланиб оқадиган жилға. ж-ч товуш ўзгариши юз берган: *жар-чар*. *Жар-сув* ўйишидан ҳосил бўлган ботиқ жой.

АЙРИТОМ-1932 йилда Амударёдаги ҳарбий катер чегарачилари томонидан топилган оқ тош кўринишидаги тасвири ўйиб солинган тош фриз. Унда Марказий Осиёдаги илк Муסיқа асбоблари уд, арфа топилган. Термиз ёнидаги қадимий шаҳар харобалари.

АЛАҚАРҒА-Сурхон кўнғиротлари қанжиғали бўлимининг қорағурсок тармоғида қарға уруғи бор. Бандихон, Бойсун Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизириқ туманларида яшовчи кўнғирот уруғи.

АЛЛОБ-Бойсун туманидаги қишлоқ. Аллоф-ун, буғдой харид қилувчи ва сотувчи савдогар. Ўтинфуруш ҳам аллоф дейилган. Киши касб-кори лақабга айланган ва лақаб қишлоқ номига ўтган.

АМУДАРЁ-Ўзбекистондаги энг йирик дарё бўлиб Вахш ва Панж дарёларини кўшилишидан ҳосил бўлиб, Орол денгизига кўйилади. Филолог олим Ё. Хўжамбердиевнинг илмий таҳлилича «аслида шўхлиги билан Машҳур бўлган Амударё ўз хусусиятига қараб Чоржўй шаҳри яқинига келиб тинч осуда оқади». Шу кечув номи Амул бўлиб-тинч осойишта, эсон омон ўтадиган жой деган маънони билдиради.

АНГОР-шу номдаги туман ва унинг маркази. Маҳаллий аҳоли ҳосили йиғиштириб олинган ғалла майдони маъносидаги *ангор* сўзи билан боғлаб, қадимда Термиз ва унинг атрофидаги ўтроқ аҳолининг лалмикор деҳқончилик қиладиган ғаллазори, яйлови бўлган жой деб изохлайди. *Ангорни* эроний тиллардан ўтган ва аҳоли маркази деб изохлаш ҳам бор. Афғон (*пушти*) тилида: *ангора*-ҳосили йиғиштириб олинган дала, *ангар-тўсиқ*, ҳовли. Ҳар иккала маънода кескин фарқланади. *Ангор*, *ангар* сўзларининг маънолари асосида *Ангор* топонимини изохлаш асоссиздир. У дастлаб сув объекти-яйдоқ ерга Сурхон, Шеробод дарёларидан чиқарилган каналнинг номи бўлган. Бу сув йўли *Анҳор* (ар.) деб аталган. Ўзбекларда *Ангар*, форсларда-*Ангор*. Самарқанддан Қарши чўлига илк ўрта асрда келтирилган сув ҳам *Анҳор* деб юритилган. XX асрнинг 50-йилларида бу канал қайта тикланди, эски ўзандан сув юргани учун халқ Эски Анҳор деб атади, қоидага кўра Янги Анҳор бўлиши керак эди, талаффузда *Эски Ангор*,

Эски Ангар, Ангор, Эски Анҳор, Ангарариқ асосида *ар анҳор* сўзи туради. *Ангор* сўзи имлосида сунъийлик бор. *Анҳор* бўлиши керак.

АНДИЖОН-Денов-Сариосиё кўриқ ерларини ўзлаштириш учун Андижондан кўчиб келган кишилар истиқомат қилган аҳоли маркази. Аҳолининг қайси вилоятдан эканлигига нисбат этишган.

АНДИЗЛИ-Бойсун, Шеробод туманларидаги дара. Узун япроқли, ўртасида ўзак ўсиб чиқиб, уруғ берадиган кўп йиллик ўсимлик номидан. Халқ андиз ўзагини юмшоқлигида пўстини арчиб ейди, қуригач, барги хайвонларга берилади.

АНИМИЗМ (лотинча)-жон, рух. Дунёда рухлар, жонлар шаклидаги кучдир деган ибтидоий дин шакли. Сурхондарё воҳасида анимизмга ишониш ва сиғиниш, рухларга атаб садақа ва дуолар қилиш ҳозирга вақтда ҳам мавжуд.

АНТРОПОГОНЕЗ (грек)-одамнинг пайдо бўлиш жараёни. 1938 йил Бойсун туманидаги Тешиктош ғоридан 9-10 ёшлардаги неандерталь боланинг қабри топилди. Бу ибтидоий одамнинг қадимги авлоди бўлиб, машҳур антрополог олим ва халқалтарош М.М. Герасимов боланинг қиёфасини яратди. Неандерталь бола ўрта тош даври (мезолит) даврига оид.

АНТРОПОЛОГИЯ (грек)-одам ҳақида тушунча, одамни ранги ва бошқа белгиларига қараб унинг келиб чиқиши, ирқи, морфологик типлари, физиологик, жинсий ва бошқа хусусиятларини ўрганади.

АПАРТЕЙД (бур)-Жанубий Африка Республикаси ерли халқлари тилида «ажралиб яшаш» ёки «ажралиб ривожланиш» деган маънони англатади. Ҳукуматнинг туб халқлар ва бошқа европалик бўлмаган аҳолига нисбатан қўллайдиган шафқатсиз ирсий камситиш ва хўрлаш, жисмоний кириб юборишни кўзда тутган сиёсати.

АР/ҒН-Денов туманидаги кишлок. Қадимий туркий қабилалардан бирининг номи. У бир қанча туркий (ўзбек, козоқ, қирғиз) халқлар таркибига кирган. М.Қошғарийда: **арғу**, улар **суғдақ**, **кенжаклар** сингари икки (туркий ва форсий) тилда сўзлашган. Арғулар Сирдарёнинг қўйи оқимида яшаган, Моворауннахрнинг қадимий ўтроқ аҳолиси саналган. Жанубий Ўзбекистонда яшаган энг қадимий қабилалардан бири. **Арғу** + **н** морфемаларидан иборат, - **н** аффикси қадимги туркий тилда кўплик, жамликни билдирган; -**ғун** аффиксининг таркибида ҳам шу кўшимча бор: **ғу** + **н**. Турли манбаларда у *арғу-арғун-арғўн*, *арқатуг-аркагут-арқагун-арғўн*, *арқатуг-аркагут-арқагун-арғанут-арканут-аркануд* тарзида қайд этилган. А.П.Дульзоннинг фикрича, - **ғун** уралолтой тилларига хос кўплик кўшимчаси. Бу этнонимнинг фонетик ўзгариши: *арқагун* > *арған* > *арғўн* > *арғу* > *арқа*. Демак, *арғу* + *н* - арғулар, арғу қабиласига мансуб кишилар.

АРЛОТИНЧА- (юнонча) XIV асрда Термиз вилоятида арлотлар амлоклиги вужудга келган. Аму ва Сир оралиғида арлотлар, гарчи оз бўлса ҳам, катта нуфузга эга бўлган. Бухоро хонларини тахтга ўтқазиш тантанасида арлотлар иштирок этган. Этноним топонимга ўтган.

АРНА—Сурхон воҳасидаги маънолари-кичкина, кенглиги 3-4 см. Бу сўзнинг ўзаги *ар* ҳинд-европа тилларига хос бўлиб, сув, оқим маъносидадир.

АРСЛОНБОЙИ-Шеробод туманидаги гузар (Қишлоқбозор); Қумқўрғон туманидаги қишлоқ. Қўнғиротларнинг вохтамғали бўлимига қарашли уруғлардан бирининг шохобчаси-*арслонбойи*. Б.Х. Кармишева Шерободнинг Қорабоғ қишлоғи аҳолисидан 19 та оила-қариндошлик гуруҳи номини ёзиб олган, ўн еттинчиси-*арслонбой*. Қишлоқ аҳолиси арслонбойни уруғ номи деб ҳисоблаб, ўзларини шу уруғдан деб билишади. Қишлоқ номи этноним асосида пайдо бўлган.

АРЧАХУТ-Бойсун туманидаги дара (Мачай). Арчали катта тош, арчали тоғ, арчали баландлик. Форсча *ғўт*-катта тош.

АСКИЯ-(арабча-закий, ўткир зеҳли, ҳозиржавоб)-ўзбек халқ оғзаки ижоди тури; фольклор жанри; икки ва ундан зиёд киши ёки гуруҳнинг халқ йиғинларида маълум мавзу бўйича бадий сўзда тортишуви.

АССИМИЛЯЦИЯ (лотинча)-ўхшатиш, қиёслаш, қўшилиб сингиб кетиш, ривожланган мамлакатлардаги майда этник гуруҳларни узоқ давр мобайнида йирик миллатлар тили ва маданияти ўзлаштирилиб шу миллатга сингиб кетади ва ўзини шу миллат вакили деб ҳисоблайди. Табиий-ихтиёрий ва зўрма-зўракилик оқибатида ҳам бўлиши мумкин.

АФҒОНГУЗАР- Денов, Жарқўрғон, Термиз ва Шеробод туманларидаги қишлоқ номи. Савдо-сотик билан шуғулланган афғонлар яшаган гузар (кўча).

АШУРЖИЛОН-Сариосиё туманидаги қишлоқ. *Ашур-арабча*. Киши исми, муҳаррам ойининг учинчи кунида (ёки ашур ойида) туғилган бола. *Жилон*-ўта айёр киши; этноним, тўлиқ шакли *жилонтамғали*. Бу уруғ қўнғиротларининг вохтамғали бўлими бор. Сурхон воҳаси жузлари *вохтамғали* бўлими бор. Сурхон воҳаси жузлари *вохтамғали*, *жилонтамғали* деган икки гуруҳга бўлинган. Хоразм қўнғиротларининг шундай уруғи бор. XIX аср охири-XX аср бошларида қишлоқ ўрни ва атрофларида жузлар яшаган. Ашур исми киши жузларнинг жилонтамғали уруғига мансуб бўлган. Ҳозирги номи-Иттифоқ.

АШУРХИЛВАТ-Шеробод тумани. Биринчи ва иккинчи даҳна орасида, Туркондарё (Шерободдарёнинг қадимий номи)нинг чап соҳилида жойлашган қишлоқ.

Б

БАҒИШТЕПА—Олтинсой туманидаги тепа, қишлоқ (Оқарбулоқ). Маҳаллий кишилар **бахши** (фол очувчи, қушнот: халқ ижодкори— дoston ва терма айтувчи) сўзи билан боғлаб, **Бахшитепа** тарзида нотўғри изоҳлайдилар. **Бағиш**—этноним. Қирғиз қабилаларидан бири—бағўш, пағўш, сари бағиш, чонг бағиш бўлимлари бўлган. **Бағишлар** Жанубий Қирғизистонда ҳам яшаганлар. Қирғиз тилида **бағўш**—буғу (лось). Этноним тотемдан яралган. Шундай уруғ ўзбекларда ҳам бўлган. Ороним ойконимга ўтган.

БАЙМОҚЛИ—Бойсун тумани (Сарғамиш), Жарқўрғон тумани (Оққўрғон), Кумқўрғон туманидаги қишлоқ (Юқори Какайди). Кўнғиротлар вохтамғали бўлимнинг 18 уруғидан бири—баймоқли-боймоҳли. Этноним тамға асосида яралган. Тамғанинг уч қисми эгик бўлган.

БАЛАНДИ—Бойсун туманидаги қишлоқ. *Форсча* БаландҚи-баландлик. Жойлашиш ўрнига нисбат бериб номланган.

БАЛЛАСТ—Сариосиё туманидаги карьер. Балласт—Барлос этнотопонимнинг русча бузилган шакли. Қадимда барлослар яшаган жойда—Барлос қишлоғи атрофида бўлганлиги учун шундай аталган.

БАЛХИГУЗАР—Шеробод туманидаги гузар Балхи номи (қ) билан аталувчи кишилар гуруҳининг яшаган жойи.

БАНДИХОН—Бойсун тумани (Халқобод), Денов тумани (Хайробод) қишлоқ. форс Банд+и+хон хон банди, яъни хон томонидан қурилган сув тўғони. Хон сўзи ўзбек тилида маълум ҳудуд (вилоят, мамлакат)нинг мутлак ҳокими, князь мавқеига тенг бўлган унвонни англатган. Эроний тилларда хон—карвонсарой, яғноб ва ўрта сўзлари форс тилида хан—канал, ариқ деган маънони англатади. Бандихон—эроний тилларга мансуб. Дастлаб гидроним сув тўпланадиган ва айриладиган жой номи бўлган банд, хон сўзлари бир хил маънога эга: сув тўпланадиган жой, банд, тўғон.

БАРАНГИ—қадимий шаҳар. Мақдисийнинг аниқлашича, Чағониён (ҳозирги Денов)дан 5 фарсах қуйида бўлган. *Бара-вара-пара, бар-вар-пар-тур*—эроний сўз—девор, қўрғон, қалъа, шаҳар, нги қўшимчаси жой номи ясаган. Баранги ҳозирги Фармалитепа (Жарқўрғон т.) ўрнида бўлган.

БАРКЎҲ—Олтинсой туманидаги тоғ (Сина). форсча бар-юқори, баланд юксак; кўҳ—тоғ, яъни баланд тоғ, юксак чўкки.

БАРЛОСГУЗАР—Сариосиё тумани (Дашновот). Барлослар яшаган (жойлашган) *кўча* (гузар).

БАРЛОС—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Дашновот). Қишлоқ қадимий туркий қabila номи билан аталади. Барлос ва арлот (аллот) уруғларини бир уруғдан келиб чиққан деб ҳисоблашади. Шу қадимий қишлоқда яшовчи қатағонларнинг бир кичик бўлими барлос, ўзларини ва

яшаш жойларини барлостўп деб аташади. Сариосиё, Денов, Бойсун туманларининг тоғлиқ қишлоқларида истикомат қилишади. Барлос—қадимий туркий қабилаларидан бири. Навоий «Садди Искандарий» достонида бошқа туркий қабилалар қаторида барлослар ҳам Дорога қарши жангларида иштирок этганлигини ёзган. Баъзи манбаларга кўра, Барлос—киши исми, қадим ўтмишда таниқли уруғлардан бири бўлган. Қозон ва Қримда хоннинг тўрт қарачи (хон сайловчи вакил) сидан бири шу уруғдан бўлган. Мўғулларда ҳам барилос—барулос қабиласи бўлган. Тарихчилар бу сўз мўғулча семиз, кучли маъносида бўлиб, туркий халқлар мўғуллардан ўзлаштириб олган, деб қарайдилар, бунда улар мўғул истилосидан олдинги даврда туркий халқлар этнонимикасида бу сўзнинг учрамаслигини далил қилиб келтирадилар. Қадимги этнонимлар асосан, қуш, ҳайвон номидан иборат бўлиб, тотемни билдирган. Жумладан, қадимги туркий ёдномаларда бундай тотемларни кўплаб учратиш мумкин. Барлос лашкарбоши, йўлбошчи, ботир жангчи маъносини ҳам билдирган. Бу маъно барлос сўзининг луғавий маъноси эмас, балки шу қабила (уруғ) вакиллариининг ҳарбий жасорати билан боғлиқ хусусиятдир. Бу маънонинг юзага келишини Р.Г.Ахметьянов куйидагича кўрсатган: бар (йўлбарс, арслон) > бургут > ботир > лашкарбоши қабила номи. Бар (барс) сўзининг маънолари шу тариқа тараққий этган. Мўғул тилида бар—йўлбарс. Мўғулларнинг барга, барлаг деган қабилалари борлиги маълум. Ўзбекларда бургут (мўғулча барга, баргут) деган уруғ, қабила бўлган. Этнонимларнинг биринчи компоненти бар, бур сўнги компоненти—илос,-улас,-лос,-лас,-га,-гут,-қут,-лаг. Бош компоненти бар, барс (йўлбарс, шер) сўзига дахлдор. Ёқут тилида бар, қул-бургут. Бургут ёқут тилида тўйин қул ҳам дейилган. Қул—ҳайвон, қуш, ёввойи қуш. Ёқут тили диалектларида бар, қул—йўлбарс. Барлос—тарихан ясама сўз; қадимда ҳамда йўлбарс (шер)ни ҳам бургутни билдирган. Ана шу тотем номидан уруғ, қабила номи юзага келган.

БАТОШ—Сурхондарёнинг Шўрчи, Олтинсой туманларида яшаган уруғ. Жузларнинг йирик уруғларидан бири.

БАХТ—Луғавий маъноси—кишининг ҳаётда қониқиши, тўла хурсандлик, ҳаётдан розилиги, мамнунлиги, беармонлик ҳамда орзу-тилаклариининг амалга ошганлик ҳолатидир.

БАХШИ—(мўғулча ва бурятча-бахша, бағша—устод, маърифатчи; санскритча бахикшу—қаландар, дарвеш) —халқ дostonчилиги. Қўшиқ ва дostonларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор.

БАХШИТЕПА—қишлоқ, Шўрчи тумани. *Бахши* сўзи санскритча «Будда қаландари» демакдир, яъни Будда динини, урф-одатларини, сўз

айтишуви, мустика воситасида сўз билан тасвирлаш, тарғиб этиш деган маънони билдиради. Бу сўз турли даврларда турли жойларда «мирзо, котиб, катта амалдор, ноиб, жарроҳ, нозир, овчи» маъноларини англатган. Ҳозирги ўзбек тилида бахши: 1) бадиҳагўй оқин; 2) эмчи, шаман, сеҳргар.

БАҲОРИФОРС—Сариосиё тумани қишлоқ (Телпакчинор). Бухори (Бухоро+и—бухоролик) сўзининг баҳорга нисбатан аналогия йўли билан ўзгарган кўриниши: бухорои>бухори>буҳори. Бухорифорс—Бухородан келган форслар қишлоғи.

БЕДАКОТА—Шеробод туманидаги қишлоқ (Хўжанқа). Морфема тузилиши бед-ак+ота. Бедак (қ). Ёнида тол дарахти ўсган булоқ номи бўлган. Булоқни илоҳийлаштириш мақсадида ота сўзи қўшилган. Сув, дарахт, култи бу ўринда асосий вазифа бажарган. Бедакота—муқаддас Бедак булоғи.

БЕКДАРА—Бойсун т. дара (Сарғамиш). Аслида Беркдара бўлган, яъни ички томонига ўтиш йўли бўлмаган, кириш жойи баландлик билан тўсилган дара.

БЕШ ЭРКАК—Бойсун туманидаги қишлоқ (Мунчок). Аҳолининг айтишича, чорвадор қўнғиротлар қишлоқ ўрни—яйловни беш эркак туяга сотиб олган эмиш. Бу—ривоят. *Бешэркак*—патроним, қўнғиротларнинг вохтамғали бўлимидаги гиламбови (гиламбоғи) уруғининг бир тармоғи. Этнонимиядаги *ўғил* (бешўғил), *уруғ* (учуруғ), *пўчок* (мирзапўчок, қирпичок), *ота* (тўрота) каби сўзларнинг бир кўриниши—*эркак*. Патроним ойконимга ўтган.

БЕШБОЛА—Шеробод тумани. Қўнғиротларнинг ойинни бўлимига хос уруғлардан бири. XIX аср охирида Зарафшон водийси қорақалпоқларида ҳам, сарикқипчоқларнинг олтиотаси таркибида бешбола уруғи бўлган. Сурхондарё туркман жузлари марка уруғининг бир тармоғи—бешбола. Аҳолининг этник таркибига нисбат бериш асосида қишлоқ номланган. Фарғона қипчоқлари яшаган жойларда ҳам Бешбола қишлоғи бор.

БЕШИК—чақалоқни белаб ва тебратиб ухлаштиш учун мўлжалланган йўрға оёқли махсус мослама.

БЕШКАПА—Денов, Сариосиё, Бойсун туманларидаги қишлоқ. Беш+капа морфемаларидан иборат. Капа—полиз экинзори бошида чўп ва шох-шаббадан қилинган вақтинчалик бошпана.

БЕШТАХТА—Бойсун туманидаги қишлоқ. Аслида адир номи. *Тахта*—рельефга доир географик атама. Тоғ бағри, тепаларнинг ёнбоши ёки уст қисмида бирон томонга чўзилган текислик. Майдонга нисбатан *тахта* бир неча баробар кичик ер бўлаги. *Форсча тахт*—текис жой. *-а* аффикси қўшилгач, ернинг текислигига нисбат этилган. *Бештахта*—кичик ҳажмли текис жойлари кўп бўлган адир.

БЕШЧАШМА—Қумкўрғон туманидаги қишлоқ. Форсча чашма—ер ости сувлари сизиб ё қайнаб чиқадиган манба, булоқ. Бешчашма-кўп булоқли жой (қишлоқ).

БОҒИ САМАРҚАНД—Сариосиё туманидаги қишлоқ (дашновот). *форс* изофа *боғ+и+Самарқанд*—самарқандликлар боғи; Самарқанддан кўчиб келганлар қишлоғи.

БОҒИБОЛА—Бойсун туманидаги қишлоқ (Дарбанд). *Форс* изофа *боғ+и+бола*—юқори боғ. Бошқа боғларга нисбатан ёки аҳоли марказидан юқорида жойлашган (ёки атрофида ташкил бўлган) боғ.

БОҒИЧОРБОҒ—Қизирик туманидаги қишлоқ (Бўстон). *Форс* изофа *боғ+и+чорбоғ*—чорбоғли боғ, ўртасида ёзлик кўрғони (уй) бўлган катта боғ. Қишлоқ боғ ёнида бўлгани учун шундай аталган.

БОҒИШАМОЛ—Ангор туманидаги қишлоқ. Аҳолининг изоҳ беришича, шамол йўлидаги, шамол эсадиган томондаги, қишлоқнинг шимол томонида ўрнашган боғ. *форс* изофа *боғ+и+шамол* эсадиган (ғарб) томондаги боғ.

БОҒЧА—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Дашновот). Сўғдча *бағ*, форсча *боғ*—мевали дарахт, ток, гул, парваришлаб вояга етказилган жой; ёзда яшаш учун шаҳар, қишлоқдан ташқарида ташкил қилинган мевазор, боғот. Боғча сўзининг таркибидаги -ча аслида жо(й) сўзининг соддалашгани: боғжо(й)>боғжа>боғча—боғ бўлган жой, дарахтли жой. Ҳозир -ча форма ясовчи аффиксга айланган, кичрайтириш маъносига эга. -ча аффикси топонимлар таркибида тез-тез такрорланади: Кўрқонча, Дарча, Зиракча, Тандирча, Тоғача, Лўндача, Қорача, Дарича, Бўлакча, Саройча, Сойча, Лалмича, Тоғайча, Яйловча, Кўкча, Токча, Етимча. Ҳаятча, Камарча, Сафарча, Шўрча, Охурча, Тутзорча, Ашурча, Зағча, Чорбоғча.

БОҒЧОРБОҒ—Қизирик туманидаги қишлоқ (Янгихаёт). *Форсча* изофа *боғ+и+чорбоғ*, чорбоғли боғ, ўртасида чорбоғи бўлган мевазор, дарахтзор боғ.

БОБОТОҒ—Денов, Шўрчи, Сариосиё туманларидаги қишлоқ (Оқтумшук). Қишлоқ тоғ номи асосида юзага келган. *Бобо*—катта, улуғ, муқаддас тоғ. Қиёсланг: Помир қадимги туркий тилда *Тангритог* деб номланган. Бу тоғ култи билан боғлиқ. Боботоғ-«муқаддас тоғ».

БОДАВА—қишлоқ, Денов тумани. Бодҳаво—«сершамол ҳаво»; бадҳаво—«ҳавоси ёмон», «ҳавоси ёқимсиз».

БОДИҲАВО—Денов туманидаги қишлоқ (Илонсой). *Бадҳаво-Подҳаво-Подҳаво-Подҳаво* варианты ҳам бор. Юқори Зарафшонда *пад-пат* компонентли номлар кўп: *Падроғ-Падроҳ, Патрохин, Патхур, Падруйи, Падраса, Патхок*. А.Л.Хромов бу номлар таркибидаги **пад** сўғдча **пат** (ич

қисми, ичкари) сўзига дахлдор деб қараган. *Ҳаво-ҳаво* эроний тилларига оид кўҳ-қаф-қоф-хуф ва -хо аффиксининг ўзгаргани: пат-пот-бод-қоф+хо бодихаво—тоғ ичи, юқори қисми.

БОЗОРҚЎЛИ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Пулҳоким). *Бозор*—*киши исми*. *Қўл*—сув оқар дара, дара ичидаги жилға. *-и* аффикси қарашлиликни билдиради. Бозорнинг жилғаси (дараси).

БОЙҚИШЛОҚ—Сариосиё туманидаги қишлоқ;

БОЙҚОЗОҚ—Денов тумани. Қадимги туркий тилда-*қаззагарик*. *Ул ангар қазаг қазтурди*—у унга ариқ қаздирди. *Бойқозоқ*—бойнинг ариғи.

БОЙБИЧА—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Томчи). Аҳоли *бойбича-бойвича*—бой хотин, бой бекач тарзида изоҳлайди. *Бойбича* этноним. Қорақалпоқларнинг қўтай, қўпшақ, мўйтен қабилалари таркибида *бойбише* уруғи бўлган. Жанубий Ўзбекистон қўнғиротларининг *бойбича-бойвича* деган уруғ, уруғ тармоғи бўлган. Этноним ойконимга ўтган. Қозоқ тилида *бойбишетау*—тоғ этаги, тоғ бағридаги кенг ёйиқ майдон.

БОЙБЎРИ—Сариосиё тумани (Жончека), *Бойбўри*—киши исми. *Бой* сўзининг қадимий маъноларидан бири—улуғ, буюк, муқаддас. *Бўри*—қадимги туркийларда тотем. Қадимги туркийлардан ашин уруғи ўзларини бўридан келиб чиққан деб ҳисоблайди. *Бойбўри*—улуғ бўри, бўридек кучли, муқаддас. Қўнғиротларда *бойбўри*, қорақалпоқларда *бойбура* деган уруғ бор. *Бура* товуш таркиби ўзгариб бўри бўлиши мумкин: у>ў, а>и.

БОЙМОҚЛИ—Қумкўрғон, Жаркўрғон туманларидаги қишлоқ. *Баймоқли*—*уруғ номи*.

БОЙОВУЛ—Денов туманидаги қишлоқ (Омборсой). Маҳаллий кишилар *бойовул*—бойларнинг қишлоғи деб изоҳлайди. Қўнғиротлар тортувли уруғининг билимларидан бири—*бойовли*. *Бойовли* ва *бағаналилар* *Бойсуннинг* Каприн қишлоғидан кўчиб боришган. *Бойовли* этноними товуш ва морфема жиҳатдан ўзгарган: *бойовли* >*бойовил*>*бойовул*. Қозоқларнинг кичик жузида *бойулў* (атай уруғига тегишли) этник бирлиги бор. *Син* бўй, қад-қомат, тус, кўриниш маъноларига эга: *тоғдай син берсин*—тоғдай бўй, қад берсин; *сини калта*—бўйи қисқа; *синли йигит*—бўйли, қоматли йигит; *сини ёмон*—кўриниши хунук, XI аср туркий тилда қомат, гавда—*син* деб аталган. *Синчи*, *синдош* (бўйдош), симмат (син+баст) сўзлари ҳам шу сўзга дахлдор. Уйрат, хакас, тува, олтой, шор тилларидан *син*, *сўн*—тизма, тоғ, тоғ тизмаси, чўкқи, қоя, юксак баландлик. Қозоқ тилида тўнг-шўнг—тоғнинг баланд чўкқиси. В.В.Вербицкийнинг XIX аср охирида тузган луғатида ҳам *син*, *сўн* сўзининг орографик объект ифодалаши қайд этилган. Хакасия, Тува, Олтой, Шория, Урал, Сибирь туркий халқлари тилларида бу термин *сўн*, *сўнь* тарзида оронимлар таркибида кўп учрайди: *Тангдў сўнў*, *Қатун сўнў* *Сихота*

Алин сўнў (Олтойдаги баландлик), *Бойгусан Баксан*, *Бийчесўн*—Қарачай-болқор автоном областида—дара, *Танга сўнў*, *Саян сўнў*—Тувадаги тоғ, *Эргизайсўн*, *Олунгўнгсўн*, *Ленинненгсўн*, *Соназўн*—Шориядаги тоғ. *Хемчик сўнў* (Енисей бўйидаги тоғ, Қарасингирнинг ҳозирги номи). М.Қошғарий ХІ асрда *Қатун сўнў* деган шаҳар Чин билан Тангут орасида бўлганлигини ёзган, ҳозирги Хотан. *Син-сўн* сўзининг ареалианча кенг, орографик объект—тоғ, тоғ тизмасини билдириши Олтой, Сибирь ареалида сақланиб қолган, бўй, кад-қомат маъносини ифодалаши Волгабўйи, Ўрта Осиё, Қозғистон ареалида мавжуд. Тоғ, тоғ тизмаси *син-сўн* сўзининг қадимги, бирламчи маъноси: бўй қомат маъноси иккиламчидир. *Бойсун-Бойсин* ороним сифатида юзага келган, ўзбек халқ дostonларидаги Бойсин юрти ҳам тоғ, ҳам ўлка номидир. Манбаларда эътироф этилишича, «чин»-«син»-«шин» аслида хитойча сўзнинг талаффуздаги ўзгаришларидир, «чин»—халқ, улус, элат, қавм маъноларини англатади. «Бой» сўзи туркий сўз ва у катта, буюк, улкан, улғу, йирик маъноларига эга, чунончи, Байкал (Бойкўл)даги «бой» ва «кўл», катта кўл демақдир. Кўринадики, Бойсун таркибидаги «сун» - «чин», «син» ва «шин»ларнинг ўзгарган шакли экан. Хулоса, Бойсун—«бой» (катта), «сун» (халқ), кўп аҳолиси бор катта халқ маъносини англатар экан.

БОЙСУН—Бойсун туман маркази. Истахрий ва муаллифи номаълум «Худуд ал Олам» асрида Басанд шаклида ёзилган. Босанд ва Басанд «қатор қавонсаройлари бўлиб, сарбонлари кўпдир. Ҳаракатчан, халқи кўп, савдо қиладиган бозори кенг Босанд». В.А. Лившицнинг таъкидлашича, «Босанд» сўзи кўп ишлатилиб, санд сўзи маъносида Сўғдча ва кенглик, катта улкан деб ифодаланган. *Бой* (қ.) *Қсин- Қсун* сўзларидан тузилган. *Бой-бай-мой-май-пой-пай* сўзи номларнинг бошида кўп учрайди: Н.А Маевнинг фикрича Бойсуннинг ҳақиқий номи Бойшин бўлиб, «Бойлар, зодагонлар манзили». Филолог олим Ё. Хўжамбердиевнинг илмий тадқиқотда туркча син сўзи «чўққи, қоя, баланд тоғ тизмаси» маъносида изоҳланиб Бойсун<Бойсин-«Баланд тоғ тизмаси, баланд чўққи, катта қоя» деган маънолар қайт этилган. Син-сўн сўзи «тоғ, тоғ тизмаси», «бўй», «қадди қомат» маъноларини таҳлил этади. Бойсун сўзи тоғ номига қиёсий изоҳланиб, «буюк тоғ», «тоғнинг қуйи қисмида», «тоғнинг ёнида жойлашган» қишлоқ деган маънони беради.

БОЙТУТ—Шеробод туманидаги жой (Ғуржак). Кўшни қишлоқ (Куллуқшо) аҳолиси Тутлиқарта дейишади. *Бойтут*—тутзор, тути кўп жой.

БОЛДИР—М.Қошғарийнинг ёзишича (туркий), «тоғнинг кўтарилиб чиққан жойи», «тоғ бурни тарзида», яна кўшимча маънода «Болдир» ўғли, киз (ўғай ўғил, ўғай қиз) маъносида келади.

БОЛТАЛИ—Сариосиё тумани. болта, болтали, болтачи—умумтуркий этноним. -ли ффикси аслида болта этнонимига қўшилган, болта—тамға тури,

шакли болтага ўхшаш тамға бўлган, тамға уруғ номига айланган. Ўзбеклар таркибидаги сариқипчоқларнинг болтали уруғи, болта уруғининг мойлиболта тармоғи бўлганлиги маълум. Болтали—Сариосиё туманидаги жой (Жончека). *Болта, болтали, болтачи*—умумтуркий этноним. *-ли* аффикси аслида болта этнонимига қўшилган, болта—тамға тури, шакли болтага ўхшаш тамға бўлган, тамға уруғ номига айланган. Қозоқларнинг катта жузига қарашли уруғ-*болтабой, болта* эса уруғ тармоғи. Қозон хонлигида *Балтачў*, Озорбайжонда *Балталў, Балта-Чокрак* ойконимларининг мавжудлиги татар ва озарбайжонларда ҳам *балта* уруғининг бўлганлигини кўрсатади. Қорақалпоқларда *майлўбалта* уруғи бор. Ўзбеклар таркибидаги сариқипчоқларнинг *болтали* уруғи, *болта* уруғининг *мойлиболта* тармоғи бўлганлиги маълум. *Болта*—жузларнинг кичик уруғи. Шу уруғ мансуб бўлган туркманжузлар Чағониён вилоятига X—XII асрларда ўрнашиб қолган. Самарқанднинг Пастдарғам туманидаги *Болтали* қишлоқлари номи ҳам шу этнонимдан.

БОТИРБОШИ (м-т)—ботир ва баҳодирлар бошлиғи. Беш юз нафардан кўп даста ёки тўпга бошчилик қиларди. Вилоятларда ботирбоши ҳарбий ва кўшин ишларига масъул эди. Ботирбоши баъзан қурилиш ҳамда суғориш (ариқ қозиш) ишларига ҳам бошчилик қилган. Хонликдаги Улуғ наҳр ариғи Отабек ботирбоши саркорлиги остида амалга оширилган эди.

БОШБУЛОҚ—Бойсун, Шеробод туманлари. Бошқбулоқ гидронимга айланганда сув манбаининг миқдор белгисини (кўп сувли) билдиради. Бошбулоқ—энг юқорида жойлашган булоқ; кўп сувли чашма.

БУҒЗАЛА—Бойсуннинг жануби-ғарбидаги дара. Муҳаммад Вафо Карманайнинг «Тухват ал-хони» асарида *Бузгалахона* тарзида кайд этилган. Яна: *Бузгалахона*. «Бобурнома»да *Қаҳлуғ* (Кўқон босмасида Қаҳлуға) ва Дарбанди оҳанин дараси тилга олинган. Бу даранинг мўғулча номи *Қаҳлага* бўлган. *Қалга, халга*—дарвоза; *халх*—тўсик, қалқон, пана жой. *Бузгала* сўзининг иккинчи ва *Қаҳлуғнинг биринчи компоненти гала, қаҳ* сўзларининг генетик асосини бир деб исботлаш қийин. Мўғулча *қалга, халга, халх*—дарвоза, *тор ўтиш жой*. *Эроний тилларда қоҳ, қаҳ*—кўрғон, қаср. *Қаҳлуғ*—шу дарадаги кўрғон, аҳоли марказининг номи бўлиши керак. *Бузгала-ф. -форсча Дари оҳанин<, ўзб. Темир дарвоза, кадимги туркий тилда Темур қапуғ*—дара номи. *Бузгала, халқ* изоҳига кўра, *бузург қалъа (бузургқалъа>бузрукқалъа бузурқала>бузқала)* бирикмасининг ўзгарган шакли.

БУРЖИБАЛАНД—Бойсун туманидаги тепа (Хамкон). *Ф. -форсча изофа бурж+и+баланд. Бурж* ар. қалъа ва кўрғонларнинг бурчаклари ёки

дарвоза ёнларидаги кузатиш нуқтаси бўлган минорасимон кўшк. *Буржибаланд*—баланд минора, юксак бурж демакдир.

БЎГАЖИЛИ—Бойсун, Шўрчи туманидаги қишлоқ. Бўгажили—кўнғирот қабиласининг вохтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири. Бўгажи қисми ҳам икки компонентли: *бўга*+жи. Қанғли қабиласининг бир тармоғи—бўка қангли; қозоқ уруғларидан бири—бўке (бўка). Бўка-бўга—тарихан бир сўз. Кенагас, қозоёқли, ачамайли қабилалари таркибида бўгажили (багажили) уруғи бўлган. -жи, -чи, -ли аффикслари этнонимияда бир хил функция ва маънода. Даврийлик жиҳатдан фарқи бор, -ли аффикси сўнгги, -жи, -чи аффикси қадимий, аффиксал нлеоназм юз берган.

БЎЙРАБОБ—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ. Боб (боф) форс бофтан (тўкимок) феълининг ҳозирги замон ўзаги. Айн. Бўйрапўш форс бурьёҚпўш. Бурьё ўзб. Бўйра қамиш ва найни маълум бир узунликда зич қилиб териб 2—3 жойидан ип (тасма) ўтказиб боғлаб қилинган тўшама. Пўш-пўшидан (тўкимок) феълининг ҳозирги замон ўзаги—тўқувчи. Бўйрапўш—бўйра тўқувчи. Ўтмишда камбағал оч-юпун юрувчилар *бўйрапўш* дейилган. Қишлоқ номи кишилар гуруҳининг касб-кори асосида яратилган. Қишлоқнинг ҳозирги номи *Қизилбайроқ* (Дашнобот).

БЎЙРАЧИ—Денов, Шеробод туманидаги қишлоқ номи. Бўйра тўқувчилар касби номи билан боғлиқ. Бўйрапўш (к.)

БЎЛАККЕСАВЛИ—Олтинсой туманидаги гузар (Пўстиндара). Кесавли—жузларнинг 16 уруғидан бири. Аслида тамғасининг шакли, тамға номи этнонимга асос бўлган. Аслида тамғасининг шакли, тамға номи этнонимга асос бўлган. Бўлаккесавли—кесавлиларнинг алоҳида овули.

БЎРИЖАР—Денов туманидаги қишлоқ. (Ҳазарбоғ), Олтинсой т. (Миршоди). Ойконимнинг киши исмига дахли йўқ. Халқ нутқида бўри (чуқур тил орқа ў товуши билан—борў)—семиз, баҳайбат, катта, улкан, йирик. Қирғиз тилида боро—жуда катта, улкан, йирик. Қирғиз тилида боро—жуда катта, улкан, баҳайбат. Бўрижар—катта, жуда чуқур жой.

БЎСТОН—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ (Қоракамар). Бўстон форс - боғ-роғли жой, дарахт экиб обод қилинган манзил, гулистон. Марғилон атрофида ўзбекларнинг бўстон уруғи қайд этилган. Қирғизларнинг ҳам бостан уруғи бор. Бостан-бостан—туркий қабилалардан бири. Озарбойжондаги Бостанчи қишлоғи номи ҳам шу этноним билан боғлиқ. Бўстон уруғи номи (этноним) ойконимга ўтган.

В

ВАНДОБ—Шеробод туманидаги қишлоқ (Кўхитанг этагида). Эроний тилларда ванд—банд оқар сувнинг ўзанини ўзгартириш учун қилинган тўсиқ,

об—сув, дарё. Вандоб—бандли сув. Аслида Банди об, б-товушининг в-га ўтиши содир бўлган.

ВАХШИВАР—Олтинсой туманидаги тоғли қишлоқ. Вахшивар топоними *вахш+и+вар* сўзлари бирикмасидан ташкил топган. «Авесто»даги вара—«одам яшайдиган шаҳар», «истехком билан, қалъа», деган маънони билдиради. *Вар* сўзи топонимияда «қалъа, қўрғон, шаҳар, қишлоқ», «тўсиқ, девор», «баландлик» маъноларини англатади. Қадимий «Авесто» манбасига изоҳланса диний эътиқод билан боғлиқ бўлган жой номи бўлиб, «худо Вахшнинг қўрғони» деган маънони англатади.

ВОХТАМҒАЛИ—Термиз, Шеробод, Жарқўрғон туманларидаги қишлоқ. Вохтамғали (аслида *увоқ ёки* увуқ (уч қисми эгик, ўроққа ўхшаш) шаклида бўлган. Тамғасига кўра уруғ, уруғига нисбатан аҳоли маркази ном олган. Ўзбекларнинг *увоқ, увоқтамғали* деган уруғи ҳам бор.

ВОЧАК—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Ҳисорак). Талаффузда—*Вочак, Вочоқ, Вочох*. Форсча уч, вуч—баланд, юқори. -ак аффикси сифат ясаб, белги ё предметнинг мавжудлигини билдиради. Вучак>вочак—юқори, баландлик; юқори томондаги қишлоқ.

Г

ГАЗА—Бойсун туманидаги қишлоқ (Работ. Юқори Газа, Куйи Газа тарзида иккига бўлинган. Газа—тоғ этаклари ва нотекис адирларда қирсимон чўзиқ баландликларнинг ошиб ўтадиган йўл бўлган қисми. Очгаза, оқгаза, тўкгаза, қорагаза каби турлари бор. Қишлоқ жойлашиш ўрнига кўра номланган.

ГАЗАК—Бойсун туманидаги қишлоқ (Сайроб). Газа+к-*форсча* газача кичик газа; кичик газа ёнидаги қишлоқ. Баъзилар ғозҚак сўзининг ўзгарган шакли деб изоҳлайди: ғоз—қамишнинг йўғон пояли, адирларда ўсадиган тури, ғаров.

ГАЗАРАК—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Ҳисорак). Баъзи манбаларда гузар (гузар+ак—гузарча) сўзи асосида кичик кечув деб изоҳланган. *Ҳазора (ҳазара)* сўзининг ўзгарган шакли деб қараш лозим: ҳазора > ҳазара > газара. Бу номнинг Газара варианты ҳам бор. Ҳазора ҳазор (минг) сўзидан ясалган Ўрта асрларда Бухорода 50 таноб ер ҳазора дейилган, бу миқдордаги ер даромади минг кишилик кўшинни таъминлаган. *Ҳазора* ўрта асрларда минг кишилик кўшин уюшмасининг номи. Афғонистоннинг шимолий қисмида яшовчи қабилалардан бирининг номи—ҳазора. Газарак—ҳазора этнонимининг ўзгарган шакли: х > г. -ак аффикси жой номи ясаган.

ГЕГИРДАК—Шеробод туманидаги қишлоқ (Сеплан). Аслида ороним: кўхҚиҚак. Кўх—тоғ, гирдак—қирғоқ, чет, яъни ўрама тоғ; тевараги тоғ

тизмаси билан ўралган жой. Ҳосил бўлиши *кўҳи-гурдак* > *кўгурдак* > *гўгурдак* > *гегурдак*.

ГИЛАМБОП—қишлоқ, Шеробод, Ангор, Қизирик туманлари. Гидамбоф—«гилам тўқувчи», «гиламчи» демакдир. Ўзбекларда *гиламбоби* деган уруғ қайд этилган. Бу ерда бобли кўшимчаси форсча *боф* сўзидан эмас, балки туркий *бов*—«қавм», «уруғ», «авлод» сўзидандир. Этноним таркибидаги гилам сўзи «палос» маъносига форсча *гилем* сўзидан бошқа қандайдир туркий калима бўлса керак. Чунки, туркий халқлар этнонимлари аксари қадимий турк сўзларидан таркиб топган

ГОВУРГАН—Денов тумани қишлоқ. Тоғ ичидаги чуқур жой, ғорсимон ўйик, умуман чуқурлик. Жойлашиш ўрнига кўра номланган.

ГУЙ-ШУЙ—Амударёнинг қадимги номларидан бири. Хитой элчиси Чжан Цянь милоддан аввалги 128 йилда қадимги Даҳия (Бақтрия) худудида бўлиб, Амударё ҳақида ёзма маълумотлар ёзиб, Амударёни номини Хитой тилида Гуй-Шуй деб изоҳлайди.

ГУРТАК—қишлоқ, Шеробод тумани. Дўрмон қабиласининг бир уруғи *гуртак* (гурдак), туркманлар хата қабиласининг бир уруғи гурдек деб аталган.

ГЎРИҲОЖИ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Дарбанд). Мачайда Гўрҳожиди қишлоғи бор. Гўриҳожиди (Гўрҳожиди)—ҳожиди қабри. Яғноб тилида гўр—катта думалоқ тош.

ГЎРОВОН—Шеробод туманидаги баландлик (Оқкўрғон). форс изофа гўр+и+авғон > гўр+овғон> гўровон—афғон халқига нисбат этилган кишининг қабри бор баландлик.

Д

ДАЛИАРИҚ—Термиз шаҳри ёнидаги қишлоқ. ариқ. Дали—туркманларнинг эрсари қабиласига тегишли уруғ. Шу уруғга қарашли, уларни сув билан таъминловчиди ариқ (бўйидаги қишлоқ).

ДАМСОЙ—Олтинсой туманидаги жой (Миршодиди). Дамсой—сув бандиди (тўғон) бўлган жой (сой).

ДАРАГИСТОН—Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Сўфиён). *Дарак ар.* - сув ўзани (ариқ) бир неча тармоққа бўлинадиган жой, банд-бандли жой (қишлоқ).

ДАРБАНД—Бойсун туманидаги қишлоқ. Маҳаллий аҳоли нутқида Дербент. Аслида ороним. *Форсча* изофа дар (а+й) и+банд. Алишер Навоий асарларида дарбанд—тўсик; бўсаға, эшик олди; тоғдан ўтадиган йўлнинг киравериш жойиди; даранинг танг, сиқик жойиди. Дарбанд—эшик табақаларини зич ва маҳкам тутиб туриш мақсадида қўйиладиган тиргакчўп, тамға; икки

вилоят ёки мамлакат чегараларини кўрсатувчи табиий тўсиқ, ҳад, белги; калъа, кўрғон. Дарбанд ўзбек тилига ҳам ўтган. Фозил Йўлдош ўғли, Э.Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Ислом шоир назар ўғли дostonларида дарбанд сўзи бир неча маъноларда қўлланган: эшик қоровули, дарвозабон («Авазнинг арази» достони), икки тоғ оралиғининг бошланадиган тор, қисик жойи («Қундуз билан Юлдуз»); вилоятлар ёки мамлакатлар оралиғидаги табиий чегара тўсиғи («Муродхон»). Бундай чегара вазифасини тоғ ичидаги тор дара, дара ичидаги йўл бажарган. Шундай жойлардаги истехком ҳам дарбанд саналган. Туркменистоннинг Гаварс, Бахардан туманларида Дербент деган даралар бор. А.Навоийнинг «Тарихи мулки ажам» асаридаги қипчоқлар хужум қилган шаҳар ва вилоят номи Дарбанддир. Каспий денгизи бўйида—Кавказда Дарбанд шаҳри бўлган. Доғистонда Дарбанд шаҳри ва унинг қадимий тош деворлар харобаси мавжуд. Дарбанд топоним ва географик атама бўлиб, таркибида дара сўзи бор. Дарбанд—даранинг қисик жойлари *Темур дарвоза*, *дарвозаи Оҳанин* номлари билан ҳам аталган. Қадимги туркий битикларда эса *Темур Қапуғ* (қапуғ, қопқа—дарвоза). Дарбанд сўзининг топонимия таҳлили «дарвозалик жой», «эшик олди манзилгоҳи» маъноларини англатади. Чунки, юқорида қайд этилган илмий таҳлиллар Дарбанднинг Дар-«эшик, дарвоза», банд-«ёпилган, тўсилган, бекитилган» маъноларини англатади.

ДАРВЕШ—(форсча: бенаво, қашшоқ, фақир, художўй) сўзининг асли маъноси эшиклардан хайр-эҳсон тиловчи бўлиб, бу сўзнинг қадимги шакли «даровоз»—«эшикларда осилувчи»дирки, кейинчалик у «дарвеш» шаклини олган. Дарвеш учун муршидлик эшиги Каъба кабидир. У ана шу «эшик»ка осилувчи ва ундан нажот тиловчидир. Кейинчалик модий бойлидан, нафс орзуларидан, оиладан, никоҳдан воз кечиб, дунё неъматларини тарк этиб, зоҳидликка яшаб, ҳақиқат йўлига кирган кишини шундай атай бошлайдилар. Улар умрини Парвардигорга бўлган ишқ ва риёзатга бағишлаган тариқат йўлчиси, чин ошиқ одамлардир. Улар, тасаввуф тариқатларининг бирига мансуб бўлиб, хонақоҳ, масжид, қаландархоналарда яшаб, кўпинча тиланчилик билан кун кечирганлар.

ДАШНОВОТ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Шарғун). Маҳаллий кишилар дашт+и+обод (обод бўлган дашт, ўзлаштирилган жой) бирикмасидан изоҳлайди. форсча Дашновот>Дашт+равот—даштда қурилган равот.

ДАШТИҒОЗ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Паланг). *Форсча* изофа дашт+и+чинор—чинор ўсган дашт; чинор дарахти ўсган даштда бунёд бўлган қишлоқ.

ДАШТИКАЛТА—Сариосиё туманидаги қишлоқ. *Форсча* изофа дашт+и+калта (той)—калта (той)ларнинг дашти. қ. Калтатой.

ДАШТИКАЛТАТОЙ—Сариосиё туманидаги дашт. *Форсча* изофа даштҚиҚкалтатой—калтатойларга қарашли дашт, лалми ерлар.

ДАШТИЧИНОР—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Янгиобод). *Форсча* изофа: дашт+и+чинор—чинор ўсган дашт; чинор дарахти ўсган даштда бунёд бўлган қишлоқ.

ДАҲАНА—Олтинсой туманидаги қишлоқ. (Янгиобод). *Даҳана*—даҳана оғзи, бўғиз, бошланиш жойи; доимо сув оқадиган дараларнинг тор, сиқик жойи; ариқ, каналларнинг майда ариқча (шох)ларга бўлинадиган жойи. Тоғлик худудларда даҳна—доимо сув оқадиган ўзан, сув ўрни (жилға, кичик дарё). Даҳана *форсча*-дарёнинг қуйилиш жойи; дарёнинг бўғзи; бўғоз. XI—XIX асрларда даҳона—дара, ғорларнинг бошланиши. Қишлоқ дара оғзида жойлашганлиги учун Даҳана деб номланган.

ДАҲНА—Бойсун, Шеробод туманларидаги сой, дара, қишлоқ. (қ.) Даҳана(даҳон—оғиз). Чунончи, Шерободнинг биринчи ва иккинчи даҳналари орасидаги Шириндаҳа, Нондаҳна, Гумдаҳна кабилар .

ДАҲНАИЖОМ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Дарбанд). *Форсча* изофа даҳнаҚиҚжом—жомнинг даҳнаси. *Сўғд.* жан-жон-жом—канал, булок, сув манбаи, жилға, сув. Даҳнаижом—дарёнинг тор жойи, сув дарбанди.

ДАҲНАОБШИР—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Сина). *Форсча* изофа даҳана-даҳна+йи+Обшир (қ)—Обшир дарёсининг даҳнаси қ. Даҳана.

ДАҲПАРАКЕНТ (ДАҲПАРКЕНТ)—Шерободдарё юқорисидаги қишлоқларнинг умумий номи. Мирза Абулазим Сомийнинг «Тарихи салотинчаини манғития» асарида қайд этилган. Бу қишлоқлар қуйидагилар: Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Хатак, Зарабоғ, Қорабоғ, Вандоб, Шержон, Пошхурт, Карезат. *Даҳпоракент-форс* —ўн бўлак қишлоқ, ўнта қишлоқнинг бирлашмаси. Ўнта қишлоқнинг бир умумий ном билан аталишига сабаб, чағатой, катағон, тоқчи, хўжа уруғларига мансуб аҳолининг ўзбек ёки форс, форс ёки ўзбеклигидир. Аслида «паурата»-«паура»-«паур»-«пар» санскритча тоғдир, демак Даҳпаркент (Даҳпаракент)—дах(ўн)—пар(тоғ)—кент(шаҳар-қишлоқ—умуман жой)—ўнта тоғ қишлоғи маъносига эга.

ДЕБОДОМ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Хуфар). *Форсча* изофа деҳ+и+бодом ўсадиган қишлоқ.

ДЕВОНА—(форсча: «эси паст», «телба», «жинни», «савдойи»). Ўрта Осиё халқларининг кўпчилиги уларни авлиё, сўфий деб ҳисоблаганлар.

ДЕГИКАНОРА—Сариосиё туманидаги қишлоқ, Сангардак дарёсининг ирмоғи. *Форсча* изофа. Деҳ+и+канора—қирғоқ ёнидаги қишлоқ. Сангардак дарёси бўйида жойлашгани учун шундай аталган.

ДЕГРЕЗ—Шеробод тумани (Сеплан), Олтинсой туманидаги қишлоқ номи. Чўян эритиб, қозон, омоч тиши, това сингари уй-рўзғор буюмлари ва иш қуроллари ясайдиган киши(лар) касбидан келиб чиқиб уларни—дегрез, яъни қозон қуювчилар деб аташган. Дег+рез *форсча* дег—қозон, рез—қуймоқ феълнинг ҳозирги замон ўзаги; қадимий маъноси-қозон қуювчи.

ДЕМОГРАФИЯ (юнонча—халқ ва ёзаман, яъни халқ тўғрисидаги фан)—мақсади муайян ҳудуд, мамлакат, дунё аҳолиси ва миллатнинг такрор барпо бўлиши жараёни ва оилаларни ўрганиш.

ДЕНОВ—Сурхондарё вилоятидаги туман (1926), шаҳар (1958). Қадимги Чағониён (милоддан аввалги VI аср—милоднинг XVI асири) вилоятига қарашли ҳудуд. XVI асрдан бошлаб бош шаҳри—Деҳинав. *Деҳинав* Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (XV аср) асарида қайд қилинган. Истахрий, Мақдисий каби ўрта аср географларининг ёзишича, Чағониён шаҳристони аҳолиси кўплиги ва бойлиги жиҳатидан Термиздан устун турган, шаҳри обод, фаровон бўлган. Денов *форс* деҳ+и+нав—янги қишлоқ, янги қурилган шаҳар. Денов номини изоҳланишининг иккинчи илмий таҳлили ҳам бор, яъни деҳ сўзи *форсча* «қишлоқ», нав сўзи «жар, жарлик, водий, сой, сойлик», нова—«тоғ оралиғидаги йўл», «шиддатли тўхтовсиз оқим» маъноларини беради. Нова-суғориш ёки сувни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш мақсадида ёғоч ёки қувур ариқ, қувур ёки ичи ковак қилиб йўнилган ёғоч орқали ўтказилган ариқ, сув йўли демакдир.

ДЕСУРХ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор). Деҳ+и+сурх—қизил қишлоқ—сурхилар қишлоғи. Сурхи (қ)—этноним.

ДЕҲҚАЛАНДАР—Сариосиё туманидаги қишлоқ. *Форсча* изофа Деҳ+и+қаландар—Қаландар исмли киши ташкил этган ёки ўтмишда унинг қрамоғида бўлган қишлоқ.

ДЕҲҚОНБИРЛАШУВ—Ангор туманидаги қишлоқ (Работ). XX асрнинг 30-йилларида камбағал деҳқонлар коллектив хўжаликка бирлашиб, унга *Деҳқонбирлашув* деб ном қўйган. Колхозлар йириклашиб, қудратли хўжаликка айлангач, бу ном қишлоқ номига айланган.

ДЕҲҚОНОБОД—*форсча*—деҳқонлар ўзлаштириб, обод қилган аҳоли маркази. Шеробод, Музрабод, Қизириқ туманларида ҳам Деҳқонобод деган қишлоқлар бор. Уларнинг баъзилари 1930-йилларда, айримлари 1950—1960-йилларда ташкил бўлган, деҳқонободликлар кўчиб боришган.

ДЕҲИБОЛА—Бойсун туманидаги қишлоқ (Қўрғонча). *Форсча* изофа деҳ+и+боло—юқори қишлоқ, юқори томондаги қишлоқ.

ДИБОЛО—қишлоқ, Сариосиё тумани. *Форсча*. Тўғриси деҳи боло—«баланд қишлоқ», «тепаликдаги қишлоқ».

ДИЙБОЛА—Термиз туманидаги кўл. Дилла—боткоқ ва кўл жойда ўсадиган ўсимлик. Унинг поясидан турли хил хўжалик ва уй-рўзғор ашёлари (хуржун, қанор, кашик, халта ва х.) ясалади. Дилла ўсимлиги ўсганлиги учун шундай аталган.

ДИЛЛАКЎЛ—Термиз туманидаги кўл. Дилла—сувда ўсадиган ўсимлик. Уй-жой қурилишида ишлатиладиган ўсимлик.

ДИСКРИМИНАЦИЯ (лотинча)—камситиш, хўрлик, паст назар билан қараш, айрим шахс, ташкилот ёки давлатларга нисбатан ҳуқуқларини атайин камситиш.

ДИСЛОКАЛ (лотинча) —эр-хотиннинг ажралган ҳолда яшаши. Сурхон воҳасида ҳам эр-хотинлар ажраган ҳолда яшаш ҳолати тадқиқотлар даврида аниқланди. Никоҳ сақланган ҳолда эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида яшаш ҳоллари, отаси ёки онасиникига, ўғли ёки қизиникига, шунингдек, алоҳида никоҳни бекор қилмаган ҳолда яшаш.

ДУҒОБА—қишлоқ Бойсун, Олтинсой туманлари. Дуғоба-Дуоб, Дуоба—«икки сув қўшилган жой» топонимнинг талаффуз шакли.

ДУҒОБ—Денов туманидаги қишлоқ (Анорбулоқ). қ. Дуоб.

ДУБОЙАРИҚ—Сариосиё туманидаги ариқ. Ўзбек уруғларидан бири—дубой.

ДУНОВГИ—Олтинсой тумандаги қишлоқ. (Сангардак). Ду нов *форсча* —икки жилға, қўш, сув; жилға (сой)нинг қўшилган жойи. -ги эса кўх (тоғ) лексемасининг содалашгани. Дунов тоғи (бағридаги қишлоқ).

ДЎҒИРТОШ—Денов туманидаги баландлик. *Дўғир*—ғадир-будир, ўйдим-чуқурли; нотекис, қиррали. *Дўғиртош*—уст, юза ва ён қисмларида ана шундай белгилари бўлган тошли баландлик.

ДЎЛТАХОНА—Денов туманидаги адир. Қипчоқ шеваларида дўлтахона—ертўла; ер қазиб қилинган вақтинчалик макон; ана шундай макон излари бўлган жой, қадимий қароргоҳ.

ДЎРМАНХАЛҚА—Шеробод туманидаги жой. (Кулликшо). Дўрман Хўжаназаров 1943-1944 йилларда Кулликшо қишлоғининг ғарбидаги тўқайзорни ўзлаштириб ғалла, пахта эккан. Шу одам шарафига халқ орасида *Дўрманхалқа* деб аталган. Дўрмон аслида этноним.

ДЎСКА—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. Жанубий Ўзбекистон кўнғиротлари қанжиғали бўлимининг бир уруғи—дўска. Уруғ номи қишлоқ номига кўчган.

Е

ЕТИШОХ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. Шох—катта ариқларнинг ёнидан чиққанкичик сув йўли, ариқча. Етимшоҳ—ёлғиз кичик ариқча.

ЁРТИАРИҚ—Музработ тумани. Ҳозирги номи—Янгиариқ. Ёрти—казилган, чуқур, ёрилган, ариқ. Ёртиариқ—масофаси қисқа, ер қазилиб сув оқизилган ариқ.

Ж

ЖАЗИРАТИ УСМОН—Термизнинг ғарбидаги Пайғамбар орол (Ороли пайғамбар)нинг VIII асрдан сўнги китобий номи. Арабча жазира(форс)—орол, чангалзор. Усмон бинни Масъуд—араб лашкарбошиси, 704 йилда Термизни забт этган, бунга унда сўғд ихшид (ҳақон)лари ва Хутталон вилояти шоҳи кўмак берган. Термизни забт қилган лашкарбоши шарафига бу орол *Жазирати Усмон* (Усмон ороли) деб аталган.

ЖАЙИЛМА—Шўрчи туманидаги қишлоқ (Совжирон); Олтинсой туманидаги жой (Миршоди). Шу номдаги жойлар тоғ этакларида барча туманларга хос. Каттажайилма, Кичикжайилма, Пастжайилма, Этакжайилма, Киччижайилма, Қизилжайилма деган номлар анчагина. Жайилма-дара ва сойлардан оқиб чиққан сувлар бирлашиб кенгликка чиққач, ўзанининг бир текислиги туфайли ёрилиб, кенг саҳни банд қилиб оқадиган жой. Бундай жойлар Лойқа дейилади. Сув лой ва бўтанани оқизиб келиб, жайилмада сизилиб тўхтаб қолади.

ЖАЙРАХОНА—Термиз шаҳри ғарбида. Жайра яшаган жой (тўқай) атрофидаги овул. Мамлақтимизда машҳур Жайронхона санатория даволаш муассасаси жойлашган.

ЖАЙХУН—Амударёнинг ўрта асрлардаги номи. Академик В.В.Бартольднинг таъкидлашича ўрта асрларда Амударё Жайхун номи билан аталиб, Жайхун Тавротдаги Гихон дарёси номининг арабча изоҳланишидир. Жайхун сўзи икки қисмдан иборат бўлиб, форсча-*жай*—«ҳовуз», «сув омбори», «кичик дарё», «суғориш канали», *хун*— «қизил», «қизғиш рангли». Жайхун – «Қизил дарё» ёки «Қизил сув» маъносини англатади.

ЖАЛОВЛИ—Шеробод туманидаги қишлоқ. Жалов<ялов—туғли. Этноойконим.

ЖАМАТАК—Денов тумани. (Ўзгариш). -так-дак формантли номлари: Сангардак, Гумматак. Сўғд. тағ-дарё: осетин тилида тах-дарёнинг тез оқадиган жойи, тез оқим; тез оқар (дарё). Помир тилларида так—дарё, оқим. Жама—қадимги эроний тилларга оид сўз. Гумматак, Жаматак—ўзакдош сўзлар.

ЖАРҚЎТОН—Шеробод тумани Бўстонсой худудидаги археологик ёдгорлик, майдони 100 гектар. Милоддан аввалги иккимингинчи йилликка оид, милоддан аввалги XVII—IX асрлар 3700—3800 йиллик тарихга эга. Аҳоли маркази. Жарқўтондан Ҳумо қушининг тасвири, илк кулолчилик

буюмлари, дехқончилик маданияти, хунармандчилик устахонаси, «Арк аъло», «Шахристон» топилди. Марказий Осиёдаги энг қадимги омов, тўқув дастгоҳи, кулолчилик чархи, метал эритиш хумдони, қуёш соати, таквим, муҳр каби ноёб топилмалар топилди.

ЖАРТЕПА—Жарқўрғон, Денов туманлари. Тоғ адир қуйисида сув ўйиб кетган жарли, тепали, нотекис жой, паст, баланд ер. Кичик Жартепа, Катта Жартепа деган қишлоқлар ҳам бор.

ЖАТТАГУЗАР—Сариосиё туманидаги жатта уруғи барлос қабиласига мансуб, у ўғри, қароқчи маъносидаги жете сўзи билан алоқадор. Барлослар Сариосиё тумани худудига XVI асрда келиб қолган, унғача Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғида яшаган. Қишлоқ этник белги асосида ном олган. Номланиш даври—XVI аср. Қўшни гузарлар аҳолиси бўлган форслар гўзари жатта деб номланган, сўнг ўзбекчалаштирилган: жаттагузар.

ЖЕЛКИЛЛАК—Шеробод туманидаги қудуқ. Шеробод дарёси бўйида яшовчи қўнғиротларнинг қанжигали бўлимидаги 14 уруғдан бири-желкиллак. Кўкабулоқлик қўнғиротларда—жеркиллак. Жеркиллак—киши (лар гуруҳи) лақаби. Тез ва чаққон ҳаракат қилувчи, гавдасига нисбатан чаптаст ва эпчил, йўртиб ёки илдам юрувчи кишига нисбатан бу лақаб қўйилади.

ЖИЗАҚДАРА—Сариосиё тумани. (Шарғун). Сўғд. диз, диза—девор билан тўсилган жой, қалъа, истехком. Туркий тилларга М.Қошғарий (XI аср) форс тилидан ўзлашганлигини қайд қилган: диз—қалъа, -ак, -к аффикси қўшилиб диз Қак ясалган: қўрғонча, кичик қалъа.

ЖИНЖАК—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. Катта Жинжак тарзида иккига бўлинган. Жинжак—дуккакли, майда тиканли, кўп йиллик чўл ўсимлиги (кўп бўлган жойдаги қишлоқ). Жин чоҳ (майда қудуқ) бирикмасининг ўзгаргани бўлиши мумкин: жин-чоҳ-жинчақ-жинчак-жинжак—майда қудуқ (ёнидаги қишлоқ).

ЖИННИДАРЁ—Сурхондарёнинг чап ирмоғи. Сувнинг миқдори ёғин-сочинга боғлиқ бўлганлиги туфайли ўзанини ва сатҳини ўзгартириб турадиган, қирғоқларни ювиб зарар келтирадиган, ёзда қуриб қоладиган дарё—Жиннидарё. Жин—кичик, тор ва майда маъносига ҳам эга. Жиннидарё—кичик дарё.

ЖИРИНДИСОЙ—Денов тумани. Қипчоқ шеваларида жиринди—сув ҳосил қилган ўйик, жар; сел ёки тошқин сувлар оқимидан пайдо бўлган чуқурлик. Жирқинди ясама сўз. Жимқор, ёрмоқ, йирмоқ—иккига ажратмоқ, бўлмоқ; ўзаги—жир, йир, ёр. -инди аффикси феълдан от ясаган. Жирқинди—сув ёрган ўйик(жар, чуқурлик)лари бор сой.

ЖОБУ—Олтинсой тумандаги қишлоқ. (Қарлуқ). Туркий этноним, ўзбек уруғларидан бири ёбғу (йабғу) деб аталган. Кул Тигин, Билга қоон ёдгорликларида йабғу сўзи кўп бор учрайди. Қадимий туркларда бу унвон қабила ва қабилалар иттифоқи бошлиғига берилган. Марказий Осиёнинг қадимий халқларидан бўлмиш қарлуқ хонлари ҳам ёбғу деб аталган. Ўрхун-Энасой битикларида ва Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида ушбу ном Йабаку (Йабағу) шаклида келади, кейинчалик Йабғу-Йабу-Жабу-Жобу тарзида ўзгаришларга учраган. Аксаран бу атама кўшин бошлиғи, яъни саркарда маъноларини англатиб, дастлаб қабила, кавм ва ниҳоят уруғ номига ўтиб қолган.

ЖОЛТИ—Шўрчи тумани. Ялтир-жалтир-чалтир ойконимининг ўзгарган шакли.

ЖОРИҚБОШ—Денов тумани жузларининг бир уруғи—жорикбош. Этноним ойконимга ўтган.

ЖОРМА—Шеробод туманидаги булоқ адир яйлов. Жор-ёр+ма—ёрилган жой, ўйик; ер юзасини озроқ ўйиб, қазиб чиқарилган сув (булоқ, саёз кудук).

ЖУВОЗГАР—Олтинсой туманидаги гузар (Шохча). Жувозгар—жувоз ҳайдовчи ва шу дастгоҳ эгаси. Киши касб-кори гузар номига асос бўлган.

ЖУВОЗТОШ—Шеробод туманидаги дара, камар (Қорабоғ). Қадимда зиғир, кунжут каби донларнинг уруғини, шолини оқлаб гуруч олиш учун жувоз кундаси тошдан қилинган. Тош ўртаси ўйилиб жувоз учун фойдаланилган. Қишлоқлар ўрни алмашинган, тош ўрнида қолаверган, ана шу тош бор жой—Жувозтош (дараси, камари).

ЖУЙРУКШОҲ—Жарқўрғон туманидаги ариқ. Югурук сўзининг кипчоқ шеваларидаги шакли-жуйрук. Оқим тезлиги кучли, тез ва равон оқадиган ариққа жуйрук сўзи нисбат қилинади.

ЖУЛГА—Бойсун туманидаги сой (Мунчок, Хатак). «Фарҳанги забони форси»да туркий жулга—водий, кўм-кўк водий, ўтлоқ. XV аср ўзбек тилида жулга—кўкламзор: яйлов. «Бобурнома»да жулга—тоғ этагидан водий, даранинг, тоғнинг қўйи қисми. Туркман тилида жулге—дарёнинг, тоғнинг ён бағридаги чўзиқ, боши берк дара. Қирғиз тилида жилға—сой ўзани, сойлик, дара. Татарча елга—бир ўзакдан. Ўзбек тили тарихи ва форс тилида жулга ва жилға маъно жиҳатдан фарқланган. Жилға—оқар сув, жулга—водий, сув ўзани атрофидаги жой.

ЖЎЙДАМ—Денов туманидаги ариқ. Форсча изофа жўй+и.

ЖЎРОБЗОР—Шеробод туманидаги адир. (Зарабоғ). Форсча Жоруб—супурги, супуриш учун ишлатиладиган ўсимлик. -зор аффикси жамлик

маъносига эга. Жўробзор—супурги учун фойдаланиладиган ўсимлик ўсадиган жой.

3

ЗАНГҚЎТОН—Шеробод туманидаги адир (Майдон). Тош деворли қўра, қўтон, йирик тонлар билан ўралган чорва макони—Зангтепа.

ЗАНГ—Ангор, Жарқўрғон туманларидаги қишлоқ. форсча санг—тош, ёлғиз тош. Яғноб тилида санг—ёлғиз катта тош. Бу сўзнинг тоғ, баландлик маъноси ҳам бўлган. Сўз охиридаги жарангли нг товуши таъсирида с жаранглилашиб, з га айланган. Санг-занг—баландлик, тепа. Қадимда қўрғонлар баланд жойда қурилган. Илк ибтидоий даврда тоғ, тош сиғиниладиган асосий нарсалардан бири ҳисобланган. Баландлик, тепа, тош маъноларидаги Зангнинг жой номи сифатида қўлланиши тоғ култи билан боғлиқ.

ЗАРАБОҒ—Шеробод туманидаги қишлоқ. X—XI асрлар ёдгорликлари асосида тузилган «Луғати фурс»да бу сўз «Замини зароған ва сатҳи чу санг. На оромгоҳу на обу гиёҳ» (тош—сингари қаттиқ, қумлоқ ер, унда на сув, на гиёҳ, на оромгоҳ бор) деб изоҳланади. Форс тили тарихида зароған, зароғанг (варианти жароған, жароғанг)—қумли жой, заранг ер, қаттиқ жой; қумлоқ, куми кўп майдон; шўрхоқ ер, шўразор. Зарагон ва боғ сўзларидан тузилган ва қуйидагича ўзгариш юз берган: Заро ғонбоғ>заронбоғ>зарангбоғ>зарабоғ. Қишлоқ тоғ ичкарасида, Пошхуртнинг юқорисида жойлашган, ўрнининг тошлоқ жой эканлигига нисбат этилган. Маҳаллий аҳоли заранг; (қизил пўстли, мевасиз, қаттиқ чўпли тоғ дарахти—заранг; кўп йиллар ўзлаштирилмай тупроғи зичланиб, қотиб кетган ер—заранг) ва боғ сўзларидан (қаттиқ ердаги боғ, заранг жойидаги боғ) тузилган деб тушунтиради. Зарон (тиллоли, олтинли) боғ деб изоҳловчилар ҳам бор.

ЗАРАВА—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Тоқчиён). Форсча изофа; зар (сар)-и+оба (ова-об+а-сув (дарё) боши. Гидроним сифатида яралган.

ЗАРАВУТ—даранинг бошланиши, юқори чўққили жой маъноларини англатади. У икки мустақил сўздан тузилган: сар-овут-оват саровут-заравут унинг таркибидаги сар—бош, юқори, бошланиш жой маъноларини англатса: овут-оват-ут форманти сўғдча жой сўзининг ўзгарган шаклидир. Шеробод туманидаги дара, ибтидоий одамлар маскани, тошларга 200 дан ортиқ расмлар битилган жой. Уни Заравутсой ҳам дейишади. Дастлабки расмлар 6—8 минг йиллар олдин чизилган. Юқори Зарафшонда -вут,-оват, -ут формантли топонимлар анчагина: Дасновут, Фатмовут, Рағмовут, Искавут, Фалмовут, Зировакт, Ворсут, Ворсовут, Похут, Ашкуч, Шовут, Чоровут, -

овут-оват-ут форманти сўғд, ават (жой) сўзининг ўзгариш шакли. Сўғд тилида аутт—ҳовли, амлок, қарашли жой, бу сўз асоси аут.

ЗАРГАРГУЗАР—Бойсун туманидаги гузар (Шайит). Топономия ва этнонимияда бачча сўзи тўп, кишилар тўдаси, авлоди ёки маълум касб-хунар билан шуғулланувчилар гуруҳини билдиради. Заргаргузар форс — қимматбаҳо тош. Металл (олтин, кумуш, нуқра ва ҳ.) лардан безак учун зийнат буюмлари ясайдиган хунарманд, усталар яшайдиган гузар.

ЗАРГУС—Бойсун туманидаги дара (Хамкон). Зар-сар—юқори, баланд; бош, асосий. Жанубий Ўзбекистон топономиясида хас-қас-кас-гус: Танқас-Танқас-Танхас, Тангқас. Сўғд. хас-хаш-булоқ, канал, ҳовуз. Заргус—юқори жилға, бош жилға.

ЗАРДАҚЎЛ—Олтинсой тумани. (Вахшивор) товуш ва морфема таркиби ўзгарган; зарда:-сар дак. Сўғд. сар-зар—баланд юқори; тағ (дак), яъни юқори дарё. Ўзб. қўл—жилға, дарёнинг тармоғи.

ЗАРТЕПА—Жарқўрғон, Ангор туманларидаги қишлоқ. Термиз туманидаги тепа Форсча зард (сарик, сарғиш) ёки сар (бош, юқори, баланд)-тепа-сарик тепа, оқ тупроқли баландлик, баланд тепа. Бу халқ изоҳи. Зартепалар сунъий тепа, қадимий қўрғон харобаси. Ҳисор (қўрғон) сўзининг ўзгаргани—зар-сар-исор-ҳисор+тепа—қўрғонли тепа.

ЗАРЧОБ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Узун). Форсча зард (сарик)+чоб-чоҳ (кудук)+об (сув)—кудук суви, қазиб чиқарилган сув. Сар+и+чоҳ+об-қазма булоқнинг боши, юқори томони. Қазиб чиқарилган сув Деҳқонобод, Кўкабулоқда—жормони.

ЗАХХОНА—Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Хуфар). Маҳаллий аҳоли зоғ (қуш), хона (жой, макон) сўзлари бирикмасидан изоҳлайди. Форсча зах—сув қайнаб чиқадиган жой. Заххона (захҚхона)—булоқлари кўп жой, қайнар булоқли жой.

ЗАҲАРТЕПА—Денов тумани (Будрач). Қадимий Будрач шаҳрининг шимолий қисмида бўлган. Сўз бошида 3-ш товуш ўзгариши юз берган. Шаҳартепа-заҳартепа—шаҳар (қўрғон, қалъа)ли тепа, шаҳар ўрнида пайдо бўлган тепа. Будрач шаҳри мўғуллар истилоси даврида вайрон бўлган. XV асрда Будрач шаҳри қабристонга айланган, Оқмозортепа деб номланган.

И

ИЙПОҚИ—Денов туманидаги қишлоқ (Омборсой). Ийпоқ+и-ийпоқлик, Ийпоқ қишлоғидан кўчиб келганлар.

ИЙПОҚ—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Қарлук). Ипоқ уруғ номи.

ИЛОНСОЙ—Денов туманидаги қишлоқ (Чўнтош). Илонўланг (кўкат, ўт, майса) сўзининг варианты. Ўлангсой-ўлансой-илонсой-ўт-ўлани кўп жой, кўм—кўк яйлов.

ИМПОРТ—(инглизча—келтириш, олиб келиш)—мамлакатнинг ички бозорида сотиш учун, шунингдек, уларни учинчи мамлакатга ўтказиб юбориш учун чет эл товарлари, хизматлар, технологиялар, капиталлар, қимматли қоғозлар келтириш.

ИНИЦИАЦИЯ (лотинча)—бағишлаш, ибтидоий даврда ўсмирларни вояга етган эркак ва аёллар сафига ўтказиш маросими. Ислонда ўғил болалар суннати ҳисобланади.

ИННОВАЦИЯ (лотинча)—янгилаш, мерос ва анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши натижасида маданиятда вужудга келган янги кўриниш.

ИНТЕГРАЦИЯ (лотинча)—тикланиш, тўлдириш, турли халқларнинг бирлашуви, турли этносларнинг бир ҳудудда этник-маданий алоқаларни ўрнатиш жараёни.

ИРҚ (арабча)—илдиз, томир; одамларнинг келиб чиқиши, гавда тузилиши ва қиёфаси ўхшаш бўлган тарихан таркиб топган ҳудудий бирлигидир. Кишилар ўз тана тузилиши, ташқи қиёфаси, тери, кўз ва суягининг ранги, соқолининг сийрак ёки қалинлиги, бўй-басти, юз тузилиши, бош суягининг шакли, қон гуруҳи ва бошқаларига қараб гуруҳ-гуруҳга ажратилади. Жаҳондаги барча халқлар тўртта катта ирқларга бўлинади. европоид (евросиё), монголоид (осиё-америка), негроид ва австролоид (океания). Булардан ташқари аралаш ирқий birlikлар ҳам мавжуд. Ҳар бир ирқ яна бир қанча майда гуруҳларга ҳам бўлинади.

ИСПАНДИ—Шеробод туманидаги жой (Қуллуқшо). Испанди—исирик ўсимлиги ўсган жой; эски қишлоқ ўрни, Оқтепа қишлоғи Исванни.

ИСТАРА—Қизирик тумани. Форсча—ситора «юлдуз», туркий—истараси иссиқ, ёқимтой.

ИШҚИЛИ—Денов, Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. Қўнғиротларнинг воҳтамғали бўлимига мансуб уруғлардан бири—ишқили. Қирғизларнинг ичкилик деган қабиласи бор. Ичкилик, ишқили ўзакдош. Ишқи—уруғнинг тамғаси номи, -лиаффикси кўшилган. Этноойконим.

Й

ЙИЛҚИБОЗОР—Денов шаҳридаги жой. Калламинор (қ) ҳам дейилади. Қадимги туркий тилда йилқи—хайвон, мол. Йилқибозор, чорва хайвонлари олди-сотди қилинган жой.

К

КАЙРИТ—Қорабоғ ва Зарабоғ ўртаси (шарқ томон)да жойлашган майда қишлоқ. Жой номининг келиб чиқиши тахминан қуйидагича: Кайрит—куҳ ва руд, яъни тоғ(куҳ) ва дарё (руд, умуман сув), демак, тоғ суви ёки булоғи маъноларини беради. Ўзгариш ушбу хилда бўлган: куҳ-руд, куй-рут, кай- рит ва бошқалар. Кексалар бу масканда булоқлар кўплигидан сув сероб бўлиб, Кайрит сайноғида ўнта сув тегирмони бўлгани нақл қилинади.

КАКАЙДИ—Жаркўрғон туманидаги қишлоқ. (Янгибозор). Какай—қадимги эроний тилларга оид. Кўх (тоғ), кад (қишлоқ) сўзларига алоқадор бўлса керак. кўхкад-кў: кад-кўкай-кукай-какай. Сўғд. ди-диз—қишлоқ, кўрғон.

КАМАРИТУРК—Олтинсой туманидаги камар (Сина). *Форсча* изофа *камар+и+турк (-турк)* турклар камари, ўзбеклар яшаган жойдаги камар.

КАМАРКИ—Қумкўрғон, Олтинсой, Қизирик туманлари. *Форсча* *Камро*-ток, баланд девор; кўра, мол қамаб қўйиладиган кўтон. -К аффикси кичиклик, -и аффикси ўрин жойга нисбат маъносини билдиради: *камрок>кармок>кармак-кўрғон*; тевараги девор билан ўралган жой, *кармаки*—кўрғонлик. Жанубий Ўзбекистон кўнғиротлари (вохтамғали) *гиламбоби~гиламбоғи* уруғининг бир тармоғи—*кармаки*.

КАМПИРТЕПА—Шеробод туманидаги қишлоқ (Кўхитанг этагида). Кампир сўзи қадимги сўғд тилидаги канди пир (қадимий вилоят) бирикмасининг ўзгаргани. Қулдорлик тузуми ва илк ўрта асрларда йирик шаҳарлар ва воҳа атрофи мустаҳкам девор билан ўралган. Бу девор канди пир (ак) деб аталган. Деворнинг бурж, дарвозалари бўлган. Кампиртепа—бурж ёки дарвоза ўрни, кўрғон харобаси бўлган жой.

КАМПИРЧОРБОҒ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Каприн). *Кампир* (< канди пир) чорбоғ(< чаҳор боғ)- ўртасида кўшк ё уй бўлиб, тўрт тарафи дарахтзор, мевазордан иборат боғли қишлоқ.

КАНДУБУЛОҚ—Шеробода Гандабулоқ деган чашма бор. Канда, ганда—бир сўз, хандақ ёки чуқур тарзида ўйилган, қазилган ер. Кандабулоқ-ана шундай ердан чиққан булоқ. Айн, Обиканда, Обиганда.

КАПРИН—Бойсун шаҳри жанубидаги қишлоқ. Х.Ҳасанов Кофирун тарзида ёзиб, ғайри ислом тарзида изоҳланган. Шу изоҳни давом этирсак, сўз таркибида ар. кофир (исломдан бошқа диндаги киши, ғайридин) ва -ун кўплик аффиксидан иборат бўлади, яъни кофирлар, ғайридинли (киши). Аҳоли Кофирун эмас, Каприн дейди. Қадимги эроний тилларга мансуб кўшма сўз. Қиёс: а) кўх+и+пир+он-кўхипирон-кўпирон-капиран-капиран-каприн—катта тоғли жой, қадимий тоғли жой; б) коҳ+и+пир+ин. X—XIX

асрлар форс тилида коҳ-сарой, қаср, кўшк; иморат; пир-қари, кекса; топономияда эски; -ин аффикси хослик мавжудлик маъносини билдиради. Коҳипирин-ко: пирин-ка: пирин-капирин-каприн—кўхна сарой, қадимги кўрғон; кўрғон харобаси, оқтепа. Балки Коҳипарин бўлиши ҳам эҳтимол, боиси коҳ(сарой) ва пар (тоғ), ун - кўплик кўшимчаси бўлиши ҳам мумкин. Демак, тоғ саройи, тоғдаги сарой, яъни баландаги сарой.

КАПТАРХОНА—Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида ҳам, ошён кубутархона—каптар турадиган маскан. «Бобурнома»да кабутархона—каптар (умуман, ов куши) сақланадиган кўндок, қафас. Каптар яшайдиган жой (жар, ғор, қудук, ертўла)—капархона. Ана шундай жойлар яқинидаги аҳоли маркази—*Каптархона*. Қишлоқнинг қадимий номи—*Керайит*.

КАРИЗАТ—Шеробод туманидаги қишлоқ. Пошхуртсойдаги бир неча қишлоқларнинг (/оз, Ёқуббойкариз, Оқтош, Олгуй, Ёрмакариз, Чорвоғкариз, Бўлаккариз, Каттақамиш, Кампирбўлак) а умумий номи. Корез—ат (ар. Кўплик кўшимчаси)—каризлар кўп бўлган жой (даги қишлоқ).

КАРСАҒОН—Олтинсой тумани. Морфологик таркиби кар+сак~саг+он Сўғдча ғар>кар—тоғ (тоғлик). Сак~саг—эронийларнинг шарқий гуруҳига мансуб халқ. Шак ҳам дейишган. -он кўплик аффикси. Саклар—ўрта Осиёнинг қадимий халқларидан бири. Сакларнинг бир қисми Ўрта Осиёдан шарққа—Ҳиндистонга, бир қисми жанубга-Шарқий Туркистонга юриш қилган ва ўша ерларда жойлашиб қолган. Сак тили ёдгорликлари Шарқий Туркистондан топилган. Карсагон—тоғ саклари (яшаган қишлоқ).

КАСТА (лотинча, португал)—тоза, бенуксон, оқ суяк; бошқа тоифа билан аралашмаган тоифа, табақа. Қадимги Миср, Ҳиндистон ва Шарқдаги бошқа мамалакатларда ўз аъзоларининг насиб ва имтиёзли ҳуқуқлари авлодлар ва касб-хунарларига қараб ва алоҳида табақага ажралган ижтимоий гуруҳ (руҳонийлар, савдогарлар, деҳқонлар, брахманлар) кастаси мавжуд.

КАТАРИГУЗАР—Бойсун туманидаги гузар (Шайит). Катариларнинг гузари. Катари (<Катар+и-катарлик)—Бойсуннинг Катар қишлоғидан кўчиб келган кишилар.

КАТАР—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Сина). 1924 йилда Бойсуннинг Халқашар дарёси бошида Катар кенти бўлган. У етти қишлоқни бирлаштирган: Дуғоба, Қизилоғил, Шотут, Луччак, Кўрғонча, Деболо, Зарвозор. Катқарлардан иборат бўлиб, кўрғонли, кўрғонча демакдир.

КАТМАН—Қумкўрғон туманидаги қишлоқ. Дастлаб ороним бўлган. Форсча кандманд—хароба, вайрона. Кўрғон ўрни хароба бўлиб тепаликка айлангач, шундай ном олган. Табиатош шаҳрининг ёнида, Амударёнинг чап қирғоқида Кетман тепалиги бор. Бойсун тумани шимолида тоғ тизмаси Катмончопти деб аталади.

КАТМАНЧИ—Шўрчи туманидаги қишлоқ. Катман—Бойсуннинг Қумқўрғон ва Олтинсой (илгари Шўрчи) туманларининг туташган жойдаги қишлоғи. -чи -лик қўшимчасининг айнан ўзи. Катманчи—катманлик, Катман қишлоғидан кўчиб келганлар.

КАТМОНЧОВДИ—Бойсун туманидаги тоғ, тизма. Эроний тилларда кандманд+и+Човди—човди (қ.) қўрғони харобаси. Форсча кандманд—вайрона, хароба. Қадимда Кандманд тоғ устидаги қўрғон номи бўлган. Бу сўз форс тилига қадимги сўғд тилидан ўзлашган.

КАЪБА (арабча)—«баландлик», «дўнглик» маъноларини билдиради; мусулмонларнинг Арабистон яриморалининг Ҳижоз ўлкасидаги Макка шаҳрида жойлашган энг муқаддас ибодатхонаси; араблар шаклига қараб «каъба» (куб) деб аташган; кулранг тошдан қурилган; «Байтуллоҳ» (Аллоҳнинг уйи), «Байт ул-Ҳарам» (Муқаддас уй) «Байт ул Отиқ» (Қадимий уй) деб сифатланади; Қуръони каримда «ал-Масжид ал-Ҳарам» (муқаддас масжид) деб номланган, яъни унда уруш, жанжал, гуноҳ ишлар қилиш ҳаром саналувчи масжид; атрофи ҳашаматли девор билан ўралган; кенг ҳовлиси ҳам Каъба деб аталади; Каъбанинг девордаги ташқи томонида осмондан тушган «Ҳажар ул-асвад» (қора тош) ўрнатилган; ичида Қуръони каримнинг қадимий қўлёзмаси сақланади; ҳовлиси саҳнида Зам-зам булоғи, Мақоми Иброҳим деб аталган тош бор; милодий 623—йилдан бошлаб мусулмонлар учун қибла ҳисобланади ва жаҳонда барча мусулмонлар шу томонга қараб намоз ўқийдилар, Каъбада эса хоҳлаган тарафга қараб намоз ўқийверадилар.

КЕНГГУЗАР—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Хуфар). Туташ майдони, чорраҳа саҳни катта бўлган гузар (қишлоқ).

КИЙИКЧИ—Денов туманидаги қишлоқ. Кийикчиовул, Овулкийикчи (қ.) номлари ҳам бор. Қишлоқ аҳолисининг этник таркиби асосида номланган. Кийикчилар Амударёнинг қуйи оқимида—Хоразмда, озгина қисми Зарафшон водийсида яшаган. Жанубий Форсistonдаги кесамир қабиласи, қурама уруғи таркибида ҳам кийикчи уруғи бўлган. Б.Х.Кармишева кийикчиларни манғитларга мансуб деб қарайди. Кийик—тотем, тотем асосида уруғ номланган. -чи аффикси кўплик ва тегишлиликни билдиради.

КИЛКОН—Шеробод туманидаги қишлоқ (Сеплон). Форсча Килк—камиш, най; найқалам, қалам. -он аффикси ўрин-жой оти ясаган. Килкон—камишли, қамиш ўсган жой.

КИРПИЧ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ (Сурхон) Қадимги туркий, XIV—XIX асрлар ўзбек тилида кerpич~кирбич—ғишт. Кирпич—қадимги қўрғон ўрни, оқтепа ёки ғишт пиширадиган хумдон ўрнашган жой.

КИШТ—Сурхондарёнинг юқори қисмидаги вилоят. XI аср араб сайёҳи Ибн Хордодбек асарида қайд этилган, бошқа тарихий асарларда ҳам Кишт-Кешт-Кашт-Кст-Кэст-Кист тарзда битилган. -Т аффикси сўғд тилида кўпликни билдирадирган. Қадимда Киш-Кэш-Кеш (қ.) ҳозирги Киштут (қ.) номларининг генезиси бир.

КОГНАТ (лотинча)—туғилиш бўйича қариндошлик, ота ва она насаби бўйича қариндошлик. Сурхон воҳасида ота ва она насаби бўйича қариндошликка кенг амал қилинади.

КОНГЛОМЕРАТ (лотинча)—бирикиш, кўшилиш, бошланиши, тўпланган турли тоифа ва элатларнинг уюштирилишидан ташкил топган ижтимоий-сиёсий тузум (масалан, қулдорлик, феодализм даврида тузилган йирик давлатлар).

КОНСОЛИДАЦИЯ (лотинча)—мустаҳкамлайман, йириклашув, тил ва маданият жиҳатдан яқин ва қон-қариндош халқларнинг ягона бўлиб бирлашуви, этносларнинг бир-бирига яқинлашиб аралашиб кетиши.

КОТИБ—Узун туманидаги қишлоқ. Айрим хужжатларда Ҳатиб ёзилган. Шуниси қадимий шаклига яқинроқ. Сўғд. кат—уй, ҳовли; кўрғон, қалъа. Яғноб қишлоқлари: Рупиф, Петин, Бидиф, Бидив. -иб (-иф) аффикси кўплик маъносини англатади: Катиф-Катиб-Катив—ҳовлилар ва кўрғонлар.

КОФИЛҚАЛЪА—Шеробод туманидаги тепа, қадимий кўрғон харобаси. Талаффузда—Копирқалъа. Бу номдаги тепаларнинг барчаси йирик аҳоли марказларининг атрофида. В.В.Бартольд X аср Бухоро тарихчиси Наршахий коҳ сўзини қаср (замок) маъносида қўллаганлигини таъкидлаган. Пир-фир ва унинг вариантлари пар-вар-пур сўзларининг генезиси бир—девор, тўсиқ маъносига эга: коҳ+и+пир-фир>коҳипир>ко:пир>копир-кофир—тевараги девор билан ўралган кўрғон (қаср). Қалъа ар маъно жиҳатдан коҳ сўзига тенг, у X асрдан сўнг қўшилган. Коҳпир таркибидаги коҳ компонентининг маъноси унутилгач, шу маънодаги қалъа сўзи қўшилган.

КРЕОЛЛАР, КРИОЛЛАР (француз-испан)—Америкада туб жой аҳолисидан ва метропологиядан келганлардан тубдан кескин фарқ қиладиган этник гуруҳлар.

КРОС-КУЗЕН (инглиз-француз)—тоға ёки амманинг қизи билан никоҳда бўлиш. Сурхон воҳасида тоға ёки амманинг қизи билан никоҳдан ўтиш ҳолатига кенг амал қилинади.

КУЗЕН (лотинча)—тоға, жиян. Сурхон воҳасида тоғага нисбатан ҳурмат, онага нисбатан ҳурмат билан тенг. Шу туфайли тоға жиянлар ҳаётига яқиндан тарбиявий жиҳатдан масъулдир.

КУЛЛИСОЙ—Шеробод тумани. XI—XIX асрлар форс тилида кулла—тоғнинг баланд жойи. Адир ва тоғ бағридаги қоя, кичик чўкки—кулли. Форс

тилига араб тилида ўзлашган куллисой (<кулласой) —қоядан бошланадиган сой, чукур водий.

КУНЧИҚИШ—Қизирик туманидаги қишлоқ Туркий—кун чиқиш— шарқ маъносида, куёш чиқадиган томон.

КУРАШ—Спорт тури, белгиланган қоидага мувофиқ, икки спортчининг яккама-якка олишуви.

КЎҚҚАРҒА—Шеробод туманидаги дара (Зарабоғ). Форсча кўк(<кўх) Ққарғ+а>кўхқарға>тоштўдалари кўп бўлган жой, тоғли дара Яғноб тилида қарғак—тош уюми, тоштўда (сўнгтўда).

КЎЛАК—Бойсун туманидаги жой (Мачай) Кўл-ак—кўлча, кўлдек чукур жой, чукурлик.

КЎЛОБАРИҚ—Шўрчи туманидаги ариқ. *Форсча об, ўзб. Кўл, ариқ* лексималаридан гибрид ном ясалган. Халқ нутқида оқим йўналиши отекис бўлиб, димиқиб оқадиган сув, ариқ ҳам кўлоб дейилади. Кўлобарик— кўлданоқиб чиқадиган ариқ, димиқиб оқадиган кўп сувли ариқ.

КЎЛОБ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Газарак).Кўл+ и+об кўлоб— кўл суви, оқмас сув; ҳовуз, қоқ, сув тўпланиб қолган чукурлик.

КЎЛ—Сараосиё (Тоқчиён), Кўлли қишлоқ; кўл атрофидаги қишлоқ. Шу ҳудудда кўл типдаги сув ҳавзаси битта бўлганлиги сабабли гидрографик термин топонимга айланган.

КЎЛТЕПА—Сариосиё, Узун, Шурчи туманидаги қишлоқ. Барча туманларда шундай тепалар бор. Кўлтепа—тевараги ёки ёнида кўли бўлган тепа. Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, кўл ўрни қадимда ҳандақ бўлган, ҳандақ эса кўрғонни ташқи душманлардан кўриқлашда тўсиқ вазифасини бажарган. Тепа эса қадимий кўрғон ўрнидир.

КЎЛЧАК—Бойсун туманидаги жой (Мачай). Туркий кўл, эроний чоҳ (чукурлик, кудуксимон ўйик) лексималаридан ясалган: кўлчак—кўлча, кичик кўл.

КЎРҒОВ—Шеробод туманидаги баландлик (Оқкўрғон). Форсча кўх (тоғ) сўзининг помир тилларидаги шакли-хуф-хўф-хиф. Хуфар (қ.) номи шу лексемадан. Хуф компонентли номлар Форсистонда кўп: Жузхуф, мавжхуф, чаржонхуф, бархуф, бистохуф. Генезиси: ғов<ғоф<ғуф<хуф. Кур<хурд-кичик, майда; оронимияда паст, кичик. Кўрғов<хурд хуф—кичик тепа. Паст баландлик.

КЎРАРМАБОЛО—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Дашновот). Форсча боло—юқори, уст. *Кўтарма*—сувни юқорига чиқариб берадиган чиғирик (чарх).*Кўтармаболо*—юқори томондаги кўтарма ариқ (бўйидаги қишлоқ).

КЎРТЎҒАЙ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ (Исмоилтепа), Шеробод туманидаги жой, пахта майдони (Куллуқшо). Кўртўғай— Жанубий

Ўзбекистон кўнғиротларнинг қанжиғали бўлимидаги 14 уруғнинг бири. Қамиш ватурли буталар зич ўсган, хайвон ва одам юриш қийин бўлган тўқайни кўртўқай деб аташади. Топоним этноним асосида яралган.

КЎРЧАШМА—Бойсун, Сариосиё туманларидаги дара. Кўрчашма—булоқ, чашманинг бир тури. Фойдаланилмаслиги ёки бошқа табиий шароитлардаги ўзгаришлар натижасида сувининг миқдори оз бўлиб қолган булоқ. Унга нисбат этиладиган сув манбаи- оқмабулоқ, оқбулоқ. Гидроним оронимга ўтган.

КЎСА—Бойсун тумани (Дарбанд), Деновда Кўсақишлоқ. Кўса—патроним, у киши лақаби асосида яратилган. Кўнғиротлар вохтамқали бўлимига қарашли қорақўнғирот уруғининг бир тармоғи қўштамға таркибидаги 16 уруғнинг бири—кўса. Сурхандарё туркманжузларининг жилонтамғали, Форсiston лақайларининг тўртўғил уруғларида ҳам кўса тармағи бор.

КЎТАРМАШОХ—Жарқўрғон тумандаги ариқ (Минор) қ. Кўтарма.

КЎЧАК—Бойсун туманидаги гузар ҳамда қишлоқ номи Кўчак. Форсча кўх(тоғ)+ча (кичрайтириш маъносидаги аффикс) + кичик тоғ, ёлғиз баландлик. –к аффикси мавжудлик, борликни билдириб: Кўхчак<Кўчак—ёлғиз баландлик (ёнидаги гузар). Қишлоқ жойлашиш ўрнига нисбат, баландлик устидаги кўрғон ва унинг ёнидаги аҳоли марказлари шу тепалик номи билан аталган.

КЎЧАКЛИ—Денов туманидаги қишлоқ (Ҳайробод). Форсча кўхҚчаҚк—тоғча, кичик чўққи, ёлғиз баландлик: кўх+ча+к>кў: чак+кўчак+ли—тепалиги, баландлиги бор қишлоқ.

КЎЧЧАКЛИ—Денов туманидаги қишлоқ (Ҳайробод). Бойсун туманидаги Кўчакдан кўчиб келганлар қишлоғи, кўчкаклик. Сўз ўртасида ассимиляция ҳодисаси юз берган: чк>чч.

КЎҲИСАФЕД—Бойсун туманидаги тоғ. Форсча изофа кўх+и+сафед—оқ, тоғ, оқ тошлар билан қопланиб турадиган баланд тоғ. Ўзбекистон, Оқтоғнинг ўгирмаси.

КЎҲИЧОШ—Сариосиё туманидаги тоғ тизмаси (Маланд). Форсча изофа кўх+и+чош—хирмон чоши сингари тузилишидаги тоғ; тоғ чўққиси; тик қоя.

КЎҲТОШ—Сариосиё туманидаги тоғ тизмаси. Кўх (тоғ)—тош морфемаларидан иборат. Тош сўзининг тоғ маъноси ҳам бор: кўх тош—тоғ+тош (тоғ).

Л

ЛАҒМАН—Денов туманидаги қишлоқ (Анорбулоқ). Эроний тилларга оид ном. -ман-мон компонентли номлар; Хушман (Ангор, Музработ). Афғон

тилида мена—уй-жой, макон, кўчманчилар манзили. Яғноб топонимиясида майн, ман—махалла, қишлоқ.

ЛАБЖАР—Бойсун туманидаги жой (Дарбанд). Форсча изофа лаб+и+жар—жарнинг лаби. Лабжар—жар еқаси, атрофи (бўйи).

ЛАБИОБ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Сўфиён). Форсча изофа лаб+и+об—сув бўйи, дарё қирғоғи, жилға лаби. Дастлаб гидроним, сўнг ойконим бўлган. Лабиоб—дарё (сув) қирғоғидаги қишлоқ.

ЛАЙКАНД—Жаркўрғон туманидаги қишлоқ (Оқкўрғон). Форсча ларҚканд. лар—кўлда қазилган ёки ёғин сувлари оқишидан ҳосил бўлган ариқ, сув йўли. Канд-Қанда—қазилган, ковланган. Ларканд>лайканд—ёғин сувлари оқиб ўйган жой, жар. Дастлаб сувлик номи бўлган. сўнгра сувлик номи қишлоқ номига ўтган.

ЛАЛМИКОР—Қумкўрғон тумани аҳоли маркази. Форсча лалмиҚкор. Деҳқончилик тарзи ва сувдан фойдаланиш усулига кўра деҳқон лалмикор ва обикор саналган. *Лалмикор*—суғориш иншоатлари (ариқ, канал, банд)дан фойдаланмасдан, ердаги нам ва табиий ёмғирлар ёрдамида етиштириладиган деҳқончилик маҳсулотинчалари ва усули. 1940-йилларда «Лалмикор» номли колхоз тузилган, сўнг йириклаштирилгач, қишлоқ номи сифатида сақланиб қолган.

ЛАНГАР—Сариосиё қабристонини бор, қишлоқлар Катта Лангар, Эски Лангар, Юқори Лангар, Паст Лангар деб бўлинган. У фақат ойконим сифатида маълум, баъзи ороним ва гидронимлар шу ойконимга объект турини билдирувчи сўзларнинг кўшилишида яралган: Лангарсой, Лангарариқ, Ҳазрати Лангар. Бир қанча туркий ва эрон тилларда лангар—дарвозларининг мувозанат чўпи (ходаси); кемачиларнинг чангаксимон оғир темири (рус. якорь). Бу сўзнинг мазкур маъноларда ойконимларга муносабати йўқ. Тадқиқотларга кўра, лангар сўзи турли вариантларда грек, латин, роман-герман, болтиқ, славян, эроний, айрим хинд, фин, араб ва бир қанча туркий тилларга бор. Барчасидаги умумий маъно—якорь. А.З. Розенфельд тарихий луғатлар асосида унинг қадимий маъноларни аниқлаган: ибодатхона; карвонсарой; ғариб-ғураболарга овқат бериладиган маскан; ғарибхона; хонақоҳ; қабр, гўрхона; йўлдаги бекат; ёмхона; тўхташ жойи; дорбозчўп; кеманинг чангакли темири. Энг қадимий маъноси ибодатхона; тўхташ жойи. Уйғур тилида баъзи маънолари сақланиб қолган: лангар—катта йўл ёқасидаги бандаргоҳ, ёмхона; карвонсарой. X—XIX асрлар форс тилида лангар сўзининг мусофир лар тунайдиган жой; мусофирхона; хонақоҳ маънолари бўлган. Ибодатхона маъноси бирон тилда сақланиб қолмаган, фақат жой номлари сифатида қолган. Ланган—ибодатхона, сиғинадиган жой; мусофирхона, ўзга эллардан келган кишилар тунайдиган жой.

ЛАНГАРТЕПА—Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Жончека). Лангар қишлоғининг тепаси.

ЛИПА—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Узун). Лаб+и+об изофасининг соддалашгани: сув бўйи, дарё (жилға, ариқ) ёқаси. Ҳозирги ном-МТС.

ЛОЙБОСДИ—Олтинсой туманидаги жой (Миршоди); Сел туфайли юза қисми лойқа билан қопланган ҳалқоб жой—*Лойбосди*.

ЛОЙЛИҚ—Шеробод туманидаги қишлоқ. Ботқоқ, балчиқли, устки қисмида сув ўтлари ва ўсимликлари ўсиб ётган жой—Лойлиқ. Ёғин, сел сувлари натижасида ҳосил бўлган ҳалқоб, чуқур жой—лойлиқ, лойқа. Дастлаб ороним сифатида юзага келган, сўнг қишлоқ номига кўчган.

ЛУҚЛУҚ—Бойсун туманидаги сой (Панжоб). Лук-*айн*. Лук (қўға).-лук-лик қўшимчасининг варианты Лук ўсимлиги ўсган, луқли (сой).

ЛЎЛИГУЗАР—Денов шаҳри. Лўли—эроний тилларга оид сўз. Форс, форс тилларида лўли—қавм номи, X—XIX асрлар форс тилида лўри—бир кўчманчи қабила номи; саҳрода яшовчи, лўли; лўли—жўги; ўйинчи, нағмагар ва кўшиқ айтувчи жўги. Форс тилида лули—лўли (цўган); кўчада кўшиқ айтувчи ва ўйновчи. Кўз гўзал; шўх севгили, севикли гўзал, хушрўй санам, дилбар, маҳбуба; ундан лўливаш, лўликуш сўзлари ясалган. Форс тили тарихида лўл-бешарм, беҳаё, беандиша. Лўли—ясама сўз: лўлқи. Бу қавмнинг фаолияти ва характери назарда тутиб, Ўрта Осиё ва Эрон халқлари томонидан уларга берилган ном, у дастлаб этнографик термин бўлмаган, ҳозир шундай маъно ва функцияга эга. Лўлилар ўзларини муғат, мазанг дейди, ўзгалар номи—лўли. Лўлилар Ҳиндистондан келишган. Ҳунарманд ва ярим кўчманчи лўлилар яшаган жой—Лўлигузар.

М

МАҒЗОР—Бойсун туманидаги ўтлоқ (Сайроб). Сўғдча марғ (к Мармин) +зор морфемаларидан иборат. Марғзор—яйлов, ўт-ўлан кўп ер.

МАЙДОН—Шеробод тумани. «Сайхонлик, «худуд», туркий қабиланинг бир уруғи».

МАКЕДОН КЎПРИГИ—Шеробод дарёси кўприги. Шарқ халқлари адабиётидаги Искандар (Зулқарнайн) Александр Македонский (милоддан аввалги 356—323 йилларда яшаган). У эрамизгача 329—326 йилларда Ўрта Осиёни забт этган. Ўзбекистоннинг қадимий ўтроқ халқлари, жумладан, сартлар йирик ариқ ва каналлар, тўғон ва дамбалар қурганлиги, бу сув иншооти ўша даврлар маҳсули эканлиги маълум. Баъзи манбаларда милоддан аввал қурилганлиги айtilган. Сўғдча-юқори, баланд, юксак; юқорида жойлашган. Шу сўз тилдаги Искандар исмига нисбат этилиб, товуш шакли ўзгарган; аслида искодар—баланд кўприк.

МАЛАНД—Олинсой туманидаги қишлоқ. Г.Г.Дитрих икки морфемага бўлган: молҚан. Мол сўзи форс ва туркий тилларда қорамол, мол-мулк деб изоҳланган, сўнгги қисмини форсча -он кўплик аффикси деб қаралган. Бу изоҳ лингвистик ва мантикий жиҳатдан тўғри эмас. В.И. Липскийнинг «Тоғлиқ Бухоро» асарида Малан-Малян тарзида қайд қилинган. Сўзлашувда ҳозир ҳам Малан. Сўз бошида п-б-м-в товушларининг мослиги, бир-бирига ўтиши бор. Сўз ўртасида р-л товуш ўзгариши юз берган: малан-балан-палан-маран-баран-паран. Сўнгги вариант қадимий: бар-пар-вар-қўрғон, овул, қишлоқ. -ан формати мавжудлик, борлик маъносидаги -ин аффиксининг варианты, д товуши орттирилган. Маланд—қўрғонили (қишлоқ).

МАНГУЗАР—Термиз туманидаги қишлоқ. Сурхондарёнинг гузари. Икки қисмдан иборат: манн+гузар. Л. З. Будагов манг теварак, В.В. Радлов ман—ҳаят, тевараги ўралган жой, қуршалган ер деб изоҳланган. Бу икки сўз туркий тилларга мансуб. Яғноб тилида майн—қишлоқ, овул. Гузар—сув объектлари (дарё, йирик анҳор)ни кечиб ўтиш қулай бўлган саёз жой. Қишлоқ Сурхон бўйида—дарёнинг икки қирғоғида жойлашган: майн+и+гузар—сув (дарё) гузари ёнидги қишлоқ. Ё. Хўжамбердиев катта гузар деб изоҳланган.

МАРҒИЛОН—Денов туманидаги қишлоқ. 1930-йилларда қуриқ ерларни ўзлаштириш мақсадида Марғилондан кўчиб борган кишилар яшайдиган аҳоли маркази, илгари яшаган жойига нисбат қилиб шундай аталган. Эроний тилларда майн>мийн>мин—қишлоқ. Мармит<Марғмайн—ўтли қишлоқ, ўтлоқда ташкил бўлган овул.

МАРМИН—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Қарлуқ). Қадимий эроний тилларга мансуб: марҚмин сўғдча мар<марғқўт, ўтлоқ, яйлов. Яғноб тилида марғ-ўт, чорва озуқаси. Сўғд—будда хужжатларида ва сўғд—манихей текстларида марғ—ўтлоқ, яйлов. Авесто тилида мареға—яйлов, ўтзор. Форсча марғ—ўт, алаф; ўтзор, яйлов. Мурғоб шаҳрининг қадимги номи ҳар Марғ бўлган. Ҳозирги Марв марғ сўзининг ўзгарган шакли. Яғнобда Марғтумайн қишлоғи бор. Ўзбек тилининг XIV—XV аср ёдгорликларида ҳам бу сўз қўлланган. Навоийнинг «Вақфия», «Сабъаи сайёр» асрларида марғзор (марғ+зор-сўз+аффикс) ўтлоқ, яйлов, чаманзор.

МАЧАЙ—Бойсун туманидаги қишлоқ. Юқори Мачай, Пастки Мачай, Ўрта Мачай деб бўлинган. Шу қишлоқни кесиб ўтувчи сув—Мачай-дарё (Мачайсой). Мачай—этноним. Форсчада Матчо-Мастчо-Мастчоҳ туман (қишлоқ) бор. Форчадаги бу қишлоқ номи X аср араб сайёҳи Ибн Ҳавқал асарида Масжо шаклида қайд этилган. Мачай-мачайи қадимий Масжо топонимининг ўзгаргани, топоним этнонимга ўтган. Топонимнинг морфема тузилиши мас-мос+жо; мас-мос-тоғ, тоғ, тоғлиқ; баландлик. Мас-мос

компонентли номлар: Саримас (Бойсун), Ўлмас. Ҳаммаси-тоғ, баландлик номлари. Жо—ўрин, жой. Масжо+и-йимасжолик, -т аффикси (с) ва (ж) товушлари кўшилувида орттирилган.

МЕРГАН—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ. Туркий мерган, мўғулча мэргэн—овчи, ўқ отиш устамони; доно, зийрак, касб-ҳунарга нисбат этилган; уруғ номи. Кўнғиротларнинг ойинни бўлимида мерган, мерганча уруғи, кенегас, манғит, қовчинлар таркибида ҳам мерган уруғ номи билан аталган.

МИНОР—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. Қишлоқ марказида баландлиги 21,6м, диаметри 5,4 м минора бор. Бу иншоот 1108—1109 йилларда сарахлик меъмор Али ибн Муҳаммад томонидан қурилган. Қишлоқ ана шу қадимий минора асосида номланган.

МИРҚОРАКЎЗ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Ашурхилват). Қоракўз (қ.)—этноним. Мир Амир исмининг қисқарган шакли. Мирқоракўз—қоракўз уруғига мансуб Амир исмли киши яшаган (бунёд этган) овул.

МИРИШКОРИ—Сариосиё, Шеробод туманларидаги қишлоқ Таркиби миришкор (қ.) (этноним, топоним) Қи—миришкорлик, Миришкор қишлоғидан кўчиб келиб ўрнашган кишилар (бунёд этган, аҳоли маркази).

МИРИШКОР—Олтинсой (Оқарбулоқ). Миришкор—этноним. Улар Деновнинг Қизилжар. Б. Кармишеванинг фикрича, этноним ф. Форсча мир+и+шикор (ов ишлари билан шуғулланувчи, ов беги) бирикмасидан юзага келган.

МИРШОДИ—Олтинсой туманидаги қишлоқ. Миршоди—қишлоқни ташкил этган, ерни ўзлаштирган. Киши исми.

МОЙЖОН—Шўрчи туманидаги қишлоқ (Оқтумшук). Аслида гидроним бўлган: мойқжон. Эроний тиларда оид жон-жан-жом—булоқ, сув манбаи; жилға, ариқ. Гибрид ном. қиёс.: Мойарик.

МОЙЛИХОНА—Шўрчи туманидаги қишлоқ (Янгибозор). Мойли, бойли—уруғ номи. Қуйи Қашқадарё манғитлари Қашқадарёнинг ўрта оқими (Қамаши) саройларининг бойли уруғи мавжуд. Мойилхона—бойли уруғи вакиллари яшайдиган овул.

МОНОГАМИЯ (грек)—никоҳ; якка никоҳлик; бир эрнинг бир аёл билан мустақил никоҳи заминида бирга яшашга асосланган оилавий ҳаёт. Масалан, никоҳи заминида бирга яшашга асосланган оилавий ҳаёт. Никоҳ шаклларида бири бўлиб, ибтидоий жамоа тузимининг емирилиши даврида вужудга келган.

МОНОГТЕИЗМ (грек)—якка худолик, фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони эътироф этувчи диний эътиқод.

МОРХОНА—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Батош). Форсча мор—илон. Илон яшайдиган жой (тепа) деб изоҳлаш тўғри эмас. Форсча -маръо—

яйлов, ўтлоқ; марғ—ўт, алаф ўтлоқ, яйлов. Морхона (марғ>маръхона)—ёзда кўчиб чиқиладиган жой, овул. Қиёс.: Марғмин.

МУҒОЛ—Шеробод туманидаги гузар (Лайлагон). Муғол-мўғал-мўғул-муғул—қадимги туркий қабилалардан бири. В.П.Эдин, Б.Х.Каримшевларнинг фикрига кўра, улар қадимда Марказий Осиёда яшаб, ўша ердан келишган, Моварауннахрнинг турк ва қарлуқлари билан яхши муносабатда бўлганлар. Этноним асосида гузар номи яратилган. қ. Муғалтай.

МУҚРИАРИҚ—Термиз шаҳрига туташ қишлоқ. Мукри—туркман уруғларидан бири. Муклиларга қарашли, улар қазиб келтирган ариқ (бўйидаги қишлоқ).

МУЗРОБОТ—туманидаги қишлоқ. (Хўхман). Эроний тилларда Бузуруг-катта, улкан, буюк. *Бузуруг работ >бузработ>музравот*—катта работ, катта қўрғон.

МУЛАТ (испан)—никоҳсиз бола; қора танлилар билан европаликларнинг аралаш никоҳи натижасида пайдо бўлган авлод.

МУЛЛА—«Мавло» (арабча—«яқинлашган», яқин одам) дан келиб чиққан.

МУМЛОЙХОНА—Шеробод туманидаги қоя. Форсча мум+лой+хона—мумга ўхшаш лойли жой, шифобахш лой (мум)ли ер. Халқ нутқида мимлай-мўмиё. Мумлайхона—мўмий бор жой (қоя).

МУНЧОҚ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Даҳнаижом). Форсча Бурж—қалъа, қўрғон, минора, мезони. Ак аффикси кўшилиб, бурчак>бурчоқ>мурчоқ>мунчоқ тарзида ўзгарган. Мунчоқ (буржҚақ), қалъа, минор (Сибор қишлоқ).

МУРИД (арабча: «эргашувчи», «талаб этувчи», «истовчи») —бирор ишни қилишга жазм ва азму қарор қилган одам. Пир, эшонга қўл бериб, сўфийлик йўлига кирган шахс. Пирнинг шогирди. Бутун ақлу иродасини Аллоҳга қаратиб тариқат сирларини ўрганувчи киши. Муҳиблик мақомидан кейинги мақом

МУРОТҲАЛҚА—Шеробод туманидаги жой. Мурод Абдуллаев Қуллуқшо қишлоғининг ғарбида тўқайзорни ўзлаштириб, янги ер очган, пахта эккан, 1942—1995 йилларда шу ерда бригадирлик қилган. Ҳалқа—тевараги марза ёки уват билан ўралган ер. Халқ биринчи бўлиб кўриқ очган киши шаънига Муротхалқа деб атаган.

МУРШИД (арабча: «йўл кўрсатувчи») —тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх, хожа, устоз. Сўфийлик тариқатларидан бирининг обрўли раҳнамози, пешвоси, устози. Муридларнинг раҳнамолари—пирлар ва эшонларнинг умумий номи.

МУФТИЙ—«Фатво берувчи» «диний кадрлар чиқарувчи» маъноларини англатади.

МЎНГКА—Бойсун, Қумқўрғон туманларидаги қишлоқ. Мўнгка—улкан, йирик, гавдали демақдир. Жуссали кишига мўнгка лақаби берилган. Қўнғирот қабиласи тортурли бўлимга қарашли олтин уруғининг бири—*мўнка*. Уруғ номи киши (лар тўдаси) лақаби асосида яратилган. Қишлоқ эса аҳолининг этник таркибига кўра ном олган.

Н

НАВБОҒ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Оққўрғон). Эроний тилларга мансуб сўз. Номланишида боғнинг янгилиги—бошқа боғга нисбатан кейинроқ ташкил этилганлиги кўзда тутилганда эди, Боғинав бўларди. Нав, нов, нова (сув ўзани, ариқ) сўзининг ўзгарган шакли. Навбоғ—ариқ бўйидаги ёки махсус сув ўзанига эга бўлган боғ.

НАВЖОН—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Зарабоғ). Сўғд. нав—янги, жон—булоқ, чашма, сув манбаи; ариқ; жилға. Форс тили тарихида нов (сув ўтиши учун ковак қилинган ёки уст қисми ўйиб олинган ёғоч мослама) сўзининг сув маъноси ҳам бўлган, тож, новжон—сувли жилға; суви кўп булоқ. Аҳолининг кўчиб келиши билан боғлиқ мевазор, боғ, яъни янги боғ, янги боғ барпо қилганлар.

НАВРЎЗСОЙ—Олтинсой туманидаги дара (Сангардак). Эрон тилларида нав—янги; помир тилларида рўж~руж (Қоришиқ ж товуши)—тепа. Наврўж>наврўз-янгитепа (Янгиқўрғон).

НЕГАТИВ (лотинча—манфий, салбий)—оқишлоқора ёки рангли қисмлари объектнинг аслига қарама-қарши бўлган фото-тасвир.

НЕЛУ—Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Хуфар) Ҳ.Ҳасановнинг фикрича нил (нел)—дарё демақдир. -у эса сув, дарё маъносидаги эрон тилларидан олиниб об (~ов~ав) сўзининг ўзгаргани Нил сўзи дарёнинг бирон табиий (тез оқар, тор тоғ) хусусиятини билдирган деб изохлаш тўғрироқ. Нилий~нили (Зангори) сўзлари билан Нилунинг генезеси бир. *Нилу~нилова~нилоба* тиниқ сувли дарё (жилға). Гидронимда ойкони юзага келган.

НИЛОБА—қишлоқ, Сариосиё тумани. Тўғриси нилоби, яъни «кўк, зангори» демақдир. Нилоби (нилоба) асли сув номи «кўксув».

НИҲОМРУД (Ниҳонруд)—Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи, ҳозирги Тўпаланг дарёнинг ўрта асрлардаги номи. Ибн Рустанинг (X аср) асарларида қайд этилган. Ҳисор тизмаси бағридаги водийлардан бири. *Дараи Ниҳом* деб юритилгани маълум. Амударёнинг ирмоқларидан бири Кофирниҳон

гидронимининг сўнги қисми *ниҳом Ниҳом* сўзининг ўзгарган шакли. *Сўзд. руд—дарё. Ниҳом* тарихий манбаларда вилоят номи сифатида қайд этилган.

НОҒОРАТЕПА—Шеробод туманидаги тепа (Куллуқшо). Ар. Мағора форс тилига *ғор*, *ғорсимон* ўйиқ жой маъноси билан ўтган. Шу маъно икки тилли (ўзбек-форс, форс-ўзбек) шеваларга ҳам ўтган. Халқ тилида мағор (*ғор*) шаклида қўлланади. Ноғоратепа—зиндонли ёки шунга ўхшаш ўйиқлари бор тепа—Ноғоратепа.

НОҒОРАХОНА—Ангор туманидаги тепа. X—XIX аср форс тилида мағора—*ғор*, тоғ ичидаги пана жой. *Ғорли*, *ғорга* ўйиқлари бор тепа—Ноғорахона.

НОВАНДАК—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Узун). Эронийлар тилларида **нов>нав**—янги; *андак ~ кандак ~ хандак ~ ҳандақ* — қазилган жой, тўсиқ сифатида ўйилган чуқурлик. *Хандак~хандақ~қандақлар*—қадимий кўрғон (қалъа) тевараги қазилиб, сув билан тўлдирилган, тўсиқ вазифасини бажарган.

НОВБУР—Бойсун туманидаги қишлоқ (Мачай). Туркман тилида *нобўр—бош ариқ*, анҳор, янги ариқ М.Пенжиевнинг фикрича бу сўз *форсча* Новбур сўзининг варианты. *Бур~пур* кўп, мўл, катта. Новбур~новпур—кўп сувли ариқ, катта ариқ.

НОВЛЎЛИЁН—Бойсун шаҳри ёнидаги қишлоқ. *Форсча* изофа нов+лўли+ён. Нов—жилға, ёгин сувлари оқадиган қор ва кичик сой. *Лўли-кўчманчи* ҳинд қавми. -(й)он кўпчилик, жамлик аффикси. Новлўлиён—лўлилар яшаган сой, жилға (ёнидаги қишлоқ).

НОВОБОД—Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Узун) *Форсча* нав (>нов) —янги; обод—овул, қишлоқ, ўзбекча янги қишлоқ номининг форсча варианты. *Обод* сўзи форс ва ўзбекча қишлоқ, шаҳар номлари ясовчи актив топоформант. Янги-нав сўзлари қишлоқнинг вақт (давр) билан боғлиқ белгисини билдирган. Янги обод—кенг тарқалган атама. Новобод—бошқа минтақада учрамайдиган ном.

НОВШАҲАР—Ангор тумани темир йўл бекати, қишлоқ. *Форсча* шаҳр+нав (Янги шаҳар) изофаси ўзбекчалаштирилган сўз бирикмасига айланган. Баъзан янги шаҳар тарзида ҳам қўллашади.

НЎҒАЙ—Жарқўрғон шаҳридаги эски қишлоқ. Нўғай—уруғ номи, Қўнғиротларининг қанжиғали бўлимида 14 уруғнинг бири. Қадимги туркий уруғлардан бири. Қозоқ, Қорақалпоқ, Бошқирт, Ўзбекларнинг турли қабил ва унинг тармоқлари таркибида нўғай уруғ қайд қилинган. Б.Х.Кармишева кесамирларинг, Хоразм қўнғиротларининг ва Жанубий Ўзбекистон дўрманларининг гурдак бўлимида нўғай уруғи борлигини аниқлаган. Зарафшон қипчоқларининг тўғузурув бўлими таркибида ҳам чолнўғай уруғи

бор. Нўғай этноними дифференциялашиб, унга чол сўзининг кўшилиши нўғай уруғларининг бошқа тармоқлари ҳам борлигидан далолат беради. Нўғай деган киши исмлари ҳам бор. XIII асрнинг биринчи ярми XIV асрда Олтин Ўрда туман бошчисининг исми Нўғай бўлган. Нўғай—тотем. Хозирги Мўғул тилида нохой ит деган маънони англатади. Жаркўрғонда Нўғайшоҳ, Нўғайариқ топонимлари бор. Барча қўнғиротларнинг шу уруғи билан боғлиқ.

НЎҒАЙКОН—Бойсун туманидаги қишлоқ. Қўнғиротлар қанжиғали бўлимига тегишли уруғ—нўғай. Кон—ош тузи қазиб олинадиган жой. Нўғайлар яшаган жойдаги туз кони—*Нўғайкон*.

НЎҒАЙКЎК—Бойсун туманидаги адир. *Кўк*<*кўҳ*-тоғ; баландлик. Нўғайлар яшаган жойдаги тоғ (баландлик).

НЎҒАЙШОҲ—Жаркўрғон туманидаги ариқ. Қўнғиротлар нўғай уруғи вакиллари томонидан қазилган ва шулар яшайдиган жойларни сув билан таъминлаган ариқ, нўғайларнинг ариғи.

О

ОБГИРАК—Сариосиё туманидаги жой (Дарбанд). қ. Обгир.

ОБГИР—Бойсун туманидаги гузар (Сайроб). Обгир—эроний тилларга оид сўз бўлиб, ҳовуз, катта ҳовуз, сув тўпланадиган ва сақланадиган жой (чуқур). Дарё ва анҳор қуйиси ҳам обгир дейилган. Обгир—ҳовуз, кичик йўл демакдир. Гидронимдан гузар номи юзага келган.

ОБДАСТА (форсча—сув ва даста)—офтоба, рўзғор буюми, юз-қўлни ювишда ишлатиладиган идиш. Обдаста—бўғзи узун ва тор, қуйиш қисми (қорни) кенг, баъзан тубида чамбараги бўлади.

ОБЖУВОЗ—Сариосиё тумани (Узун). *Обжувоз*—шолининг пўстини олиб истеъмол учун яроқли қиладиган, сув кучи билан ҳаракатланадиган қурилма, дастгоҳ—обжувоз. Шу қурилма ўрнатилган жой обжувозхона, обжувоз дейилган, унга сув келадиган ариқ—обжувозариқ. Ана шу ишлаб чиқариш дастгоҳи ёнида бунёд бўлганлиги учун қишлоқ Обжувоз деб аталган.

ОБЖЎЯК—Шеробод туманидаги жой (Зарабоғ). Форсча об+и+жўй+ак—дарё ёнбошидан ёки унинг қирғиғи юқорисидан ариқ (ча) орқали оқадиган сув.

ОБИЗРАНГ—Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи. *Форсча* изофа об+и+заранг. *Заранг*—тоғда ўсувчи қаттиқ ёғочли секин ўсадиган дарахт; узоқ йиллар ҳайдалмаган, ўзлаштирилмай тупроғи қотиб кетган қаттиқ ер. *Форсча зароган (зароганг)* (қаттиқ ер, қумли жой, заранг ер) сўзининг содалашган шакли—*заранг*. *Обизаранг*—дара суви, тошлоқ ичидан оқадиган сув.

ОБИНАРГАЗ—Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Газарак). Форсча изофа об (сув; жилға; кичик дарё) Қ и (боғлама) Қнард~нарт+газ~каз<хас~кас. *Сўғд.* хас~хаш~хос~хош—булоқ, анҳор, ховуз. *Обинаргаз*—бандли анҳор кесиб ўтган (ёки ёнидаги) қишлоқ.

ОБИШИР—Шўрчи тумани. форсча— «сут сув». Сутлибулоқ суви.

ОБОДОН—Шўрчи (Жалойир), Денов туманидаги қишлоқ (Анбарсой, Юрчи), *Форсча* обод (кўл, ховуз, тўпланган сув) сўзининг диалектал шакли. Баҳордаги табиий ёгин сувларидан ўпланиб қолиб, ёз ўрталаригача қурмаган сув обдон (сув йиғилган жой) деб аталган. Ана шундай сув манбаи ёнидаги қишлоқ-Обдон>Ободон.

ОБШИР—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Вахшивор). Эроний тилларга дахлдор: Об-и-шир форсча изофа, шир эроний (помир) тилларида тоғ, баландлик демакдир. *Овишир* (бо+ и+шир >Обишир) тоғ юқорисидан бошланган дарё, қор ва муз сувлари билан тўйинадиган сув. *Форсча* бошор-шаршара, шалола; сувли, суви кўп (пуроб); *афғонча* абшар—шаршара, обшор—шаршара. Қишлоқ номига гидроним асос бўлган. Қишлоқ Даҳана Обшир, Чуқур Обшир деб иккига бўлинади. *Даҳана Обшир* (<даҳана+йи Обшир)—Обшир дарёсси бўйидаги дара, тоғнинг тор қисик жойида жойлашган қишлоқ. *Чуқур Обшир*—Обшир дарёсининг сой ичидаги паст,бошқа қисмига нисбатдан халқоб жойида ўрнашган қишлоқ. Иккаласи ҳам жойлашиш ўрнига кўра номланган. Сирдарёнинг ирмоқларидан бири Обшир бўлган. У Фарғона водийси—Аровон, Исфайрам, Қува атрофида жойлашган.

ОВЧИ—Олтинсой тумандаги қишлоқ (Дуғоба). А.П.Хорошхиннинг кўрсатишича, овчи—ўзбек уруғларидан бири. Этноойконим.

ОИЛА ЖАМОАСИ—патриархат даврида хос катта патриархал оилага уюшган кишиларнинг хўжалик, ижтимоий ва ғоявий уюшмаси. Этнографик дала адабиётларда оила жамоаси, уй жамоаси, патриархал уй жамоаси, катта оила деган бошқа номларга ҳам эга.

ОЙБАРАК—Олтинсой туманидаги қишлоқ. (Сина). *Ой*—туркий сўз, ўй (чуқурлик, чуқур жой) лексимасининг ўзгаргани, қадимий шакли *Ўйнарак*. *Ўй* лексимаси топонимика сатҳида қўшилган. *Сўғд* тилида паршак—қўрғон, қалъа, тевараги девори билан ўралган кўра. *Ойбарак*—чуқур жойда ўрнашган *Барак~Парак* қишлоғи.

ОЙИННИ—Шеробод туманидаги қишлоқ. Жанубий Ўзбекистон кўнғиротларининг тўртинчи бўлими—ойинни. Баъзи манбаларда ойинли. Сўнгги компоненти -ни (<-ли) аффикси белги-хусусиятни билдиради. Ойин сўзи тарихан ясама ойқин. Ой сўзли этнонимлар аймақ, ойтамғали (Зарафшон қипчоқлари жетиуруларининг бир уруғи). Бошқирдларда айлў,

айле уруғи мавжуд. Р.Г.Кузеевнинг ёзишича, бу уруғнинг аждоди Ўрта Осиёдан, сарт-айле уруғиники эса Сирдарё орқасидан келган. Айле, айтамғалў, сўзлари бир этнонимнинг вариантлари. Бу этноним ай тарзида фақат бошқирдларда қўлланади. -н-ин аффикси ҳам белги, хусусиятни билдиради, яъни ойли, ойга ўхшаш тамғали демакдир. -ўн-ин аффиксининг маъноси унутилиб, сўз ўзагига бирикиб кетгач, шу маънодаги -ли аффикси қўшилган: айҚўн-айлиў (ойтамғали, ойли). Б.Кармишева айўнни (айўнлў), айлў (айле, айнў) этнонимининг асосида ай (ой) сўзи туради, бу уруғнинг тамғаси ярим ой, ўроқ шаклида эгик бўлган деб ҳисоблайди. Бу ҳақиқатга яқин. Тамға асосида кишилар тўдаси номланиб этноним яралган. Аҳолининг этник составига нисбат этиш натижасида қишлоқ номлари юзага келган.

ОЙИННИШОХ—Шеробод туманидаги ариқ (Куллуқшо). Форсча шох-анҳор ёки каналдан ажратилган кичик сув йўли, ариқча. Ойиннилар томонидан қазилиб, улар яшов жойларини суғоришга хизмат қилган ариқ. Яна бир сўв йўли Ойинниарик деб аталган. Иккаласининг маъноси бир хил, сўнгги компоненти қайси тилга оидлиги жиҳатидан фарқ қилади. Шох—форсча, ариқ—ўзбекча Шерободда Ойинниқудук гидроним ҳам бор.

ОЙКУМЕН (грек)—жойлаштириш; ер шарининг баъзи қисмларига одамларнинг дастлабки жойлашуви.

ОЙНАРИҚ—Шеробод туманидаги ариқ (Куллуқшо). Ойн<ойин<ойинни этнонимининг соддалашгани: ойинниларнинг ариғи.

ОКС, ОКСУС— Юнон тарихчиси Геродот ўзининг «Тарих» асарида милоддан аввалги V аср манбаларига таяниб Амударёни Аракс деб атаб, ушбу дарё Матиен тоғларидан бошланади деб ёзади. Юнон манбаларида Аракс, Окс, Оксус деб изоҳланса, Туркий манбаларда Ўкуз деб изоҳланади.

ОЛАЧОПОН—Бойсун туманидаги қишлоқ. Олтинсой туманидаги эски қишлоқ. Икки морфемадан иборат: *оло+чопон* (<чобон). *Чопон*—авра билан астар орасига пахта солиниб қавилган, иссиқ устки кийим. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлаштирилган. Ҳ.Шариповнинг аниқлашича *чопон*—сўзининг қадимий шакли—*жубба*. XV аср ўзбек тилида *жубба*-бўйи, енги узун кенг тўн; жангда киядиган кийим; яқтаксимон узун кўйлак. Навоий асарларида *тўну жубба* (синоним), *куртка жубба* бирикмалари бор. *Жубба синжоб*—қизил тулки (синжоб) терисидан тикилган пўстин. Ўрта Осиё ва Шарқ армиясида симдан тўкилган махсус уруш кийими—*жубба*. Авра-астарли, ичига пахта слиб қавилган кенг ва узун махсус чопон ҳам-*жубба*. *Жубба* мўйна ва теридан қилинган. Араб ва форс тилларида фонетик шакли ва маъноси қарийб бир хил. *Ар. жубба*-кенг енгли устки кийим. *Форс жуббе*—кенг, енгли устки кийим, халат. Бу сўз бир қатор славян ва роман-герман тилларида ҳам учрайди. Украин ва полякларнинг уст кийими *жупан* деб

аталган. Рус тилида *жупан*—кафтан (чакмон) сингари устки кийим, поляк тилидан ўтган, полякча *зупан* эса итальян тилидан ўзлашган. Қадимги рус ёдгорликларида XV асрдан бошлаб қайд этилган. Рус тилининг этимологик луғатларидан маълумки, *зипун*, *шуба*, *юбка* сўзларининг генезиси ҳам *жубба* сўзига боғланади. *Зипун*—деҳқонча уст кийим. Бу сўз рус тилига грек тили орқали итальян тилидан ўзлашган: грекча *зипони* (куртка, кофта), итальянча *зуппоне*. *Жупан*, *зипун*-айнан бир хил маънога эга. *Шуба* сўзи грек тилидан немис тилига *шубе* тарзида қабул қилинган. Немис тилида *шубе*-узун ва кенг уст кийим, у аслида араб тилидаги *жубба* сўзининг итальян тили орқали ўзлашган шаклидир. *Юбка* сўзи ҳам шу сўзга дахлдордир. Ҳ.Шарипов *чопон*, *зуппи* (пахта солиниб қавилган, калта кийим ёки болалар чопони) сўзлари маъноси турлича бўлса генезиси ҳам бир эканлигини кўрсатган. *Жубба* сўзининг *жупан*, *шуба*, *зипун*, *юбка*, *зуппи* тарзида ҳар хил фонетик қиёфада шаклланиши турли тилларда юз берган. *Чопон жупан* сўзининг варианты. *Чопон* дастлаб «Бобурнома»да қайд этилган. Муқанна ғояларининг тарғиботчилари, у бошлиқ халқ кураши иштирокчилари оқ кийим ва оқ туф (байроқ)ли бўлганлиги маълум. Ҳарбий кийимнинг бир рангда бўлиши стратегик-сиёсий аҳамиятга эга. *Оқтўнли*, *оқтуғли*, *олачопонли*, *оқчопонли* сўзларининг яратилиши Ўзбекистон халқларининг ҳарбий-сиёсий турмуши билан боғлиқ. *Чопон* дастлаб қарбий хизматдаги кишилар кийими бўлган. *Оқтўнли*, *оқтуғли*, тарихан бир сўз, дастлабки варианты *оқтуғли* *оқтуғли*>*оқтўғли*>*оқтўнни*. Бунга нисбатан (қиёс) қилинадиган ҳарбий кийим *қўктўнни*<*қўктуғли*. *Олачопон оқтуғли* сўзининг яратилиши билан боғлиқ, иккаласи бир даврда юзага келган. *Олачопон*—ҳарбийлар кийими, кишилар гуруҳига лақаб бўлиб қолган. Яратилиш даври VIII—X асрлар. Жалойирларнинг *қорачопон* уруғи, шунингдек, *оқтўнни*, *оқчопон*, *олачопон* деган уруғлар ҳам бўлган. Этноним топонимга айланган.

ОМБОРСОЙ—Бойсун, Денов туманларидаги сой. *Омборқсой* морфемаларидан иборат. *Форсча об бур*>*оббур*>*оббор*>*омбор*. *Омборсой*—сув ўйган жой (жар, ғор, вйик, ўпқон, ёйик)лари бор сой (водий). *Анбарсой* деб ёзиш тўғри эмас.

ОМОНХОНА—Бойсун туманидаги қишлоқ (Паданг). *Омон*—киши исми. *Форсча хона*—уй, ҳовли кўрғон, овул, қишлоқ. *Омон* деган кишига қарашли қишлоқ.

ОННАЛИ—Бойсун туманидаги адир (Сарғамиш). қ. *Арнали*.

ОРОЛЛИ—Термиз туманидаги қишлоқ. Оролпайғамбар (ёки Пайғамбар ороли) қирғоғида жойлашгани, қадимда амударё қишлоқнинг икки томонидан оқиб ўтгани учун шундай аталган. *Оролли*—ороллик, оролда яшовчи, сув ўртасидаги баланд қурғоқликда турувчи (лар қишлоғи).

ОРОЛПАЙҒАМБАР—Термиз шаҳри жануби-ғарбидаги, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги орол, заповедник. *Форс* изофа *орол+и+пайгамбар*—пайгамбарнинг ороли. *Пайгамбар*—хабар етказувчи, дарак берувчи. *Пайгом*-хушхабар, башорат, хабар етказувчи. Бу—халқ изоҳи. *Пайгамбар* аслида *сузд тилида пай ~ пой + Анд ~ канда + пар ~ пир ~ пур. Кандапур ~ кандапир ~ кандапар* бирикмаси соддалашган: *кампар~кампир~кампур*, унга қуйи маъносидаги *пай~пой>по~па* сўзи қўшилгач, сўзнинг шакли ўзгарган: *пой кампар ~ пайи кампар > пайхамбар > пайгампар > пайгамбар. Кандапар~кандапур*—тевараги девор билан ўралган қалъа демакдир. Кўпинча харобага айланган шаҳар, қалъа ўрни шундай аталган. *Орол*-туркий сўз.

ОТҚАМАР—Денов туманидаги камар. *От+қамар*—қўшма сўз, жойнинг рельефига асосланиб ном берилган. Тоғолди туманлари аҳолиси асов отларни тутиш учун бир чеккасида кириш йўлаги бўлган, теваараги зов, тик жарлик ёки баландликлардан фойдаланади. *Отқамар*—тевараги тик баландлик бўлган, тор йўлакчи пастқам жой.

ОТЧОПАР—Термиз, Ангор. Кенагас қабиласининг кичик бир уруғи номи. Кўпкари (улоқ) чопиш учун қулай жой.

ОХШИҚ—Термиз туманидаги қишлоқ. Термиз тумани марказидаги туркманларнинг *ших* деган уруғи бор. Шихларнинг бир тармоғи *оқших*. Ших этнонимининг *шайх (ар.)*га муносабати йўқ. Қўнғиротларнинг ойинни бўлимидаги бешбола уруғининг бир тармоғи *оқших*. Қўштамғали (қўнғирот) бўлимининг бир шохобчаси *шиқбачча* (яъни шик~ших группасига мансуб кишилар бирлиги). Шерободнинг Қорабоғ қишлоғида яшовчи чағатойлар 15 группа (тўда ёки авлод)дан иборат. Шулардан бири—*шихлар. Шихназар* деган Қўнғирот (ойинни)лар уруғининг бир тармоғи (уруғининг бўлими) ҳам бор. Минг қабиласига оид уруғлардан бири ҳам *оқших* деб аталади. Қишлоқ номига этноним асос бўлган.

ОЧАМАЙЛИ—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ. Жарқўрғон туманидаги жой, қ. Ачамайли.

ОЧАМАЙШОХ—Жарқўрғон туманидаги ариқ. *Очамай < очамайли ~ очамайли*—қўнғиротлар вохтамғали бўлимининг бир уруғи. *Шох*-ариқ, ёнариқ, асосий сув ўзанидан чиқазилган ёрдамчи ариқ. *Очамайшоҳ*—очамай уруғини сув билан таъминлаган ариқ.

ОШХОНА—Бойсун туманидаги туркий камар (ғор): камар яқинида мозор (зиёратгоҳ) бўлган: камар овқат тайёрлайдиган жой.

ОҚАРБУЛОҚ—Шўрчи, Олтинсой туманидаги булоқ, адир; Денов, Шўрчи туманидаги қишлоқ. Доимо оқиб турадиган сувининг миқдори кўп бўлган булоқ, шундай сув манбаи ёнидаги—Оқарбулоқ.

ОҚДАРА—Шеробод туманидаги дара (Зарабоғ). Ёзда ҳам суви қуримайдиган, оқар сувли дара, сув ўзани.

ОҚЛАР—Ангор, Денов туманларидаги қишлоқ (Илонсой). Деновда *Оқларариқ* гидроними бор. *Оқ*—туркман уруғи. Туркманистоннинг Гарригала туманида *Оқ* деган қишлоқ бор. Ўзбек халқининг уруғ, уруғ бўлимлари номи ва патронимлар таркибида *оқ* сўзи кўп такрорланади: *оқмангит, оқших, оқпичоқ, оққўйли, оқтўнни, оққалтак, оқсори, оқтамғали, оқчепкан, оқтона, оқчонач, оқтеллак, оқбўрбой, оқвой*. Бу тип этнонимлар кўпчилигининг зид номлари ҳам бор: *қорамангит, қорақалпоқ, қорателлак, қорақўнғирот, қорақуччи, қоратўнни (қўктўнни), қорақўйли, қоратона, қорақалтак, қоратичоқ* ва ҳ.к. Туркманжузларнинг *оқ* уруғига мансуб қишлоқ *Оқлар* деб аталган.

ОҚМАТА—Шеробод туманидаги булоқ. Дастлаб *оқма+ота* тарзида бўлган. *Оқма*—суви доимо оқиб турадиган илоҳий тус берилган.

ОҚНОВ—Бойсун туманидаги тоғ. *Оқ-оқмоқ* феълидан. *Нов, нова*—сув оқишиш учун қилинган мослама. Тоғлик туманларда *нов, нова*—арик; сув йўли, қўлда ясалган сув ўзани. *Оқнов*—ҳамиша сув оқиб турадиган сув ўзани.

ОҚОЛТИН—Музработ тумани. Топонимияда *Оқ олтин* пахта етиштириладиган жой, пахтакорлар макони демакдир.

ОҚСОЙ—Шеробод туманидаги сой, жилға. *Сой*—икки ён томони тоғ тизмаси, қир, чўзиқ баландлик билан ўралган чуқур, чўзиқ жой, водий; ана шундай жойда оқадиган ирмоқ, жилға, сув йўли. *Оқ оқмоқ* феълидан. *Оқсой*—доимо сув оқиб турадиган сой.

ОҚСУВ—Олтинсой тумани. Тентаксойнинг ирмоғи; Олтинсой туманидаги қишлоқ. *Оқ-оқмоқ* феълининг ўзаги. *Оқсув*—доимо оқиб турувчи дарё. *Оқ* (сувнинг рангига ишора) *сув*—бўтана сув, оқиш рангдаги сув. *Оқ-тўйиниш* манбаи, яъни *оқ* қор билан қопланган тоққа ишорани англатади. *Оқсув*—тоғ қорлари, музликлари билан тўйинадиган сув. *Оқ*—сувнинг миқдори ва оқиш тезлигига ишора. *Оқсув*—кўп сувли, тезоқар дарё. Дарё бўйидаги ёки дарёдан ажратилган йирик анҳор (арик, канал, банд) ёнидаги аҳоли марказлари—*Оқсув*.

ОҚТЕПА—Шеробод, Жарқўғон туманларида шу номдаги тепаликлар мавжуд. Аслида ороним тарзида пайдо бўлган. Академик Я. Ғуломов аниқлашича, «эрамизнинг IV—V асрларидан бошлаб Ўрта Осиёнинг барча воҳаларида суғориш каналларининг устида ва экин далалари ўртасида деҳқонларнинг хом ғиштдан қурилган кўшклари вужудга келади, уларнинг харобалари ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, уларни тепа, оқтепа ёки та деб атайдилар». Оқтепа-баландлик жойда бунёд этилган қадимги қўрғон ўрни.

Оқ сўзи бу ўринда ҳам каттабаланд, юксак маъносига эга. Оқ тепаён-атрофида шу типдаги бошқа баландликлардан ҳажман катта бўлган тепа.

ОҚТОШ—барча тоғлик туманлардаги қишлоқ, баландлик. Музработ, Ангор, Денов туманларида Оқтош қишлоқлари 1950-йилларда бунёд бўлган. «Табиатда юзлаб минераллар ва жинслар оқ рангга эга. Бироқ жой Оқтош, Ақтастў номи билан аталган бўлса, у ерда кварц борлигини кўрсатади. Шу билан бирга фақат кварцни эмас, таркибида кўрғошин, олтин ва бошқалар бўлган рудани, анча бой, саноат аҳамиятига эга кон мавжудлигини кўрсатади». *Оқтош*—кварцга бой жой, саноат аҳамиятига эга бўлган тошли ер.

ОҚТОШОБОД—Музработ туманидаги қишлоқ. Оқтошликлар янги ерларни ўзлаштириш учун кўчиб бориб эски қишлоқ номини қўйганлар. Обод топоформанти қишлоқ демакдир. *Оқтошобод*—янги Оқтош қишлоғи.

ОҚТУМШУҚ—Шўрчи туманидаги қишлоқ. *Тумшуқ*—тоғ бурни, бўртиб чиққан дўнглик, йирик баландликнинг қиррали томони. *Оқ*—катта, йирик. Ана шу жойдаги қишлоқ—*Оқтумшуқ*.

ОҚТУПРОҚ—қишлоқ, Бойсун тумани. Каолин (чиннигил), бу тоғ жинслари оқ тупроқ (оқ тупроқ) дейилган. Геолог Р.А. Мусин Оқтупроқ деган ерларда олтин бўлади деб ҳисоблайди.

ОҚТЎННИ—Оқтўнни < оқтўнли — этноним, Шерободнинг Қуллуқшо қишлоғида яшовчи ойиннилар оқтана ёки оқтўнни ойинни, қоратана ёки қоратўнни ойинни деб иккига бўлишади, оқтана ва оқтўнни этнонимларини маъно ва вазифасига кўра фарқлайдилар. Этноним ойконимга ўтган.

ОҚЧАҲАК—Бойсун туманидаги дара (Сарғамиш). Оронимияда *оқ*-баландлик; *оқ* тупроқли дўнглик. *Чоҳак*<*чоҳҚак*—чуқурли кудуқча. *Оқчаҳак*—кудуғи бор баландлик (ёндаги дара).

ОҒЗИКЕНГ—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ. (Оққапчиғай); Аслида гидроним. Ташлаб кетиш натижасида оғзи нураб қолган, лекин ичида суви бор бўлган кудуқ. Оғзикенг—оғзи кенг кудуқ (ёнидаги қишлоқ).

ОҚҚАПЧИҒАЙ—Олтинсой туманидаги қишлоқ. Дара, сой. Топономияда *оқ* сўзининг маънолари кўп: оқмоқ феълининг ўзаги; қор билан қопланган (тоғ) баланд, юксак (тоғ); қор сувлари билан тўйинадиган (дарё, сув); катта (баландлик); суви қуримайдиган, ёзда бўтана бўлиб оқадиган (сув, дарё). *Қапчиғай*—Мўғул, бурят, қозоқ, қирғиз тилларида—қоя, чўққи, баландлик; дара, тоғ тизмалари ё қирлар орасидаги чуқур сойлик, сув оқадиган танги. Жанубий Ўзбекистонда *Қапчиғай*—тоғ бағридаги дара, доимо сув оқадиган танги, тоғнинг ёнма-ён тизмаси ёки қир оралиғидаги чуқур сой. Оққапчиғай—тоғнинг қорли чўққилари билан туташган тизмаси оралиғидан оқадиган сой (сув)ли дара.

ОҚҚОЯ—Бойсун туманидаги чўкки (Мунчок). *Оқ*—юксак, улкан, жуда баланд. *Оққоя*—энг баланд қоя.

ОҚҚЎРҒОН—Шеробод тумани (Сеплан), Қўрғон сўзи билан бирикиб жой номи ясаганда оқ сўзининг маънолари: тош, ғиштнинг оқиш ранги; муқаддас; катта, буюк; ҳукуматга қарашли. Оққўрғон—оқ тош, оқиш рангдаги пишиқ ғишдан қурилган қўрғон; оқ тош, оқиш рангдаги пишиқ ғишдан қурилган қўрғон; ҳокимият эгалари яшайдиган муқаддас қўрғон (қиёс.: оқ подшо—яккаю ягона, мутлак ҳукмдор; Оқсарой—муқаддас сарой; оқ уй—муқаддас уй; катта истехком, буюк қалъа.

ОҚПАДАР—Оқ қилиш, ота-она томонидан ўз боласини фарзандликдан маънавий маҳрум этиш.

П

ПАЙКАЛ—Қизириқ туманидаги қишлоқ. (Янгийўл). *Форсча пой* (қуйи, адоқ) ва ўзб. кўл сўзларининг бирикиб ўзгаргани: *пой кўл*>*пойкўл*>*пойкал~пайкал*—қуйидаги кўл (*сув тўпланган жой*). *Пай~пой*<*бой*—катта улкан; муқаддас. *Бой кўл*—катта кўл; муқаддас кўл. *Бой* сўзининг энг қадимий маъноларидан бири—муқаддас, улуғ. *Қиёс.: Мойбулоқ*. Сўнги изоҳ асослироқ.

ПАЛҒАР—Бойсун туманидаги сой, баландлик. Қадимий эроний тилларга хос ном: *палҒар*. Помир микротопонимиясида *бар* (юқори) сўзи кўлланади: *Бархарағ, Барзуд. Сўғд. ғар*—тоғ. Бу сўзнинг чўкки, қоя, баландлик, ёлғиз тепа маънолари ҳам бўлган. *Палғар* < *парғар* < *барғар*—юқори тоғ, баланд тоғ.

ПАЛЕОЛИТ (лотинча—қадимги тош даври). Энг қадимий ибтидоий одамлар хаёт кечирган улкан тарихий давр ҳисобланади. Палеолит қуйи (лик), ўрта ва юқори (сўнги) тош даврларига бўлинади.

ПАНГАТ—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Янгиобод). *Сўғд.* икки морфемали: *панҒат*. Биринчи қисми *пан*<*пар*<*бар*—юқори, баланд. Сўнги қисми аслида *кат* (қўрғон, ҳовли, қалъа, овул, қишлоқ) бўлган, *пар* сўзи билан бирикиб ном ясалгач, сўнги даврларда фонетик ўзгаришга учраган: *паркат*>*паргат~пангат*. *Пангат* (<*паркат*)—юқори қўрғон (қишлоқ).

ПАНЖОБ—Бойсун туманидаги қишлоқ. Аслида гидроним. *Форсча панж+об*—беш сув (жилға, дарёча). Амударёнинг бош ирмоқларидан бири—*Панжоб*, уни ҳам беш дарё (нинг кўшилишидан ҳосил бўлган сув) деб изоҳлашади. *Панж* сўзининг товуш таркиби ўзгарган. Тоғли Бадахшондаги туман, водий номи *Ванж*. *Ванж, Панж*нинг генезиси бир: *Ванж*>*Банж*>*Панж*. *Ванж* ҳам ясама сўз: *ванн+ж*. Қадимги эроний талларда *ван, вана*-дарахт. Шуғнонда *Ванқала* (<қалъа) бор. *-ж*—от ясовчи

аффикс; *-иж~-еж* аффиксли топонимларнинг кўплиги *Ванж* гидронимининг *ван* сўзидан ясалганлигини исботлайди. Демак, *Ванж*— ўрмонли, дарахтли. Ўрта Осиёнинг эроний ва туркий гидрономиясида дарахт, ўрмон билан боғлиқ атамалар йўқ. Бу изоҳни маъқуллаган ҳолда баланд, юқори маъносидаги *вар ~ бар ~ нар* Пасхуф<паст Хуф, Бархуф—юқори Хуф, сўзига *-ж (-еж~-иж)* аффикси қўшилган дейиш сувликларнинг номланиш принципларига мос: *нар ~ бар Қ ж – парж ~ барж ~ банж ~ панж* юқори, юқоридаги. Ёнидаги сувликқа нисбатан ўрни нисбатланган. Панжоб—юқори дарё, юқоридаги сув.

ПАННОМА—Сариосиё туманидаги қадимий қишлоқ (Нилу). Б.Х.Кармишеванинг аниқлашича, 1906 йилда қишлоқ кўллагандан сўнг аҳолиси Нилуга кўчиб ўтган. Номнинг товуш ва морфема тузилиши ўзгарган. Аслида *нар нова (нар ~ бар ~ вар—баланд, юқори; нов~нова—сув оқар нов, ариқ ёки жилга)*, сўз ўзагидаги *рн* товуши ассимиляциялашган ва *в>м*: товуш ўзгариши юз берган: *нар нова >паннова>панноба>паннома*.

ПАРҒУТ—Олтинсой туманидаги жой (Дашновот). *Пар*—юқори, баланд, юксак. *Форсча гут*—улкан тош. *Паргут*—улкан тош; юқоридаги тош (тоғ, баландлик).

ПАСУРХИ—Бойсун тумани. Паст Сурхи (кўй сурхи), сурхи сўзи форсча *қизғиш—қизғиш тепалик* номи. Баъзилар бу номни «қизил дўнгнинг орқа томони» деб тушунишади.

ПАТАС—қишлоқ, Бойсун тумани. Жилон тамғали (илон тамғали) қабиланинг *патас* (потос) деб аталган.

ПАТРИАРХАЛ (лотинча, грек)—ота ҳокимияти. Оила ва жамиятда отанинг ҳукмронлиги. Ота уруғи ибтидоий жамоа тузумида матриархат—она ҳукмронлик қилган даврдан кейинги оила хўжалиги. Оталик даври синфий жамият ва давлатнинг вужудга келиши арафасидаги даврдир.

ПАТРИЛОКАЛ (лотинча)—эр-хотиннинг эр гуруҳига келиб жойлашуви.

ПАТРОНИМИЯ (лотинча)—ота номи, ота касби бўйича номланиш; бир отадан тарқалган қон-қардош одамлар гуруҳи.

ПАТТАКЕСАР—Сурхондарёнинг Амударёга қуйилган жойида тарихий манбаларда қайд этилишича 1758 йилда пайдо бўлган қишлоқ номи. Паттакесар қишлоғида дастлаб туркманларнинг Эрсари Уруғига мансуб бўлган ўлам, мукри, бештери, дали, камачи, сурхи, шайх каби авлодлари жойлашган. Патта сўзи-дарё бўйидаги тиканли чакалакзор ўсимлигини кесиб ер очган, яъни патта (туранги) ўсимлигини кесиб, тозалаб очилган ерни ўзлаштириш натижасида пайдо бўлган аҳолининг жойлашган жойига нисбатан айтилган.

ПАХТАОРОЛ—Музработ туманидаги қишлоқ (Бешқўтон). Шеробод чўли ўзлаштирилиши муносабати билан пахтакорлар яшайдиган қишлоқ, пахта етиштириладиган жой маъносида расмий равишда 1970-йилларда қўйилган.

ПАХТАЧИЛИК—Денов туманидаги қишлоқ (Лағмон). 1930-йиллар ўрталарида янги ерлар ўзлаштирилиб, пахтачилик бригадалари ва хўжаликлари тузилган қишлоқ ва хўжалик ана шу ишлаб чиқариш тармоғи шарафига номланган.

ПАШМАКЛИ—Шеробод туманидаги адир (/уржак). Пашмак барги майда, ингичка, шохлари тола-толар, узун, тикансиз ўсимлик. Бу ўсимлик камғоқ ҳам дейилади. Пашмакли-пашмак (камғоқ) ўсимлиги кўп ўсган жой.

ПАШШАХОН—Бойсун туманида сойлик. Паша кўп бўлганидан шундай ном олган.

ПИДАНА—Бойсун тумани. Туркий-пидана «ялпиз», форсча пех-«кег, катта» ва Дана—«омбор, истехком».

ПИЛОБАЗА—Шўрчи туманидаги қишлоқ (Элбаён). Шўрчи бекатининг бир чеккасида ёғоч тиладиган дастгоҳ (пилорама) қурилган, ёнида ёғоч-омбори бўлган. Қурилиш материали тайёрлаб берадиган корхона ёнида янги ташкил бўлган аҳоли маркази Пилобаза (рус.) деб аталган.

ПИТОВ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Омонхона). *Питов-битов*— дара. Водий тоғнинг баланд чўққиси ё тизмаларига бориб бирлашганда, ўтиш имконияти бўлмаган юқори қисми, боши берк жойи питов деб аталган. Қишлоқ жойлашиш ўрнига кўра номланган.

ПОЁНДАРА—Бойсун туманидаги дара (Мачай). *Форсча поён*—қуйи, адоқ, этак. Болодара, Миёндаранинг қуйи томонида жойлашган. Ўрнига нисбат қилиб номланган.

ПОЖУР—Денов туманидаги қишлоқ (Шаҳринав). Эроний тилларга оид изофа поҚиҚжир—тоғ этаги. По—қуйи, этак; -и изофа, жир—тоғ, тош. Сўнги бўғинда и>у товуш ўзгариши юз берган. Помир тилларида жир ~шир~шер-тош, тоғ, баландлик. Пожур—тоғ этаги, қуйиси (да жойлашган қишлоқ).

ПОЙҚУМ—Бойсун туманидаги гузар (Сайроб). *Форсча пой+и+қум*— кумли жойнинг этак томони, қумлоқ, қум тўпланган жой. *Пой+и+хум* тарзида ҳам изохлашади: хум пиширилган тепалик таги, қуйиси.

ПОЛИАНДРИЯ (грек)—кўп эрлилик. Ҳозирги пайтда Тибет халқларида, баъзан Ҳиндистонда ҳам учрайди.

ПОЛИГАМИЯ (грек)—кўп хотинлилик, кўп никоҳлилик.

ПОЛИТЕИЗМ (грек)—кўп худолик, бир неча худога сиғиниш. Синфий жамият вужудга кела бошлаган дастлабки даврларга келиб чиққан худо; жин,

дев, рух ва шу кабиларга эътиқод қилиш. Қадимги Миср, Греция ва Римда кўп худолик мавжуд бўлган.

ПОПУЛЯЦИЯ (лотинча)—халқ, ташқи никоҳга нисбатан кўпроқ ички никоҳ тузиладиган одамлар гуруҳи.

ПОТОС—Денов туманидаги қишлоқ (Анбарсой). Сурхондарё туркман-жузларининг вохтамғали бўлимида *потос*, болохўр, кўса, қарға, йўрға, ёс, тарокли, эгарчи (иярчи) уруғлари бор. Этнонимнинг бош ва охириговушлари жарангли бўлган: *Ботоз~ботос (потос)* ва *батоиш~ботоиш* (уруғноми) генетик жиҳатдан бирдир.

ПОШХУРТ—Шеробод туманидаги қишлоқ. IX аср ёдгорлиги «Худуд ал олам»да Вишгирд-Вишгард. «Вишгирд—йирик шаҳар бўлиб, тоғ ва сахро оралиғида—Чағониён ва Хатлон чегарасида қарор топган». Виш-биш-беш-пиш-пеш—қуйи. Гирд-кирд, ўрта форс ва қадимги эроний тилда киртакомпонентли топонимлар Эрон ва Закавказьеда кенг тарқалган. /арбий эроний тилларга тегишли. VI—VII асрларда Сўғдиёна худудида ҳам бу тип номлар пайдо бўлган, асосан Марв атрофида бўлган. Қадимги эроний тилда кирт—кўрғон. Вишгирд—қуйи кўрғон, Зарабоғга қиёсланган. Шу ном ўзгариб Пошхурт бўлган.

ПУДИНАЛИ—қишлоқ, Бойсун туман. Сурхондарё вилоятларининг бир қанча жойларида ялпиз *пидана* (форсча талаффузда пудина) дейилади.

ПУЛҲОКИМ—қишлоқ, Бойсун тумани. Асли Пулли ҳоким—«Тупроқ кўприк».

ПУШТА—Шеробод туманидаги баландлик (Майдон). Форсча пушта—тупроқ уюми, баландлик, тепа. Ўзбек шеваларида ариқ ё экин майдонларининг четидаги марза, тупроқ уйиб қилинган қирғоқ. Пушта—тепалик, баландлик.

ПУШТИЎРДАК—Бойсун туманидаги қишлоқ. *Ф.*, *форсча пушта+йирўд+ак* изофасининг ўзгарган шакли. *Пушт*—тепа, баландлик, *рўд*—арик, анҳор, *-йи* - изофа *-ак* аффикси кичиклик маъносини билдиради. Ариқ бўйидаги тепа, анҳорча ёнидаги баландлик.

ПУШТУВАРАК—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор), қ. *Пуштиўрдак*. Пушти Ўрдак деб ёзиш хато.

ПЎСТАКХОВАР—Олтинсой туманидаги жой (Миршоди). *Форсча пастак (паст-ак)* сўзининг ўзгаргани: тевараги баландлик билан ўралган, ёнидаги ер юзасидан сатҳи паст жойда бўлган текислик.

ПЎСТИНГУЗАР—Шеробод туманидаги гузар (Қорабоғ). Калтатойларнинг кичик уруғи—пўстин, улар яшайдиган кўча—Пўстингузар.

ПЎСТИНДАРА—Денов туманидаги қишлоқ (Хайробод). *Пўстин* уруғига мансуб кишилар яшайдиган жой.

Р

РАВОТ—Шеробод туманидаги қишлоқ. Гузар тепа. Равот<работ-ар. сўз бўлиб, VIII—IX асрларда форс, ўзбек тилларига ўзлашган. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида карвонсарой, мусофирхона, ўзга юртдан келган кишилар истиқомат қиладиган сарой работ деб аталган. Навоий асарларида работ-карвонсарой, мусофирхона. Ўзбекистонда работлар шаҳар ташқарисида қурилган, XVIII асрда эса йирик аҳоли марказлари ёнида, бозор атрофида ва савдо йўлларидаги бекатларда қурилган. XIX асрда тўртбурчак шаклида қурилган, битта дарвозаси бўлган кўрғонлар работ деб аталган. Равот сўзининг кўрғон маъноси ҳам бўлган.

РЕКДАШТ—Чағониён (ҳозирги Денов)да қадимий қишлоқ. *Рикдашт* (<рег+дашт)—қумли дашт, қумлоқ, қумли жой.

РЎДАҚЎЛ—Бойссун туманидаги сой (Мачай). *Сўғд. Рўд+ак* ва туркий қўл (сув ўзани) сўзларидан тузилган. *Форсча рўд*—тоғ жилғаси. *-ак* сифат ясовчи аффикс. *Рўдакқўл*—тоғ жилғасининг ўзани, сув оқар йўл.

С

САҒОНИЁН—Денов тумани. Араб манбаларида Сағониён (араб тилида «ч» ҳарфининг йўқлиги боис сўз бошидаги биринчи ҳарф «ч»ни «с» («сод») ҳарфи билан алмаштириб Чағониённи Сағониён деб атаган). Вилоят номини *Сағониён*, дарёни *Сағонруд* деб аташган. Маҳаллий ҳукмдорларни эса «*саганхудот*» деб атаган. Шунингдек, тадқиқотчи Н.А. Маев *Сагханиан* (*Саканиан*), тадқиқотчи В.Григорьев *Саг* сак қабиласининг номи деб изоҳ бериб, Сурхондарёнинг юқори ва ўрта ҳавзаларида яшовчи сак ёки *Оқ хуннлар* яшайдиган вилоятни Сағониён деб атаган. Демак, Сағониён-«Сак (оқ хунн)лар вилояти» деган маънони билдиради.

САИДОБОД—Шеробод туманидаги қишлоқ (Хитой). Саид-Сайд—киши исми, обод-қишлоқ, яъни Саиднинг қишлоғи, Саид ўзлаштирган жой.

САЙРАМ—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Хидиршо). *айн. Сийроқ.*

САЙРОБ—Бойссун туманидаги қишлоқ, Тошкент-Термиз автотрассаси бекати. *Сайр+и+об*—қайнаб чиқадиган сув, қайнар булоқ деб изоҳланади. *Сероб* (суви кўп чашма) тарзида изоҳлаш ҳам мумкин. Булар—халқ ривояти. С.Зуфаров Қозоғистондаги *Сайрам* (Сарём), Шарқий Туркистондаги *Сайрам* ва Бойсундаги *Сайроб* номлари бир асосга эгалигини таъкидлаган. Сайрам шаҳри тарихига оид «Сайрамнома» асарида «...Ҳар ерда икки сувнинг ораси қуруқ ва тошлоқ ер бўлса, они ибрий тили бирла Испижоб дерлар, ҳар ерда *ики* сувнинг орасида тошлоқ ер бўлса туркий тили бирла Сарём дерлар» деб кўрсатилади. Демак, шаҳар номига асос бўлган сўз ер рельефини билдиради.

Икки сув ўзани орасидаги тошлоқ жой—*сарём* ёки *сайрам*. *Сайрам* ясама сўз, сой сўзи билан алоқадор. Барча туркий тилларда *сой*, *сўй*, *чай*—жилға, сув оқадиган ва оқмайдиган водий; кичик дарё, сув йўли. Тува тилида *сай*—майда тош, шағал, сувнинг саёз жойи; *Сайир*—майда шағал тош, қуриб қолган дарёнинг тош билан қопланган ўзани, санглоқ. *Сайиррам*—санглоқ, тошлоқ. Қирғизча *сайанг*—саёз жой, саёзлик; оронимик термин—сув ўртасига кирган жой, бурун. *Сай* сўзидан *сайир*, *сайирдан сайрам* ясалган. Асос ва ясама сўзларнинг маънолари бир-бирига яқин. Тува тилидаги *сай*, *сайир*, *сайрам* қадимги туркий тилидаги *сайрам* сўзининг айнан ўзи. «Девону луғотит турк»да (XI аср) *сайрам сув*—тўпикдан паст оқадиган оз сув, яъни тошлоқда ёзилиб оқадиган сув. Географларнинг аниқлашича, *сайроб*-тоғларда ёмғир кўп ёғадиган серсув жой, водий боши. Кўринадик, *сайрам*, *сайроб*—бир сўз, маъносида эса фарқ бор. *Сайрам-Сайроб*да сўз охирида а>о, м>б товуш ўзгариши юз берган. Товуш ўзгариши *форсча об* сўзига нисбат бериш натижасидир. Демак, *Сайрам*, *Сайроб* дастлаб сув ва баландлик номи сифатида шаклланган. *Сайроб* қишлоғи баланд чўққининг жануби-шарқий ён бағридаги камар ва унинг ёнидаги баландликда жойлашган. Қишлоқ қуйисидан Бойсун дарёси оқади, чўққи суви қишлоқ ўртасида дарёга қуйилади. *Сайроб*—тошлоқ, икки сув оралиғи демакдир.

САЙХОН—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ (Оққапчиғай). Ўзб. *сайхон*—ҳамма томони текисликдан иборат бўлган, очик кенг майдон. Ана шундай майдонда ўрнашган қишлоқ—*Сайхон*.

САЛОВАТ—Саловатни биринчи обод қилган Мирзасолиххўжа номи билан боғлашади. Арабча соли, солих—яхши, улуғ маъносини билдиради.

САНГАРДАК—Сурхондарёнинг чап ирмоғи, қадимий вилоят. Мақдисий (X аср)нинг ёзишича, Чағониён (Денов) билан Сангардак қишлоғи ораси бир кунлик йўл бўлган. Қишлоқ дарёнинг даладан чиққан жойида ўрнашган. Қадимги Чағониёндан *Сангардак* орқали Кеш ва Самарқандга ўтадиган йўл бўлган. Ибн Ҳавқал (X аср) Кешнинг 16 вилояти сирасида ички ва ташқи *Сангардакни* ҳам қайд этган. Қадимги эроний тилларга оид ном. Морфема таркиби *сангар~сангирҚдак*. -дак шимолий эроний тилларга оид *так~тах~таги* сўзининг варианты. Помир тилларида юкмоқ маъносидаги феълнинг асоси—*так*, айна вақтда дарё, оқим. Осетин тилида *тах*-дарёнинг тез оқар жойи, тез оқиш; *сўзд. таги*—дарё. Қадимда дарё номи бўлган. Биринчи компоненти *сангар-афғонча* тўсиқ сифатида уюлган тупроқ; истехком; қоя, чўққи; *сангер*—тошли; *форсча сангар*—чуқур хандақ; истехком. Сангар—тарихдан ясама сўз: *санг~сан+гар*. *Санг*—тош (тоғ). Қадимги эроний тилда *гар<гард~гирд~кард~кирт~кирд*—қалъа, шаҳар. Ўрта форс тилидаги *карт* қадимги эроний тилда *карта* тарзида бўлган. *Санг*

гард—тош кўрғон. *Санггард*—қалъа номи. Юқоридаги *Сангар* (қ.) сўзи ҳам шу маънога алоқадор. *Сангардак*—Сангард дарёси; Сангард қишлоғи ёнидан оқувчи дарё.

САНГБУЛОҚ—Бойсун туманидаги булоқ (Мачай). Қадимги эроний тилларда *санг*—тош. *Сангбулоқ*—катта тош ёнидаги булоқ; чўққи ё тоғ ён бағридаги сув манбаи.

САНГЧАК—Бойсун туманидаги сув гузари (Сайроб). Форс шеваларида *сангжаҳак*—дарё ё жилғанинг саёз жойида тош териб (қўйиб) қилинган ўтиш жойи, гузар. *Сангжаҳак*>*сангжа:к*> *сангчак*—тош териб қилинган гузар, кечик.

САНГЧИЛ—Бойсун, Шеробод туманлари. Чанчикли; кўнғирот қабиласи; Санчиқўл.

САРҒАМИШ—Бойсун тумани (Инқобод). Қишлоқ одамлари сарик қамиш (сарғайиб қуриб қоладиган қамиш), сар+и+қамиш, сар+қамиш (қамиш кўп ва қалин ўсадиган жой) тарзда изоҳладилар. М. Қошғарийда сарған—шўрток ерда ўсадиган ўсимлик. Бу хил ерлар сарған ер—шўрток ер деб аталади. Қамиш қуриб қоладиган тўқайга сарған қамиш дейилади. Сарған қамиш бирикмаси соддалашган: *сарғанқамиш* > *сарғанқамиш* > *сарга:ғамиш* > *сарга:миш* > *сарғамиш*—суви камлиги туфайли қуриб, сарғайиб қоладиган қамишзор, тўқай. Сарикқамиш, Сарикқамиш.

САРБОҒ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Газарак). *Форсча* изофа *сар+и+боғ*—боғнинг юқориси.

САРДОБА—Бойсун туманидаги адир. *Форсча* *сард+оба: сард*—совуқ, ях, муздек; *об*—сув, -а—от ясовчи аффикс. *Сардоба*—сув иншооти, оқар суви бўлмаган жойларда усти гумбазсимон қилиб ёпилган, таги ва деворлари ғиштдан терилган, сув кирадиган тешиги устида мўриси ва сувидан фойдаланиш учун одам кириб чиқадиган махсус жойи (эшиги) бўлган қадимий сув ҳавзаси.

САРИҚ—Қизирик. Сарик—умумтуркий этноним, туркман, қозоқ, қирғиз, бошқирт, қорақалпоқ, ўзбеклар таркибида қабилла, уруғ, уруғ тармоғи. Қуйи Қашқадарё туркманларининг сарик-сариг-сарў уруғи бор. Қишлоқ номлари этнонимдан ҳосил бўлган. Кўнғиротлар қўштамғали бўлимнинг қорағурсоқ уруғи тармоғи сарик. Жанубий Форсистон лақайларида соричол уруғи, сори, соримраз, соримбачча патроними мавжуд. Қатағонларнинг ҳам сари-сори, сариқатағон, сарибош қатағон уруғи борлиги маълум. Манғит, батош ва бошқа уруғ қабилаларнинг ҳам сари-сарик-сари уруғи бўлган. Сарик сўзи йирик қабилла номларига ҳам қўшилган: сари уйшун, сари уйғур, сари найман, сари қипчоқ, сари қанғли, сари қирғиз, сари нўғай. Бунда сари лексимаси йирик этник бирликнинг уруғи (қабиласи) ё ундан кичик бўлим,

тармоғини билдирган. Этноним тотем асосида юзага келган. Татар тилида сарик—кўй, сарўкчўлик—кўйчилик. В.В.Радлов луғатида сарўк—кўй.

САРИҚАЛЪА—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Сина). Форсча изофа сарҚиҚқалъа—қалъа боши, кўрғон усти.

САРИҚУЛОҚ—Қалок, «қаламоқ», «қурмоқ» сўзларидан олинган, тош териб, қалаб қилинган молкўра.

САРИБАНД—Бойсун туманидаги сой (Сайроб). Форсча изофа сар+и+банд—банд боши, банд усти.

САРИДАРА—Олтинсой тумани қишлоқ (Вахшивар). Форсча сарҚиҚдара—дара боши, даранинг юқори қисми. Қишлоқ жойлашган ўрнига кўра номланган.

САРИЖАР—Сариосиё туманидаги маҳалла (Дашновот). Форсча изофа сар+и+жар—жар боши, жарнинг юқори томони, жар бўйида маҳалла.

САРИЖЎЙ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Хуфар). Форсча изофа сар+и+жўй—арик усти, анҳорнинг юқори қисми. Ўзбекча Ариқусти, Ариқбоши номларининг форсча варианты.

САРИОСИЁ—Сариосиё тумани Сар—«бош», Осиё «тегирмон», тегирмон боши ёки тегирмон юқорисидаги қишлоқ.

САРОРАТ (лотинча)—сингил. Ибтидоий никоҳ шакли бўлиб, агар хотин вафот этса, эр унинг синглисига уйланиш одати.

САРСОНКЎЛ—Сариосиё туманидаги жой (Бойбўри). Сарсон—кўнғиротларнинг кичик уруғ тармоғи, кам-камар, яъни сарсонларнинг камари.

СЕЛГА—Денов туманидаги сой (Илонсой). Арабча сайл—сел сўзи форс ва ўзбек тилларида ўтгач, унга форсча ўрин-жой маъносини ифодаловчи -гоҳ аффикси қўшилган: сел+гоҳ>селга—сел суви оқиб келадиган ва тўпланадиган жой, селхона, халқоб жой.

СЕАНГА—Бойсун туманидаги қишлоқ (Дарбанд). Форсча се(уч)+санг (тош) сўзлари ва -гоҳ (ўрин-жой) аффикси иборат: сесагон>сесанга. Қарши шаҳрининг Чармгар маҳалласи орқали Бишкент ўтадиган катта ариқда уч тош (нов)ли тегирмон бўлган. Сесанга-учта тегирмон жойлашган жой.

СИЁРЕК—Бойсун туманидаги қоя. Форсча сиёҳ—қора (ранг), рек~руг—кум, тош зарраси. Сиёрек—қора кум, қора тош зарралари мавжуд бўлган жой.

СИЁХОБ—XVI асрда Оқсув дарёсининг чап ирмоғи бўйидаги қишлоқ. Форсча сиёҳ (қора)Қоб (сув, дарё)—қора сув, ер ости (булоқ, чашма, сизот) сувлари билан тўйинадиган сув (дарё бўйидаги қишлоқ).

СИЁХРЕГ—Бойсун тумани. Форсча—сиёхрег—«Қора кум».

СИТОРАЖУРИДА—Бойсун тумани дара. Форсча *ситоражурида* — «юлдуз учган», «юлдуз тушган», яъни, «яшин урган» ёки «метеорит тушган» маъносида.

СУРХИ—Бойсун туманидаги қишлоқ, қишлоқ номини А.Баҳодурхонов куйидагича изоҳлайди: *сурхини* (сурқи) ўзбек уруғлари сифатида келтирган.

СУРХОН—дарё. Амударёнинг ўнг ирмоғи; Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. Ҳозир расмий ёзувларда Сурхондарё. Чапдан Қоратоғдарё, Қорасув, ўнгдан Тўполондарё, Тентаксой кўшилгач Сурхон деб аталади. Форсча *сурх-кизил*, қизғиш (ранг)Қон<об-сув, дарё, *сурхоб* кизил сув, қизғиш тупроқли сув. *Сурхи* қабиласи номи билан ҳам *сурхиён*>*сурхонларё дарёси* деб изоҳлашади. Ўрта аср манбаларида у *Чагонруд* дейилган.

СУРХОНДАРЁ—дарё (расмий ном). 1941 йил 6 мартда вилоят номига айланган. Таркиби *Сурхон* (<*сурх+об*)Қдарё Сурхон (қ.) номли дарё.

СУФРАТОШ—қишлоқ, Шеробод тумани. «супра(форсча талаффузда суфра)га ўхшаган, усти текис тош».

СЎХТА—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Сеплан); форсча *сўхта*— куйган, ёнган; куюк, ёниқ; киши лақаби. Сўхта—сўқта-суқта деган кичик уруғи тармоғи бор, чағатойларга қарайди. Қизирикдаги Сўхта қишлоғи аҳолиси Шерободдан кўчиб борган, қишлоғини эски номи билан атаган.

Т

ТАЙПАН—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ. Халқ шеваларида *тайпан* ~ *тайпанг* ~ *тайпақ* — ер сатҳидан бир оз кўтаринки жой. Жойлашиш ўрнига кўра номланган, қишлоқ ялангликда бўлганлиги учун шундай аталган.

ТАКИЯ—Шеробод тумани. (/уржак); Ангорга Шерободдан кўчиб келиб қишлоғини қадимий номи билан аташган. Форсча тайэ, *такия*— хонақоҳ, бутхона, дарвишлар макони. Айн. Хонақа.

ТАЛАШҚАН—Шеробод туманидаги қишлоқ (Ойинни). қ. Таллашқон. Ли: талишҚви. Талиш—қадимги туркий-олтой тилларига хос этноним.

ТАЛЛАКТОҒ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Оққўрғон) форсча изофа талл+и+шайхон (шайхлар тепаси, шайхлар бўладиган хонақо ёнидаги тепа), талл+и—ошиқон (ошиқ-маъшуқлар тепаси) тарзида изоҳлар бор. Ших-шиқ уруғига қарашли маъносида талл+и+ших+он> таллишихон> таллишхон>таллишқон>таллашқон. Сўнгги изоҳ ҳақиқатга яқинроқ.

ТАЛЛАК—Шеробод туманидаги қишлоқ. Тепа. Форсча тал, талл тепа, баландлик, қадимий кўрғон харобасидан пайдо бўлган дўнглик. -ак аффикси кичрайтиш маъносига эга ва сўзни топонимга айлантириш вазифасини бажарган. Таллак—тепача, ёлғиз баландлик, кичик дўнглик, хароба ўрни.

ТАЛЛАШҚОН—Шеробод туманидаги қишлоқ (Оққўрғон). *Форсча* изофа *талл+и+шайхон* (шайхлар тепаси, шайхлар бўладиган хонақо ёнидаги тепа), *талл+и+ошиқон* (ошиқ-маъшуклар тепаси) тарзида изоҳлар бор. *Ших~шиқ* уруғига қарашли маъносида *талл+и+ ших+он* (шихларнинг тепаси) изофасининг ўзгарган шакли: *талл+и+ ших+он>таллишихон>таллишхон>таллишқон>таллашқон*. Сўнги изоҳ ҳақиқатга яқинроқ.

ТАЛЛИМАРОН—Ангор туманидаги қишлоқ. *Форсча* изофа *талл+и+маръ+он* ўтли тепа, тепаси кўк яйлов, майда тепалари кўп бўлган нотекис жой; кўрғон ўринлари кўп бўлган паст-баланд жой.

ТАЛХОДИ—Шўрчи туманидаги сой. *форсча* «аччиқ», «таххир», (тархи об—«аччиқ сув»).

ТАНГРУК—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Маланд). *Рук* эроний тилларга оид қадимий *руд* (дарё, жилға) сўзининг ўзгаргани: тор дарё суви танг ўзандан оқадиган жилға. Гидроним ойконимга ўтган.

ТАРОҚЛИ—Шеробод шаҳри. Қўнғирот қабиласи вохтамғали бўлимининг тароқли деган уруғи бор. Тароқлилар ўтмишда Шеробод дарёсининг ўрта ва қуйи оқимида яшаган. Сурхондарё туркманжузлари жилонтамғали бўлими, Хоразм қўнғиротларининг тароқли уруғи бор. Бу этноним бошқа туркий хлқларда ҳам мавжуд. Бу уруғларнинг тамғаси тароқ шаклида бўлган. Тамғасига кўра уруғ, уруғига кўра қишлоқ, гузар номланган.

ТАСКАНТИ—Шеробод, Қизирик ва Музработ туманларида *Тасканти* деган қишлоқлар бор. Аслида Шерободда *Тасканти* қишлоғи бўлган, 1960-йилларда янги ер ўзлаштириш учун қишлоқ аҳолиси кўчиб тушган, қишлоғи аввалги номи билан аталган. Бу қишлоқ аҳолиси ўртасида *тасканти* деган уруғ ё уруғ тармоғи учрамайди. *Ташканти, Тасканти*—бир этноним, фарк сўз ўзагида (*с~ш*). Этноним ойконимга ўтган.

ТЕГИРМОНТОШ—Денов туманидаги қишлоқ (Майдахўжа). Ғаллани ун, ярма қилиш учун мўлжалланган доира шаклидаги ўртаси тешик, ишқаланадиган томони силлиқ бўлган қўш тош-тегирмонтош. Ана шу тош йўниладиган, ишлаб чиқиладиган жой.

ТЕМИР ДАРВОЗА—Дунёнинг бир неча ерида бор, аслида тор даралар шундай деб аталган: 1.Каспий бўйидаги Дарбанд, Кавказ Темир дарвозаси; 2.Дунай дарёсининг энг тор дара; 3.Ўзбекистоннинг Бойсун тоғларидаги Темир копу («Ўрхун» ёзувларида ҳам тилга олинган).

ТЕРМИЗ—Вилоят маркази. Тарихий манбаларга кўра, Термиз эрамизгача IV—III асрларда пайдо бўлган. Кушанлар даврида (I-III асрлар) маданияти тараққий этган шаҳар бўлган. Ҳофизи Аbru эса Искандар

Зулқарнайн қурган, дейди. X асрдан эътиборан **Термиз** деб аталган. Унгача *Тарамастҳа, Тармита, Тарамита, Тарамата, Тарамат, Тармид, Термиз* тарзида манбаларда қайд этилган. Энг қадимий шакли—*Тарамастҳа* (бактрий тилида—нариги соҳилдаги манзил). Юнон ва Европа халқлари манбаларида *Александрия, Демитриус, Евкродидия номи билан* аталган. Шарқ манбаларидаги тасвирий номи *Шаҳри Сомоний*. Самонийнинг ёзишича, илк ўрта асрларда Тармиз шаклида айтилган. Хитой манбаларида—Тами. XIX аср охирида рус шакли Термиз-Термез-Тармиз. Эрондаги қадимий шаҳар номи Табриз ва Термизнинг генезиси бирга ўхшайди. Сўз ўртасида бр>мр ўтиши юз берган. Озарбайжон тилшуноси М.А. Мамедовнинг фикрича, Табриз-Тебриз<таборҚиз. Табор-табур—этноним, туркий халқ. Этноним ясама сўз; то-тау-тоғ, пар-бар-вар-ар—қишлоқ; жой, юрт: уруғ, қабила, оила. Табор-табур—тоғлик, тоғ халқи; -з-из аффикси эса кўплик, жамликни билдиради. Термиз, Табриз—этнооиконим. Термиз Амударё буйидаги табиий тик қоя, қирғоқ бўйида жойлашган кўрғон. Темир қаби қаттиқмиз, Темирмиз. Термиз темирдек қаттиқ, ёй ўқи, ўткир қилич ўтмайдиган шаҳар маъносида изоҳланиши туркий топонимияга мос бўлади.

ТЕШИКТОШ—Бойсун туманидаги ғор. Ибтидоий одамзод маскани бўлган бу жой тузилишига кўра номланган: тешик—ғор, ўйиқ, тош—тоғ, яъни улкан ғори бор тоғ, ўйиқли тоғ.

ТИЛЛАКАМАР—Бойсун туманидаги қишлоқ (Хўжабулғон). Форсча таллҚиҚкамар изофасининг ўзгаргани: талликамар > таллакамар>тиллакамар. Талл—тепа, баландлик; эски кўрғон ўрнида пайдо бўлган дўнглик. Камар—тоғ бағрида, адирда, қир қаби баландликларнинг ён томонида ўйиқ жой, ботиклик, ярим халқасимон ер. Тиллакамаркўрғон жойдаги тепа. Ороним ойконимга айланган.

ТИЛЛАҲОВУЗ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Оқкўрғон). Тилла <талл<таллак (тепача, баландлик) сўзининг ўрзгаргани: таллакҳовуз>талла: ҳовуз>тиллаҳовуз. Таллак сўзи унутилгач, тилдаги тилло (олтин) сўзига нисбат этишган. Тиллаҳовуз—тепалик устидаги ҳовуз.

ТИРГАРОНБОЛО—Сариосиё туманидаги қишлоқ. Форсча Тиргарон+и+боло тарзида изофа структурасида бўлган. Юқори томонда жойлашган Тиргарон қишлоғи демакдир.

ТИРГАРОНПАСТ—Сариосиё туманидаги қишлоқ. Форсча изофа Тиргарон+и+ паст—қуйи тиргарон қишлоғи.

ТИРГАРОН—Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Хуфар). Форсча тир+гар+он. Тир сўзининг бир неча маънолари бўлган; камон, камол ўқи, отиладиган қурол ўқи; уй болори, устун; Аторуд сайёраси; куз фасли; биёбон; ҳисса, улуш. -гар аффикси касб-хунар оти ясовчи. -он аффикси

жамликни билдиради. Тиргарон камон, милтиқ ва уларга ўқ ясовчи хунармандлар. Таргарон дурадгорлар маъносини ҳам англаган.

ТОҚЧИГУЗАР—Шеробод туманидаги гузар (Шержон, Зарабоғ). Тоқчи уруғи яшаган гузар.

ТОҚЧИЁН—қишлоқ, Сариосиё тумани. Даштиқипчоқдан келган йирик ўзбек қабилаларидан бири тоғлик деб аталган. Тоғчилар асосан Ўзбекистон жанубида яшаган. Сарой қабиласи таркибида *Тоғчи* уруғи бўлган (-ён, -он, -форсча кўплик аффикси).

ТОБАТОШ—Бойсун, Шеробод туманларидаги баландлик, адир. Тобатова-тобатощ-товатощ ярғучоқ тошига ўхшаш, айлана ё бурчак шаклида силлик, юпка тош. Чорвадорлар ундан кўёш иссиғида нон ва гўшт пишириш (ёпиш), ўчоқ ва тандир қуриш, гўшти димлаш, кулбости қилиб пиширишда фойдаланган. Ана шундай тош мавжуд жой—Тобатощ, Тобатощли, баъзан Тоба-Това, тобали, Товали.

ТОЛЛИ—Шўрчи туманидаги туркий—тол-дарахт «тол бор жой».

ТОЛХОБА—Шўрчи тумани. Форсча-талхи—«аччик» «тахир», «Аччик сув».

ТОРТУВЛИ—Денов туманидаги қишлоқ (Юрчи). Жанубий кўнғиротларнинг вохтамғали, кўштамғали, қанжиғали, ойинни, тортувли каби беш бўлими бор. Кўнғиротлар бу бўлимларни ота деб атайди. Б.Х.Кармишева эса уларни қабиланинг бўлими деб ҳисоблайди. Этнонимдан қишлоқ номлари юзага келган. Этноним ясама сўз: тортув+ли. Тамғасига қараб номланган, тамғаси тортуғ (<тўрт туғ) тўрт найзали, шохасимон бўлган.

ТОТЕМ (индейс)—унинг уруғи; уруғчилик тузумининг илк даврида ҳайвонлар ва ўсимликлар турига ёки жонсиз табиат нарсаларига топиниш.

ТОТЕМИЗМ—ибтидоий, диний эътиқодларнинг илк шаклларида бири тотем дейилади. Ибтидоий халқларда ўз қабилаларига асос солган деб ҳисобланган ҳайвон, ўсимлик ва балиқ номи юритилган қабилаларнинг тотем шакли солинган рамзи бўлган. Туркстон халқлари орасида мусича, қалдирғоч, кўк қарға, лайлак каби қушларга озор бериш гуноҳ деб ҳисобланиши ҳам тотемизмнинг қолдиғи ҳисобланади.

ТРАДИЦИЯ (лотинча)—узатиш. Моддий ва маънавий маданият, ижтимоий ва оилавий ҳаёт анъаналарининг рангли равишда авлоддан-авлодга ўтиши.

ТУЗБОЗОР—Бойсун туманидаги қишлоқ (Каприн). Тоғдаги туз конидан олинган яхлид туз сотилгани учун Тузбозор деб аталган.

ТУЗЛОҚДАРА—Бойсун туманидаги дара (Сарғамиш). Тузлоқ—тузли, туз тоши бўлган дара.

ТУЗЛОҚТЎҚАЙ—Термиз т. тўқай, эски қишлоқ (Янги ариқ). Туз— сайхон, текис, текис ер, текислик, фойдаланилмай ётган ер, бўз ер. Тузлоқ- тузлик-кўриқ ер, бўз ер.

ТУМШУҚТОҒ—Бойсун туманидаги тоғ. *Тумишук*—тоғ ё баландликларнинг бўртиб чиққан дўнг қисми. Аслида *тумишуқли тоғ* тарзида бўлган.

ТУПРОҚҚЎРҒОН—Термиз шаҳри атрофида тепалик. 1220 йилда мўғул истилочилари томонидан вайрон қилинган Термиз шаҳри харобаси XIV—XVIII асрларда ҳам бир неча марта вайрон қилинган. Ер қилиб текисланган, вайрон қилинган истехком, тупроққа айлантирилган кўрғон— *тупроқ кўрғон*. Баъзи жойларда бундай шаҳар қолдиғи—*Ерқўрғон*, Ертепа.

ТУТАК—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Тоқчи); ҳам *Тутак* номи бир неча жойда учрайди. О.А. Сухарева, А.З.Розенфельд тут (дарахт тури) и *ак* - тутча, кичик тут дарахти тарзида изоҳланган. XI асрдаги туркий тилида тут— санубар дарахти, тоғда ўсадиган дарахт. *Тут+ак* тит дарахти ўсган жой, титли. *Тутак- тутли, титак-титли*. Ҳар иккаласи ҳам изоҳ варианты ҳисоблаш мумкин. *Тутак* сўғдча сўз бўлиб, ҳарбий ташкилот бошлиғи. У лақаби билан қишлоқ номига айланган.

ТУЯҚИСИЛДИ—Шеробод туманидаги дара, танги. Юк ташиш учун туя транспорти воситаси сифатида фойдаланилган даврда туя ўтолмаган, ўта тор, сиқик жой, даранинг энг танг нуктаси—туя қисилди. Мажозий ном.

ТУЯБЎЙНОҚ—Бойсун туманидаги баландлик (Ашурхилват); Туя— тева сўзининг товуш варианты. Аслида тевабўйноқ. Бўйноқ—ясама сўз: бўйунҚоқ. Бўйун-елка билан бош оралиғи. Географияда тананинг шу қисмига ўхшатиш чўзик баландлик, қирнинг бир кўриниши. XI аср туркий тилда бўйноқ—тоғ бўйни. Туябўйноқ (<Тевабўйноқ) бўйин сингари чўзик баландлик; шу баландлик ёнида ташкил бўлган аҳоли маркази.

ТУЯГУЗАР—Шеробод туманидаги жой (Қуллукшо). Тепали гузар, тепа ёнидаги гузар.

ТУЯГУМ—Олтинсой туманидаги сой (Сина). Туя< тува-тева-тепа ёнидаги чукур (форсча гум—чукур) сув ўзани (жилға) бўлган сой.

ТЎҒИЗ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Қишлоқбозор). Бойсун кўнғиротлари тортувли бўлимининг тўғиз деган уруғи бор. Тўғиз уруғи бир неча туркий халқлар этнонимикасида учрайди. Қозоқ, қорақалпоқ, олтойларда тоғўз (тўғиз) уруғи мавжуд. Бошқирдларнинг ай қабиласи кошсў уруғи таркибида тоғўз деган этник шаҳобча қайд қилинган.

ТЎҚСАБО (т.)—ўзларининг туғига эга бўлган ҳарбий дастасининг бошлиғи (Бухоро VII даражали мансабдор).

ТЎДАЧИ—Олтинсой туманидаги кишлоқ (Оқарбулоқ). Бойсун шаҳрининг ғарбий томонида жойлашган Тўда кишлоғидан кўчиб келганлар *тўдаи, тўдалиқ* деб аталган.

ТЎПҚОРА—Жарқўрғон марказидаги кишлоқ. Қўнғиротларнинг қанжиғали бўлимига қарашли уруғлардан бири—тўпқора. Этноойконим.

ТЎПОЛОН—Сурхондарёнинг чап ирмоғи. Уни тўполон сўзидан олинган, гоҳ кўпайиб, гоҳ озайиб оқадиган, ўзани ўзгариб турадиган дарё сифатида изоҳлаш нотўғри. Дарёни Сурхонга кўшилиш жойини аҳоли Тўполоқ, Тўполақ дейишган. Форсча тўпол-тоғдаги текис майдонча. -ак аффикси кўшилган: тўполак-тоғ бағридаги текис майдондан оқувчи дарё. Аффикси кўшилгач, товуш таркиби ўзгарган: тўполак-тўполоқ-тўполонг:-ак>-ак>-ан>он-онг-анг.

ТЎПОРАРИҚ—Шеробод туманидаги ариқ (Тўпор). Тўпор кишлоғининг ариғи, тўпор уруғи томонидан қазилган ариқ.

ТЎПОР—Шеробод туманидаги кишлоқ. (Хитой). Тўпор—умумтуркий кипчоқ уруғи. қозоқ ва қорақалпоқларнинг ҳам тўпар уруғи бор. Шеробод дарё бўйида яшаган қўнғиротларнинг ойинни бўлимига қарашли уруғлардан бири—тўпор. Аҳолисининг этник таркибига нисбатан ном олган. 1960-йилларнинг ўрталарида тўпорларнинг бир гуруҳи Музработ туманига кўчиб, кишлоғини Тўпор деб атаган.

ТЎҲОРИСТОН («Худудул олам»да Тахористон шаклида битилган)—Термиз атрофларида, Амударёнинг ўрта ва юқори оқимидаги икки соҳили, чегаралари: Помирдан Эронгача, Боботоғдан Ҳиндиқушгача, Қадимги Бақтрия. Тўхор қадимги номи, бу қабила Аму бўйларида тортиб то Қашқаргача тарқалган эди.

У

УЗУН—Сариосиё тумани маркази, темир йўл бекати. Узун—этноним. Қўнғиротлар қўштамғали бўлимига қарашли банди кучук уруғининг кўса, узун, бешоғоч, бойботир, жубув, дамфорин, галамулла, хўжа тармоқлари бор. Этноним ойконимга ўтган. Аслида *узун* чорвадорлар тамғасининг номидир. Чорвадор тамғани олд ва орқа оёққа, хайвон сағрисиغا кўйишган. Уруғ ва унинг бўлимлари тамғасининг шакли, кўриниши, босиш ўрни, миқдорига кўра бир-биридан фарқ қилган ва уш аснода номланган. К. Шониёзовнинг аниқлашига кўра, молларнинг олдинги оёғига тамға босган гуруҳ, уруғ *узун* деб аталган, бошқа уруғлардан тамғасининг чўзиқлиги билан ажралиб турган. **Узун**—кипчоқларга оид этноним. У Зарафшон кипчоқларида ҳам мавжуд, ҳатто қозоқ кипчоқларида ўртажуз, қирғизларнинг бағиш қабиласи

таркибида ҳам узун уруғи қайд қилинган, қирғизларда *узун* чекли тарзда учрайди. Узун туркийи уруғларнинг йирик гуруҳларидан бирининг номи.

УЙБУЛОҚ—Шеробод туманидаги гузар (Пошхурт). Сўзнинг биринчи компонентидаги товуш ўзгарган: ўй>уй. Ўй-ўйилган жой, қазилган чуқур, чоҳ. Уйбулоқ—баландлик остидан қазиб чиқарилган сув. Гидроним гузар номига айланган.

УРБАНИЗАЦИЯ (лотинча)—аҳоли ва саноатнинг йирик шаҳарларда тўпланиш жараёни.

УРУҒ (эски ўзбекча)—кишиларнинг энг қадимги бирлиги бўлиб, қариндош авлод, бир неча ота-онадан тарқалган авлод, кишилиқ жамиятининг ибтидоий жамоа даврига оид. Кейинги босқичи қуйи палеолитгача ўтиш даврига тўғри келиши. Уруғчилик қон-қариндошлиқка асосланган бўлиб, ҳар бир уруғ одамлари бир-бирлари билан хўжалиқ ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлади.

УРУҒ ЖАМОАСИ—ибтидоий жамоа тузумининг асосий ижтимоий-иқтисодий ташкилоти. Унинг илк босқичида асосий матриархат ва патриархатнинг бошланғич давридаги қон-қариндош кишилар гуруҳининг хўжалиқ, ижтимоий ва ғоявий уюшмаси.

УРУҒЧИЛИК ЖАМИЯТИ—ибтидоий жамоа тузумининг ибтидоий гала давридан кейин бошланган босқичларидан бири бўлиб, матриархат ва патриархат даврларини ўз ичига олади. Хўжалиқ ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган қон-қариндошлар гуруҳи бу даврда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмига (ер, ов қилиш, жойлар ва бошқалар) қон-қариндош бўлган кишилар гуруҳи эгаллик қилган.

Ф

ФАРҒОНАГУЗАР—Денов шаҳридаги гузар. Янги ер очиш, кўрик ўзлаштириш мақсадида 1930-йилларда Фарғона водийсидан кўчиб келиб ўрнашган кишилар яшайдиган гузар, маҳалла.

ФОЗИЛКЎЧДИ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Тоқчиён). Номнинг товуш ва морфема таркиби ўзгарган. Фозил—киши исми, арабча сўз. Кўчди эмас, кушта—форсча куштан (сўймоқ, ўлдирмоқ) феълининг ўтган замон асоси—сўйилган, нобуд қилинган, чопилган. Фозилкунта—Фозил сўйилган (нобуд қилинган) жой. Ороним ойконимга айланган.

Х

ХАВЗАК—Бойсун туманидаги жой (Сарғамиш). Гибрид ном, арабча ҳовуз ва форсча -ак аффиксидан ясалган: ҳовузак>ҳавузак>ҳавзак—ҳовузча, ҳовузли.

ХАЙРАБОД—Денов тумани. Туркий—хайр «садақа», майхона, «кўнгил очиш».

ХАЛАКИ—Қумқўрғон туманидаги гузар. Икки морфемали: хала+ки. Форсча -ки-ги-и ва ўзбекча -лик аффиксларининг маъно ва функцияси тенг, мансубликни билдиради. Хала<қалъа-қўрғон, истехком. *Қалъаки*>*қалаки-халаки*—қўрғонлик, қўрғонда яшовчи.

ХАМКОН (ХОМКОН асли туз кон демакдир)—Шеробод туманидаги қишлоқ. Жанубий Ўзбекистоннинг икки тилли шеваларида *тоғ бағирларида чуқур жой, кам, камар, ботиқ жой*. Кон (<ком) сув ўзани, анҳор, йирик ариқ, қазиб оқизилган сув. Хамкон (хамҚиҚкон) чуқур сув ўзани, чуқурликдан оқадиган сув, сувли чуқурлик.

ХАРКУШ—Сариосиё туманидаги ариқ; Катта Ўрадарё шу жойдан бошланади. Хар—сўғдча тоғ маъносидаги ғар сўзининг ўзгарган шакли. Тоғ номларида куш-каш-кеш-киш-кас-кас-хас сўзи кўп учрайди: Ҳиндикуш (тоғ), Қошқар (шаҳар, тоғ), Кашмир (шаҳар вилоят, тоғ), Тангқас (дарё, тоғ), Тангқас (дара, жилға). Куш-каш-кеш—сув айирғич тоғ. Бу сўзнинг икки ёнидан сув (дарё) ўтадиган баландлик, чўққи деган маъноси ҳам мавжуд. Харкуш<ғар куш-кеш—тоғ чўққиси.

ХАТАКИ—Шеробод туманидаги тоғ ичкарасидаги, Олтинсой туманидаги қишлоқ номи. Шу қишлоқдан кўчиб бориб ўрнашиб қолганлар ўзларини хатаклик (Хатаки< Хатак+и) деб атайдилар. Бухоро амирлиги Бойсун беклигига қарашли хатак амлақдорлиги ҳақида маълумот беради. Хатакин номи *хата+кин* қавмларига тааллуқли бўлиб, *Кин* сўзи қадимги туркийча *кун* – «халқ, уруғ» маъноларини билдиради. *Хатакин* – «хата одами», «хата халқи» маъносини англатади.

ХАТАК—Шеробод туманидаги қишлоқ (Хўжаулкан). Форсча шеваларида ғўд-улкан думалоқ тош. -ак аффикси мавжудликни билдиради. ғўдҚакҚғудак-худакхутак-хатак—улкан тошли; қояли.

ХАТИБ ҚАҲРАМОН—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Узун). *Хатиб* қишлоғидан кўчиб келган қаҳрамон уруғга мансуб кишилар қишлоғи. Қаҳрамон қишлоғи иккига бўлинган: Қизил қаҳрамон, Хатибқаҳрамон.

ХАТИБ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Узун). Хатиб-Хатип икки қисмдан иборат: хат+иб-ип. Сўғдий тилида бу аффикс кўплик маъносини билдирган, топонимлар ясалган: *Водиф, Ланглиф, Муждиф, Пакиф, Рогиф, Ишиф, Чориф, Ғудиф, Фатмев* (Зарафшон бўйида). Бу аффикс барча помир тилларда мавжуд. Р. Додихудоевдаги шарқий эроний тилларда хос бўлган. Афғон тилида хат—тепа, дўнглик. Хатиб—тапалар; қоя сингари баладликдаги кўп жой.

ХАТНА—1. Ўғил бола жинсий аъзоси учидан терисини кесиш; хатна Исломда суннатга киради; 2. Хатна Библия китобида яҳудийликнинг белгиси ҳисобланади. 3. Бизда хатна суннат деб аталади. Яна қаранг: тегишли фаслларда.

ХИДИРШО—этноним. *Жузларда хўдўрили (хидирэли)* уруғи (тара) бор. Олтинсойда Хидиришо қишлоқлари мавжуд. *Кўдўрша (хидиришо)* деган уруғ туркий бўлиб, қишлоқ номи этноним асосида юзага келган, жузларнинг хидиршо уруғи бўлган.

ХИТОЁН—Денов туманидаги қишлоқ (Пистамозор). Хитоён—қадимий ўзбек қабила-уруғларидан бири. Қозоқ, қорақалпоқ, бошқирдларда ҳам *қўтай, қтай* қабилалари бўлган. Б.Х.Кармишеванинг аниқлашича, XX аср бошларида Хитоён қишлоғида жузлар яшаган. -ён аффикси форсча бўлиб, кишилар гуруҳини, жамоасини билдирган.

ХИТОЙ ҚАЛЪА—Шеробод туманидаги жой (Қуллукшо). Халқа—тевараги қазноқли баландлик билан ўралган жой, халқоб текис майдон: хитойларнинг текис жойи.

ХИТОЙ—Шеробод туманидаги қишлоқ (Сеплон). Хитой-қўтай-қтай-хўтай—умумтуркий этноним. Қозоқ, қорақалпоқларда қўтай, қтай-қабила, уруғ номи. Бошқирдларда хтай-аргўн, қтай--қўпчак, қўпчак-қтай, кузгун-қатай, карача-хитай; катай (хўтай, кўтай, хитай, қтай, хтай қаби уруғ ва қабилалар бўлган. Ўзбек халқи таркибидаги қадимий қабила-уруғлардан бири-хитой. Хитойлар кўпинча бошқа қабила-уруғлар билан бирикиб, улар таркибига сингишиб кетган. Уларнинг номи ҳам шу этник бирлик номи билан бир этнонимга айланган. Сангзор ҳавзаси ва Сирдарё хитой юзлар яшаганлиги маълум. Жанубий Ўзбекистонда хитойлар Шерободнинг Пошхурт, Хитой, Шахрисабзнинг Танхас дарёси бўйида, Чирокчининг Хитойсой, Муборакнинг Хитой, Қорахитой, Етимхитой қишлоқларида яшаган. Хитой уруғи Қадимий туркий уруғлардан бири бўлиб, урф-одатлари, анъаналари, удумлари билан ўзбек этногенезесининг шаклланишига ҳисса қўшган туркий уруғдир. Шеробод туманидаги Хитой уруғи йирик туркий уруғлардан бири бўлиб, ҳозирги Хитой қишлоғига XVIII асрда Пошхурт қишлоғидан кўчиб келган.

ХОВОТ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор). Морфема таркиби хов+от. Хов-хуф-хўф-хаф-тоғ; чўққи, қоя. -т-ат-от аффикси кўпликни билдиради. Ховот<хафат<хуфат—чўққилар, бир неча қоялари бўлган тоғ. қ. **Хуфар**.

ХОЛЧАЁН (ХОЛЧИЁН)—Денов туманидаги қишлоқ. Қалъаи Чағониён изофасининг соддалашган шакли-Холчаён. У Чағониённинг қадимий қишлоқ (шаҳар)ларидан бири. Чағониён—ўрта асрлардаги вилоят ва шаҳар номи.

Ҳозирги Шўрчи, Денов, Сариосиё, қисман Жарқўрғон туманлари худудларини ишғол қилган. Бу вилоят милоддан аввалги VI асрдан милоднинг XVI асрларида ҳам мавжуд бўлган. «Бобурнома»да Сағаниён вилоят номи сифатида бир неча марта тилга олинган. Милоддан аввалги 630 йиллар атрофида хитойлик сайёҳ Сюань-Дзянь асарида Чинганйен-на номи қайд қилинган. Мутахассислар бу ном Чағониён эканлигини аниқлашган. Археолог Г.А. Пуганченкова «Халчаян» (Т., 1969) асарида бу номнинг замирида қадимги қабилалардан бўлмиш сак номи туришини ёзган. Мўғулча чаған сўзи оқ маъносини беради, сўзнинг ташқи ўхшашлигига асосланиб, генезиси мўғул тилида алоқадор деган фикр ҳам бор. Бу фикрнинг хатолиги академик В.В. Бартольд томонидан айтилган. X аср тарихчи географи Мақсадий асарларида Чағониён (Сағониён) вилоятида 16 мингга яқин қишлоқ борлиги кўрсатилган, марказий шаҳри ҳозирги Денов шаҳрининг шарқий қисмида, Сурхондарёга яқин жойда жйолашган. Истахрий, Гардизи, Ибн Хурдодбех асарларида ҳам Чағониён (Сағониён) қайд қилинган. Водийнинг асосий дарёси XV асрда Чағонруд тарзда битилган. Бу вилоят ҳукмдори чағонхудот деб аталган. Белги билдирувчи чаған сўзининг ўзи топонимга айланиши учун морфологик, сўз ясалиш ўзгаришига учраши лозим. Бу номли қадимги сак каби эроний қабилалар тиллари билан боғлаш изоҳлаш ҳақиқатга яқиндир. Бу жиҳатдан Г.А. Пугаченкова фикри асослидир: сак+он+и+ён сак қабиласи яшайдиган жой, ўлка.

ХОНЖИЗЗА—Хонжизза аслида хондиза сўзининг таллаффузда бузилган шаклидир. Хондиза сўзи икки қисм: хон ва диза сўзларидан ясалгандир: хон-амир, подшоҳ, бек маъносидаги сўз, диза сўзи эса форс кўрғон, қалъа демакдир.

ХУКПАРИДА—Бойсун туманидаги сойлик. Форсча *хукпарид*—«чўчка қулоб тушган», «тўғиз қулаб тушиб ўлган (жой)» демакдир.

ХУМДОНАК—Бойсун туманидаги баландлик (Сарғамиш). ХумдонҚак хумдонча. Ўтмишда лойдан ғишт каби қурилиш материаллари, уй-рўзғор буюмлари пиширилган ўт-олов ўчоғи хумдон бўлган жой, хумдонли.

ХУРОСОНИ—Бойсун туманидаги эски қишлоқ. Сурхондарё қўнғиротлари тортувли бўлимига қарашли майдатўба уруғининг бир тармоғи—*хуросони*. Туркманларнинг ҳам хуросони уруғи бор. Этнограф тарихчилар Хуросон шаҳридан келиб қўнғиротларга қўшилиб кетган аҳоли ёки Хуросон яшаган қўнғиротларнинг лақаби деб тушинтирадилар.

ХУРСАНД—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Файзова). Халқ нутқида Хурсан. Қадимий шакли хурдҚсанг-кичик тош. Ҳозирги Ўзбек тилига форсча тилда ўзлашган ҳарсанг-йирик тош, мантиқий зидлик бор. Аслида харсанг тош усти, чўққиси ёки баландликдан қуйига нураб тушган тошнинг маълум

бир бўлаги. Қуйига тушган тош юқорига қолган тошга нисбатан кичик. Зидлик ана шу қиёс туфайли пайдо бўлган. Харсанг сўзининг қадимий шакли хурсанг, сўзнинг ҳам шакли, ҳам маъноси ўзгарган: Хурдсанг>хурсанг>хурсан. Сўзнинг ана шу шакли жой номига ўтган. Хурсанд-форсча сўз бўлиб, шод, хуррам, хушҳол, мамнун маъносидаги киши исмига асос бўлган бўлган. Қишлоқ номига бу сўзнинг дахли йўқ. Лекин имлосида шу сўзган нисбат беришиб д кўшиб, Хурсанд шаклида ёзишмоқда.

ХУРСАНТОҒ—Сариосиё т. чўққи (Дазира). *Хурд* (кичик, майда)+*санг* (тош, тоғ): *хурсанг*>*хурсан*—кичик тош, кичик тоғ; паст тоғ.

ХУФАР—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Эсоқи). Эроний тилларга оид ном. Асоси хуф, *-ар* эса *пар~бар~вар* (юқори) сўзининг соддалашган шакли. *Хуф* эса қадимги эроний тилга оид *кауфа* (тоғ) сўзига дахлдор. Қадимги ва ўрта эроний тиллар даврида бу сўз *хаф~хуф~хўф* тарзида бўлган. Ўрта форс тили текстларида *кўф*, *кўх*. Помир тилларида *хаф~хуф~хўф*—тоғ, фақат топономияда сакланиб қолган: Хуф, Пасхуф қишлоқ). *Хуф* сўзи Форсiston топономиясида қоя, чўққи, юксак қоя маъносига ҳам эга. *Хуфар*<*хуф бар~пар* юқори тоғ; баланд (юксак) чўққи.

ХЎБОН—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Дебодом). Эроний тилларда *хуф*—тоғ; қоя. Аслида *хуфҚон*, *-он* аффикси хослик ва мавжудлик маъносини англаган. *Хуфтон*>*хубон~хўбон*—тоғлик (жой); тоғли (ўлка); чўққили.

ХЎЖА(лар)—форса: «Хўжайин», «Соҳиб» ҳақида икки фикр мавжуд: 1. Хўжалар дастлабки тўрт халифа Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлари; 2. Пайғамбаримиз давридаги саркардаларнинг авлодлари. Хўжалар, аслзодаликда (оқсуякликда) сайидлардан кейин турганлар. Термиз шаҳри яқинидаги Салиҳобод (Салават) қишлоғи хўжалари Халифа Али авлодига, унинг ўғли Хусайнга мансуб эканлиги ҳақида барча ўрин қолдирмайдиган аниқ маълумотлар мавжуд.

ХЎЖАҚЎЧҚОР—Бойсун туманидаги баландлик (Сарғамиш). Мўғул тилида *хотгор*-пастқам ер, чўкма, ботиқ жой, чуқурча: *гудгер*—баландлик, дўнглик, тепа: *кўббу*, *дўнг*. Сўнги сўзга дахлдор: *гудхер~гудгар~куткар~кутқар*>*кучқар~кўчқор*—баландлик, тепа. Тепалик илоҳийлаштирилиб, хўжа сўзи кўшилган.

ХЎЖАБАРКЎХ—Олтинсой туманидаги тоғ (Сина). *Форсча* *кўх*—тоғ. *Бар*—юқори баланд, юксак. *Баркўх~Паркўх*—баланд тоғ, чўққи. *Хўжа* сўзи кейинги даврда диндорлар томонидан кўшилган, қадимий тотемик қарашларнинг инъикосидир.

ХЎЖАҲИСОР—Бойсун туманидаги тепа (Хамкон). Орономияда *хўжа*—муқаддас, арабча *Ҳисор*—қалъа, кўрғон, яъни хўжаларнинг кўрғони, хўжалар яшаган қалъа; муқаддас кўрғон.

ХЎЖГИ—Шеробод шаҳри ичида жойлашган гузарлардан бирининг номи.

ХЎРЎЗАК—Шеробод туманидаги гузар (зарабоғ). Форсча харус—хайвон (от, туя, хўкиз, эшак) кучи билан ҳаракатга тушадиган тегирмон. -ак аффикси кичик, майда маъносини англатади, хўрўсак>хурўзак—тегирмонча. Хурўзак—тегирмонли, тегирмон атрофидаги гузар.

ХЎШМАН—Музработ туманидаги қишлоқ (Музработ); Ангор т. қишлоқ (Октябрь). «Тарихи Наршахий»да *хишт*—ғишт. *Хишт* сўзининг товуш таркиби соддаллашган: *хишт*>*хиш*>*хуш*. *и*>*ў* ўтиши ман (сўғдча *майн~мейн*—қишлоқ, овул) сўзи билан бириккач юз берган: *хишт+майн*>*хишман*>*хўшман*—ғишт пиширладиган қишлоқ.

Ч

ЧАҒАТОЙ—“Чағатой”лар ҳақида Н.Хаников, А.Борнс, Г.Маллицкий, А.Н.Писрачик, Б.Х.Кармишевлар илмий маълумотлар келтириб, «чиғатой» сўзи Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойга Мовароуннахрни тортиқ қилгач, яъни бу ҳудудни бошқариш учун топширгач, у ернинг халқи «Чиғатой улуси»-Чиғатой халқи деб номланган. Чиғатой улуси ҳудудларида туркий ва форсий халқлар яшаб, уларнинг барчаси бир ном билан, яъни «чиғатой» номи билан аталган. Маҳаллий халқ кейинчалик ўз номини ва яшаш ҳудудини Чиғатой номи билан атаган. Чунки ўзларини Чиғатой улуси, Чиғатой подшоси таъсирида бўлганлигини ҳисобга олган. Кейинчалик Чиғатой сўзи қисман сақланиб қолган. Масалан: Бойсунда, Жарқўрғон, Термиз ва Шеробод туманларида Чағатой қишлоқлари мавжуд. Ушбу ном XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаклланган.

ЧАҒОНИЁН—қадимий вилоят шаҳар, Сурхондарё ҳавзаси ўрта ва юқори оқимида жойлашган. Будда монахи сайёҳ Сюан-Цзян битикларида бу ном қайд этилган, унинг ёзуви 630 йилга оид VI—VIII аср Бактрия ёзувида зарб этилган кумуш тангаларда ҳам Чағониён номи бор. Суғд ёзувида Чағониён элчиси VII асрда Самарқанд шоҳи ҳузурида бўлганлиги кўрсатилган. Археологлар фикрича Чағониёнликлар бактрия тилининг бирон шеvasида сўзлашган. Манбаларда шаҳар, вилоят номи *Согониён* тарзида ҳам учрайди. XVII аср тарихчиси Маҳмуд ибн Вали «Баҳр ул-Асрор» асарида *Согониённи Чогониён* ҳам аташади деб ёзган. X асрда яратилган «Худуд ал-

олам»да ҳам *Чағониён*. Археологлар маҳаллий (бактрия) тилига боғлиқ сўз деб қарайди. Номнинг асоси *Чағон*. Сурхондарё ўрта асрда *Чағонруд* (Чағон вилояти дарёси) деб аталган. -и,-ён аффикслари эроний тилларга хос кўшимча. -и аффикси ўрнини, жой (вилоят ё шаҳар)га мансубликни билдиради, -ён аффикси кишилар жамоаси, гуруҳни ифодалайди. Чағ-сағ эса сак этнонимнинг товуш варианты, -он аффикси кўпликни билдиради. *Чағон-сағон-саклар*. Чағониён—саклар шаҳри (вилоят). Бу сўз вилоятга нисбатан қўлланган. Чағониён-Сурхондарё вилоятининг ўрта асрлардаги номи. форсча манбаларда Чағониён, арабча манбаларда Сағониён, Форсий-ён-яккажой, гўзал жой.

ЧАҒОНРУД—Сурхондарёнинг қадимий номи. «Худуд ал-олам» («Олам чегаралари»)да *Чағонруд-Чаганруд* битилган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида ҳам Чағонрут. Чағон—дарёнинг бош қисмидаги шаҳар. Чағон—қизғиш дарё бўйидаги, ёнидаги шаҳар. Чағониён шаҳар номи—унинг ёнидан оқувчи дарё номидан олинган.

ЧАҚАР—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Жончека). Бир луғатда *чақар* хизматкор, камбағал, йўқсил; шунга кўра *Чақар* камбағалар яшайдиган жой деб шарҳланган. Улар қадимги туркий тилга хос *чигай~чаган* (камбағал) сўзига нисбат этишган. *Чигай~чиган* ва *Чагар* ўзакка мансуб сўзлардир.

ЧАҚИШЛИ—Термиз, Шеробод туманларидаги қишлоқ ва адир номи. Помиқ ва чандир қишлоқларида яшайдиган тақаб асосида яралган патронимдан гузар номи келиб чиққан. Чақиш ўсимлиги ўсадиган қумлоқ жой. Қумли жойда, чўлда ўсадиган ўсимлик.

ЧАКАНДА—Сариосиё туманидаги адир. (Шарғун). *Форсча чоҳ+и+канда*, *чоҳ*—сув чиқариш учун қазилган чуқур, Бойсунда бу тарз *чоҳ*—жарма. *Канда*—қазиб қилинган ўйиқ. *Чаканда*—қудуқ сифатида чуқур қилиб, қазиб чиқарилган сув манбаси. Кориз қудуқларнинг оддий шакли, бири иккинчиси блан туташтирилмагани—*чаканда*.

ЧАКАТИ—Бойсун туманидаги чўққи (Мачай). *Форсча чакоб~чакода*—бошнинг уст, уч қисми, пешананинг юқориси; тоғ юқориси, тоғ чўққиси. *Чакати-чакоти* сўзининг ўзгарган шакли, чўққи демакдир.

ЧАКОП—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Зарабоғ). Форсча *чоҳҚоб* сўзларидан тузилган. Чуқур, қуйига қараб қазилган чуқурлик—*чоҳ*. Топонимияда *чоҳ* сўзи чак (чакидан -томмоқ ёки оқмоқ, сув оқиши маъносида. Б.М.) тарзида кўп учрайди, қудуқ жорма ва булоқ тарзида қазилган, умуман сув чиқариш учун ўйилган чуқур чак (< чоҳ) сўзининг гидронимиядаги ўзига хос маъносидир. Оп—сув (<об). Чакоп—қазиб чиқарилган сув, ёриб ер юзасига олиб чиқилган сув манбаси.

ЧАЛАҚЎРҒОН—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Оққўрғон). Қадимги туркий тилда чал-чол-оқиш, оқ, бўзранг. -а аффикси сифатдан от ясалган. Чалақўрғон—оқ кўрғон, яъни катта кўрғон, муқаддас кўрғон. Бу номни битмаган, чала қолган кўрғон тарзида изоҳлашади. Бу халқ—изоҳи.

ЧАМБИЛ—Денов (Юрчи), Бойсун (Дарбанд) қишлоқ. баландлик. Туркий халқлар достонларида Чамбил, Чамбилбел, Чамбил Чортоқ, Чортоқли Чамбил, Чели-бел, Шамли-бел, Шамбил—Гўрўғли қароргоҳи. В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифовлар Ислом шоирнинг «Гулихиромон» достонидаги «Би белнинг устига бир чам деган дарахт пайдо бўлиб, шу тўғридан Чамбил овозаси кетди» фикрига асосланиб, қарағайли довон деб изоҳланган. А.Ишаев озарбайжон, турк, крим-татар, қараим, чигатой, баъзи Доғистон тилларида қарағай (сосна), арча (ель) дарахтининг *чам-шам* (чам ағач, шамағач~шамаъгаж~шамаъгъеж) деб аталиши аниқланган, қиёсий фактлар асосида тоғ белидаги (тоғнинг икки чўққиси ўртасидаги) қарағай ўсган довон тарзида шарҳланган. Мазкур фикр Гўрўғли қароргоҳи Чамбилга тўғри келиши мумкиндир, лекин жанубий Ўзбекистондаги Чамбилларга мос эмас, бу ном бор жойларда қарағай, арча ўсмайди, қадимий номлар таркибида ўсимлик, дарахт номлари учрамайди. Буни изоҳнинг бир кўриниши деб қараш мумкин. Чам—жойнинг рельеф шаклини, табиий хусусиятини билдирувчи сўз. Туркий тилларда *чўнг-шўнг*-юксак, улкан йирик меъноларига эга, товуш варианты *чанг-шанг*. *Чанг-чўнг ва бел* сўзлари бирикиб, *чанг бел* > *чангбел* > *чамбел* (*чамбил*) ясалган: юксак довон, баланд бел, усти ясси баландлик. Дастлаб баландлик номи бўлган, сўнг шу баландликдаги кўрғон номига айланган. Қадим аҳоли марказлари (кўрғон, қаъла) ер сатҳидан баландроқ жойга қурилган.

ЧАНГЛОҒ—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Сина). Тошлоқ сўзининг форсча шакли—*санглоқ*, унинг шевадаги кўриниши— *чанглоғ*. Сўз боши *с~ч~* товушлари мослиги кўп учрайди: сочиқ—чочиқ, соч—чоч, сочмоқ—чочмоқ.

ЧАНГОЁҚ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. (Оққўрғон). Қўнғиротлар қанжиғали бўлимининг тўпроқ уруғи тармоғи—*чангоёқ*. Этнонимдан қишлоқ номи юзага келган. Этноним қўшма сўз: *чанг+оёқ*. *Чанг*, ундан *чангак* (2—3 илмоқли темир илгак), чалгал (қуш панжаси) сўзлари ясалган. *Чанг*—қушнинг тарвақайлаган панжаси. *Чангоёқ*—тамқа шакли, уруғ тамғасига нисбатланиб номланган, тамғаси қуш панжаси шаклида бўлган

ЧАРМГАР—Термиз, Денов шаҳарларидаги маҳалла. Ўтмишда терига ишлов бериш, ошлаш бўёқ бериш, чарм қилиб тайёрлаш билан машғул бўлган кишилар гуруҳи яшаган маҳалла. *Чармгар*— кўнчи, касб-хунар эгаси.

ЧАШКА—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ. (Керман). *Чош қўҳ* бирикмасининг содалашгани: *чош қўҳ > чошкў > чошка > чашка* хирмон чошисимон юқори тик кўтарилган тепа (чўкки, баландлик). Азалда ороним бўлган.

ЧАШМАЗОР—Бойсун, Шеробод туманларидаги сой, дара. *Форсча Чашмасор (<чашмаҚсор)* -ер ости сувлари қайнаб, сизиб чиқадиган манбаси, булоғи кўп жой, булоқли. -*сор* аффикси кўплик,, мўллик, жамланганлик, мавжудлик маъноларини билдиради, -*сор* аффиксли сўзлар ўзбек тилида -*зор* тарзида ўзлашган: *Сангзор (Жиззахда дарё) аслида сангсор*—тошли, тошлоқ.

ЧАШМАЗОР—Шеробод тумани. Форсча Чашмазор (<чашмаҚсор)—ер ости сувлари қайнаб, сизиб чиқадиган манбаси, булоғи кўп жой, булоқли. -*сор* аффикси кўплик, мўллик, жамланганлик, мавжудлик маъноларини билдиради, -*сор* аффикси сўзлар ўзбек тилига -*зор* тарзида ўзлашган: *Сангзор (Жиззахдаги дарё) аслида сангсор*—тошли, тошлоқ.

ЧАШМА—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Вахшивор); Сариосиё туманидаги қишлоқ. (Дашновот). *Форсча чашм* ер остидан сизиб чиқиши учун йўли очилиб, теварагига тош терилиб, ёғоч қўйилиб ё бошқа нарсалар билан мосланган сув манбаси, йирик булоқ. Қишлоқ ана шу булоқ ёнида жойлашган.

ЧИҒАТОЙ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Сеплон); мўғул империясининг асосчиси Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой, Гулжадан Амударёгача бўлган ерлар Чигатой ихтиёрида бўлган. Мовароуннаҳр Чигатой улуси деб аталган. Чигатой сўзининг маъно ва қўлланиш доираси кенгайган. Киши исми функциясидан ташқари, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ва этник аҳамият касб этган. XIII—XIV асрларда Чигатойтойхон ҳарбий ва этник аҳамият касб этган. XIII—XIV асрларда Чигатойхон ҳарбий қўшинлари ва авлодлари, имтиёзга эга бўлган туркий-мўғул кишилари. XV асрда Мовароуннаҳр ва шарқий Хуросоннинг Шайбонийларга қарши кураши даврида эса Мовароуннаҳрнинг ҳам туркий, ҳам форс тилида сўзлашувчи аҳолиси чағатойлар дейилган. Чигатой-чағатой XV—XVI асрлардаёқ регионал-худудий маънога эга бўлган, этнонимик маъноси ва вазифаси ҳам шу даврларда юзага келган. «Бобурнома»да Иброҳим чигатой, Чигатойхон исмларидан маълумки, бу даврда чигатой сўзи ҳам этноним, ҳам антропоним функциясида қўлланган. Унинг топонимга ўтиши ҳам шу даврда бошланган. Чигатой—этноойконим. Қашқадарёнинг Китоб, Яккабоғ, Сурхондарёнинг Бойсун, Термиз, Сариосиё туманларида ўзбек чағатой ва форс чағатойлар яшаган.

ЧИМОВУЛ—Денов туманидаги қишлоқ (Хазарбоқ). *Чимовул-қўрғонли* қишлоқ, қадимий қўрғон ўрнида ташкил бўлган овул қ. **Чем.**

ЧИНГСОЙ—Бойсун туманидаги сойлик, *чинг*—чинк, жарлик (қозоқ ва қорақалпоқларда *шинг*, рус географик адабиётчилар—чинг).

ЧИНОБОД—Шеробод туманидаги кишилар чинровот (ҳақиқий, катта равот), чўнг равот (баланд, юксак равот), чим равот (чим деворли равот) бирикмалари асосида изоҳлайди. Сўғд тилида чем-чим (<тим) атрофи девор (тўсиқ) билан ўралган жой; қўрғон қалъа; сарой. Чинобод чем-чим ва работ сўзларининг бирикувидан тузилиб, ўзгариб кетган: чемравот>чемовот>ченовот>чиновот.

ЧИНСАРОЙ—қишлоқ, Денов тумани. Баъзи қабилладаги уруғлар *чин ва ёлгон* каби тармоқларга бўлинган: чин сарой—асл сарой, ёлгон сарой—қабиллага кенг қўшилган тоифа. Қабиллага кенг қўшилган гуруҳлар олдинги қабилла вакиллари билан бир-бирларининг қонини сутга қўшиб ичишган ва қон-қардош бўлганлар.

ЧОВДИ—Бойсун туманидаги тоғ. Сўғд тилида шов—қора. Топонимияда қора—паст, унча юксак бўлмаган (тоғ). -ди<тиғ, теғ. Яғноб (Янги Сўғд) тилида тиғ, теғ, тоғ чўққиси баланд жойи. *Човди*—қора тоғ, паст тоғ чўққиси юксак бўлмаган тоғ. Човдитоғ ҳам дейишади. Сўз бошида *ш*>*ч* товуш ўтиши юз берган. .

ЧОЛЖИЯН—Сариосиё туманидаги қишлоқ. Маҳаллий кишилар *чол* (ёши улуғ киши), *жиян* (ота ака-укасининг ё опа-сингилнинг боласи) сўзлари асосида изоҳлайдилар. Бу тўғри эмас. *Чол+и+жўй-ин* изофасининг соддалашган шакли—*Чолжиян: чолижўйин>чоли жўян>чолижиян. Форсча чол*—чуқурлик, ботик, жой ўйик, форсча чол—чуқур, ўйилган жой, сув ўйган жой, сувнинг қуйилиш жойи, *чал*—тўғон, ҳовуз, ҳавза. *Жўй*- ариқ, сув йўли. *Чолжиян* дастлаб гидроним сифатида шаклланган. Тўғон ёки сув қуйилиши жойи ёнидаги қишлоқ демакдир.

ЧОЛМИЁН—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Тоқчиён). Чолмиён—чолмўйин этнонимининг ўзгариш шакли. *Чолмўйин- қорамўйин* жуфт этноним бўлган. У қипчоқ уруғи. Зарафшон водийси қипчоқлардаги тўғузурувларнинг бир уруғи *чолмўйин* деб аталган.

ЧОРБОҒ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Инқобод). Сўғд тилида *сарвағ*—қаср. Қадимги туркий тилда *сарвағ*-қаср. Уйғур ёзувида битилган «Олтин яруқ» ёдгорлигида «Пишпак отлиғ сарвағинта туру тегинур мен (Пишпак отлиғ қаср-қўрғонда яшайман)» гапида шу сўз акс этган.

ЧОШҚИШЛОҚ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Узун). Қадимги туркий тилда *чаш~чош~тош*. *Чош~тош~тоғ* сўзларининг бошида *ч~т* сўз ясалган. *Чошқишлоқ*—тошли қишлоқ, тошли ердаги овул, тоғ ёнидаги қишлоқ; тошли қўрғон.

ЧЎЙИНЧИ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Керайит); чўмич азалда уруғнинг тамғаси, у чўмичли шаклида бўлган. Тамға номи этнонимга айланиш жараёнида -ли аффикси қўшилган. Этноним топонимга ўтган.

ЧЎМИЧЛИ—деган уруғ Зарафшон кипчоқлари жетиуруғ уруғ бирлашмасида, хитой, қирқ, найман қабилалари таркибида бўлган. Қозоқларнинг тобин қабиласи ва қорақалпоқларнинг болқали қабиласи таркибида шомўшлў (чўмичли) қўнғиротлари вохтамғали бўлимнинг чўмичли уруғи номи асосида юзага келган.

ЧЎЯНЛИ—Бойсун туманидаги адир. Чўян қазиб олинган, чўян рудаси мавжуд жой. Чўян+ли

Ш

ШАЛҚОН—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Зарабоғ). Эроний тилларга мансуб. Шал<шар-шел-баландлик, чўққи; баланд юксак. Сўғдча ғар-тоғ. Шер-ширҚғар>шерғар>шарғар> шалғар>шалғон> шалқан—баланд чўққи, юксак тоғ.

ШАЛДИРОҚ—Шўрчи туманидаги қишлоқ (Кўлтөпа). *Шалдир*—товушга тақлидни ифодаловчи сўз, юқоридан пастга тушувчи сув шовқинига тақлид. -оқ аффикси нарса-предмет натижаси оти ясаган. *Шалдиरोқ*—шаршара, сув шовваси. *Шаршара* сўзининг шевадаги шакли—*шалдироқ*. Аслида гидроним.

ШАРҒУН—Сариосиё туманидаги шаҳар (1973). Икки компонентли: *шар+ғун*. Ҳар икки сўз таркиби фонетик жиҳатдан ўзгариб кетган. Баъзилар *шаҳар+и+хун* (қадимги туркий хунлар шаҳри) деб изоҳлаш тарафдори. Эроний тилларда шар (<*шир~жир~жер*) тош, тошли; тоғ. Бу тип номлар: *Шеробод, Ширкент, Шерқўрғон, Қалъайишерон, Ширан, Широн, Шерак*. Яғноб топонимиясида *хон~хўн~хун*—яйлов. Шарғуннинг аслида ороним эмас, гидроним сифатида яратилганлиги *ғўн* сўзининг сув, дарё маъносидаги сўз бўлишини кўрсатади. А.Л.Хромовнинг ёзишича, -*хан~хон* формантли номлар Суғдиёна территориясига хос бўлган, ўрта форс тилида *хон, хоник*-булоқ; парфян тилида *хан, ханиқ*, яғнобча *хон*—анҳор, жилға, дарёча; ф., форсча *хони*—булоқ, ҳовуз. Сўзнинг иккинчи қисмида ғ<х, у<о юз берган. *Шарғун*<*ширған*<*ширхон*—тоғ дарёси. -*ғун~гон* компонентли номлар: *Харғун*—Асади Тусийнинг (XI аср) «Луғати фурс» асарида шаҳар номи сифатида кўрсатилган. Бу шаҳар Туркистонда бўлган. *Лағмон*—ғазна атрофида қадимий шаҳар (XI—XV асрлар), ҳозир Лағмон. Денов шаҳри ёнида Лағмон (<Лағмон) қишлоғи бор

ШАҲРИНАВ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор); Денов туманидаги қишлоқ. (Илонсой). Форсча изофа *шаҳрҚиҚнав* янги шаҳар.

ШЕРҚЎЛ—Шеробод туманидаги жилға (Пошхурт). Шўр—аччик, талх. Яғноб тилида шўр—шўра жар, сув ўйғай чуқурлик. Қўл—сув ўзани, сув оқар жилға. Шўркўл—сув ўйиб, жар қилиб кетган жилға.

ШЕРҚЎТОН—Шеробод туманидаги адир (Қорабоғ). Шер-шир помир тилларида тош, тоғ, баландлик маъносига эга. Шерқўтон тоғ бағридаги, тоғ (таландлик)даги қўтон ва шу объект ёнидаги адир. Киши исми бўлиши ҳам мумкин.

ШЕРАК—Шеробод туманидаги адир (Вандоб). Эроний тилларга шер-шир тош; тоғли. Сўғд тилида -ак аффикси мавжудлик маъносини ҳам билдирган.

ШЕРГАЗА—Шеробод туманидаги баландлик (Қорабоғ). Эроний тилларга хос сўз, шер-шир, жир сўзларининг товуш шакли, маъноси тош, тоғ. Газа ошиб ўтиш йўли бўлган кичик дўнглик, қирсимон чўзиқ баландлик. Шергаза—баланд газа, тошли, газа.

ШЕРЖОН—Шеробод туманидаги қишлоқ (Зарабоғ). Гидроним қишлоқ номига ўтган. Помир тилларидаги жер-шер-жир-шир-тош, шуғнон тилида эса жир-шир-чўққи, қоя, баландлик. Форс тилига шир-жер тарзида ўзлашган. Топонимияда кўп (Ширкент, Ширдоқ, Обишир, Обшир; Шеробод, Қалайишерон, Шерқўтон). Сўғд тилида жан-жон-анҳор (канал), булоқ, чашма, кўл, жилға, дарёча маънолари ҳам бўлган. Шержон—тоғ дарёси; юқори дарё (жилға), Зарабоғликлар учун юқори дарё. Шержондарё гидронимида бир хил маънодаги (жон, дарё) сўзлари такрорланган.

ШЕРОБОД—туман (1926), шаҳар (1973). Шер исмли киши работи (қўрғони) ёки обод қилган жой, деган изоҳ маълум. Шеробод деб айтилувчи бу ном шоҳ (катта, асосий, бош), работ сўзлари асосида бош бекат, катта карвонсарой тарзида изоҳланган. Тарихий манбаларда Термизнинг исёнчи ноиб Шер Али томонидан XVII асрда Шерободга асосланганлиги маълум.

ШИЪАЛИК—Ислом динининг уч асосий йўналишларининг иккинчиси. Бу йўналишдаги мусулмонлар Қуръони карим билан бирга ўзларининг ҳадислар тўплами бўлмиш «Ахбор»ни эътироф этадилар. Шиъаликдаги ягона жаъфария мазҳаби бор.

ШОВВАСОЙ—Бойсун туманидаги сой (Мачай). *Шовва*—юқоридан куйига оқиб тушган сув, шаршара.

ШОЛИКОР—Музработ туманидаги қишлоқ. Қўнғирот қабиласи тортувли бўлимининг майдатўба уруғига қарашли бир шохобча номи—*шоликор*. Этноним яратилишида аҳолининг касб-корига нисбат этилган, ундан қишлоқ номи юзага келган.

ШОМОНИЗМ (тунгус-звенк)—таман: саман-паманлик звенк тилида. Шомонизм ибтидоий жамоа тузуми охирларида жаҳоннинг кўпгина

халқларида вужудга келган динлардан бири. *Шомонизм*-айрим кишилар шаманларнинг ғайритабиий қобилиятга эга бўлиб, ашула айтиш, рақсга тушиш, чилдирма чалиш йўли билан жазавага тушиб ёвуз ва сахий руҳлар билан бевосита муносабатда бўла олганлари учун касалларни даволаш, фол очиш ва бошқа қобилиятларга эгалиklarини ишонтиришдан иборатдир. Шомонлар гўё руҳларни чақира олиш, қўнғироқли чилдирма билан руҳлар маконига илтимос билан мурожаат қилар эмиш.

ШУТУРВОР—қишлоқ, Термиз тумани. *Шутурвор*—«бир туя кўтарадиган юк», «бир туя юки»: шутурвор икки ботмон—16 пуд ёки 256 кг бўлган.

ШЎРҚЎЛ—Шеробод туманидаги жилға (Пошхурт). *Шўр*—аччиқ, талх. Яғноб тилида *шўр~шўра* жар, сув ўйгағ чуқурлик. *Қўл*—сув ўзани, сув оқар жилға. *Шўрқўл*—сув ўйиб, жар қилиб кетган жилға.

ШЎРЧИ—Сурхондарёда шаҳар, туман; *Форсча* қушма сўз: *шўрҚжи*. Шўртупроқ ва сув таркибида туз моддалари борлигини билдиради. *Жи*—сув йиғилган жой, қўл, ҳовуз. *Шўрчи* (<*шўржи*)—шўр сув, шўр сувли ҳовуз (қўл, кудук). *Шўрчоҳ* (шўр сувли булок, кудук, жорма) тарзида ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳар иккаласи ҳам сувликнинг номи, сўнг қишлоқ номига ўтган.

ШЎРЧОБ—Бойсун туманидаги сой (Боғлидара). *Форсча шўр+чоҳ+об* бирикмасининг соддалашгани *шўрчоб*. *Чоҳ*—қазиб чиқарилган сув, яйловларда чорвани суғориш мақсадида сув чиқариш учун қазилган чуқурча.

Э

ЭГАРЧИ—Шеробод тумани. Эгар—от-улов астига уриладиган ёғоч абзал. Қадимги туркий тилда эдар. XI аср ёдгорлиги «Девону луғотит турк»да эйар—эгар, XIV асрдан сўнг—эгар. Тарихан ясама сўз: эг+ар. сўз ўзаги эгмоқ (букмоқ) феълининг асоси, -ар аффикси қурол оти ясаган. Эгарчи эгар ясовчи. Гузар аҳолисининг касб-хунари асосида номланган.

ЭКЗОГАМИЯ (грек)—ташқи никоҳ, муайян бир жамоа ичида бир-бирига уйланишни ман этувчи одат. Ибтидоий жамоа тузуми даврида оила-никоҳ муносабатларини тартибга солиш учун вужудга келган.

ЭЛАТ (арабча)—синфий жамиятда, асосан қулдорлик даврида вужудга келган, феодализм даврида кўпайган кишиларнинг бирлиги. Ҳар бир элатнинг ўз номи, тили, ўзига хос руҳий хусусиятлари шаклланди. Умумий ягона она-ер, юрт вужудга келади. Муайян иқтисодий ва географик меҳнат тақсимооти ташкил топа боради. Элатлар бирлашиб миллатлар вужудга келади.

ЭЛИТА (французча)—танланган, ҳар қандай ижтимоий этник ва профессионал гуруҳларнинг энг яхши қисми; индивид гуруҳи.

ЭНДОГАМИЯ (грекча)—ички никоҳ, бошқа қабила, уруғ фақат ўз қабиласи, уруғи ўз ижтимоий гуруҳига мансуб бўлган қизга уйланиш одати.

ЭНДОКАННИИБАЛИЗМ (грек-испан)—ички одамхўрлик, ўлган қариндошлар, уруғ-қабила йўлбошчиларининг гўштини истеъмол қилиш одати.

ЭРМАН—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Газарак). Қадимги эроний тилларга оид ном: *эр+ман*. *Эр* сўзи таркиби ўзгарган., қадимий шакли *ур~ўр*. Қиёсланг: Ургут, Ўрметан. *Ур~ўр<вар*—тарихий сўз, маъноси-қалъа, истехкомли қишлоқ, шаҳар. Топонимлар таркибида *вар~ўр~ур~эр*—овул, қишлоқ; тевараги девор билан ўралган жой маъносини англатади. Сўғд тилида *майн~ман*—қишлоқ, овул. *Эрман* тевараги девор билан ўралган кўрғон.

ЭТАК—Шеробод туманидаги қишлоқ. *Этак*—қуйи, адоқ. *Адоқ~этак* сўзларининг генезиси бир. *Этак* қуйи қишлоқ.

ЭТИКЧИ—этик ва шунга ўхшаш оёқ киймлари тикувчи уста, этикдўз, касб-корига нисбат этилган киши лақаби. Шеробод туманининг Қорабоғ қишлоғида этикчи номли оилавий-қариндошлик тўдаси мавжуд. Ойконим киши лақабидан.

ЭТНОГЕНЕЗ (грекча)—келиб чиқиш турли этник компонентлар базасида этник жамоаларнинг вужудга келиш жараёни. Э.этник тарихнинг бошланғич босқичи, халқнинг келиб чиқиши. Масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши.

ЭТНОГРАФИЯ, ЭТНОЛОГИЯ (грекча)—халқ ҳақидаги фан, халқлар таркибининг келиб чиқиши [этногенези], жойлашуви, тарқалиш; турмуш ва урф-одатлари, моддий ва маънавий маданияти, маданий-тарихий алоқаларини ўрганувчи фан.

ЭТНОНИМ (грекча)—халқларнинг номларини англатувчи атама.

Ю

ЮРЧИ—Денов туманидаги қишлоқ. Икки қисмдан иборат: *юр(т)+чи*. Қадимги туркий тилда *юрт*—уй, мулк, яшаш жойи, вилоят, ўлка. Туркий тилларда манзил, қароргоҳ, вақтинчалик макон, турар жой, ватан. Туркий халқлар тарихида *юртчи* мансаб номи саналган. Юрт қурувчи, юрт тузиш ва унинг тартиби билан шуғулланувчи киши *юртчи* деб аталган, вақтинчалик ва доимий юрт иши билан шуғулланувчи юртчилар бўлган. Юртчилар ҳарбий юришларда бу иш билан шуғулланган. XIII—XVI асрларда Ўрта Осиёда юртчи ясовул деган кичик ҳарбий мансаб эгаси кўчиш, ҳарбий юриш, саёҳат ва узоқ муддатли овда юртни жойлаштириш, тиклаш билан машғул бўлган ва шу ишларни бажарувчилар бошлиғи саналган. Рашидиддиннинг «Жоме-ат

таворих», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарларида юртчи ясовул термини қўлланган. *Юр (т)чи*—киши лақаби, лақаб эса унинг касб-кори, вазифасига нисбат этилган. Қадимги туркий тилда *йурчи* қавм-қариндошликни билдирган. Енисей ёзма ёдгорликларида *йурчи*—қайни, қайинсингил.

Я

ЯККАТОЛ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Кўрғонча). Биттаю битта тол дарахти кўқарган жой.

ЯНГИБОҒ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор). Янгиқишлоқ, Янгиобод номларига ўхшатиб яратилган: вақт кўлами жиҳатидан бошқа боғлардан кейин (яқинда) яралган боғ (ёнидаги қишлоқ).

ЯНГИЙЎЛ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор). Қизирик туманидаги қишлоқ (Сўхта). Расмий ном. Дастлаб колхоз номи бўлган, сўнг қишлоқ номига айланган.

ЯНГИОБОД—барча туманлардаги қишлоқ. Вақт жиҳатидан кейинги даврларда (асосан, 1950—1960-йилларда) яратилган қишлоқ. Айнан Янгиқишлоқ. Фарқ шуки, *Янгиобод*—янги ўзлаштирилган ерда ташкил бўлган аҳоли маркази. *Обод*—эроний тилларга оид сўз. X аср манбалари—Истахри, Ибн Ҳавқал асарлари ва «Худуд ал-олам»да *обод* компонентли номлар йўқ. Мовароуннаҳр топономиясига хос бўлмаган. XII—XIII асрда эса бу тип номлар кўп. Ёқут ал-Ҳамавий бу сўз ёрдамида номлар кўп ясалишини кўрсатган. Асосан киши исмларига кўшилган. Белги билдирувчи сўзларга (янги, катта) кўшилиб қишлоқ номи ясаши деҳқончилик маданиятининг юксалиши, кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ.

ЯНГИРЎЗҒОР—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Узун). 1930-йилларда тузилган колхоз номи қишлоқ номига айланган. Янги ерларни ўзлаштириш учун Фарғона водийсидан келган ёш оилали деҳқонлар хўжалиги рамзий тарзда шундай номланган.

ЯНГИТУРМУШ—Ангор туманидаги қишлоқ (Октябрь); Бойсун туманидаги қишлоқ (Сайроб); Сариосиё туманидаги қишлоқ (Бойбўри). *Янги турмуш*—социалистик тенглик ва умумхалқ манфаатига асосланган, озод ва эркин хўжалик тарзи. 1930-йилларда тузилган колхоз номи қишлоққа ном бўлиб қолган.

ЯНГИШАҲАР—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор). *Шаҳринав* қишлоғидан ажралиб чиққан янги аҳоли маркази—*Янгишаҳар*. *Форсча ШаҳрҚиҚнавининг* айнан таржимаси.

ЯНГИҲАЁТ—Шеробод туманидаги қишлоқ (Таллашқон). Арабча ҳаёт—турмуш, яшаш. Янгиҳаёт—1930-йилларда ташкил бўлган колхоз номи, сўнг ойконим.

ЯРМАКАРИЗ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Пошхурт). Ж-ловчи шеваларда жорма, й-ловчи шеваларда ва икки тилли аҳоли нутқида ярта-адирларининг паст жойида ер ўйиб, қазиб чиқарилган сув. Булоқсимон сув манбаи. Кариз-кориз—ер ости сув йўли, ер тагидан туташтирилган сув (кудук). Ярмакариз—бир томони ёриб, ўйиб қазилган кудуқли кориз.

Ў

ЎЙБУЛОҚ—Шеробод туманидаги булоқ (Оққўрғон, Қорабоғ); ўй—тупроғи қазиб олинган чуқурлик. Уйғур тилида ўйбулоқ—пасттекислик жойларда оқувчи булоқ, сув. Ўйбулоқ—сув чиқадиган оқим кўзи ковланиб қазилган булоқ, қазма булоқ.

ЎРДАЛИ—Жарқўрғон туманидаги тепа. Ўрхун-Енисей ёдномалари ва XI аср туркий тилда («Қутадғу билиг») *ўрда*—хон қароргоҳи, қўрғон, қаср. Ўзбек, бошқирд, татар, қозоқ, қорақалпоқ, тува тиллари ўтмишида вилоят бошлиғи ва унинг юртни бошқарувчи маъмурий ва ҳарбий аппарати жойлашган жой *ўрда* деб юритилган. Озарбайжон тилида *урду* (*орду*) сўзи кўшин, армия маъносига эга, турк тилида *ўрдугоҳ* лашкаргоҳ, ҳарбий қароргоҳ. Хакас, қорақалпоқ тилларида *ўрда* сўзининг уя, манзил маъноси бор. Тува тилида сарой маъносида ҳозир ҳам қўлланади. У туркий ва мўғул тилларига хос қадимий сўз. *Қиёсланг*: туркий *ўрда*, *орда*, *орду*, *ордо*, Мўғулча *ордун* (сарой, қўрғон). XIV—XIX асрларда туркий халқлар яшаган территорияда бу сўз ёрдамида бир қанча мамлакат, шаҳар, шаҳар қисмлари номи яратилган. *Оқ ўрда*-XIII асрнинг 40-йилларида Ботухон томонидан асосланиб, XVI асргача ҳукм сурган феодал давлат. *Катта Ўрда*, *Нўғай Ўрда* XV—XVI асрлардаги хонликлар, кўчманчи қабилалар иттифоқлари номи. *Қизил Ўрда*—Қозоғистон Республикасидаги шаҳар. Туркияда ҳам *Гўзўл Орда* деган жой бор. Туркиянинг Қораденгиз қирғоғида *Орду* деган шаҳри жойлашган. Тошкентнинг эски шаҳридаги бир даҳа—*Ўрда*. Бу тип номларнинг ареали туркий халқлар яшайдиган барча территорияга хос. Ўрда туркий тиллар ўтмишида бир неча маънога эга бўлган: туркий ва мўғул халқларида ҳарбий-маъмурий ташкилот; ўрта асрларда олий ҳукмдорлар қароргоҳи, пойтахти; подшоҳ, хон ёки олий мартабали шахс ҳарами, қўрғони. Кўшин, лашкар, манзил, макон, қароргоҳ маъноси тарихийдир, ҳарбий иттифоқ, армия маъноси кейинчалик пайдо бўлган. *Ўрдали* ороними XIV—XV асрларда яратилган, у хароба-тепалик ўрнида қўрғон ҳарбий истехком бўлганлигини билдиради.

Қ

ҚАБИЛА (арабча)—уруғ, уруғ-аймоқ, бир ота-онадан тарқалган бир нечауруғ уюшмаси. Қ.уруғга нисбатан йирик бўлиб бир неча уруғларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Масалан, ўзбеклардаги минг, найман, қўнғирот қабилалари ва ҳоказо. Бу бирлик ибтидоий жамоага хосдир. Дастлабки асосида қариндошлик иплари билан боғланган бир нечта жуфт қудалашган уруғдан ташкил топади. Қабила бошлиғи қабила барча ишларининг бошқаруви ва унга раҳбарлик қилувчи шахс. Қабила бошлиғи қабила оқсоқолларининг кенгашида обрўли, уддабурон ва тадбиркор кишилар ичидан сайланган.

ҚАБИЛА КЕНГАШИ—ҳар қайси қабила муаммоларини махсус кенгаш ҳал этган. Бу кенгаш қабилада бирлашган уруғ бошлиқларидан иборат бўлган, уларнинг энг кексаси қабила бошлиғи қилиб сайланган. Энг муҳим масалалар умумқабила кенгашида ечилган.

ҚАБИЛА ОҚСОҚОЛИ—қабиланинг ёши улуғ кишиси. Қабила бошлиғи ҳамиша у билан бамаслаҳат иш кўрган.

ҚАЗНОҚ—Ангор тумани. Туркий тилда— «қазноқ» маъноси «ҳазина», ўзбек тили шеvasида омбор, «қандик».

ҚАЙҒИ—Шеробод туманидаги гузар (Зарабоғ); Қайғи (варианти қайқи)—этноним. Жанубий туманлар қўнғиротлари ойинни бўлимидаги бешбола уруғининг беглар, бектош, галабек, саман, қорасори, қирғолти, октиш, галақудук, қўноқ, шамат, мади, қумалоқ, қайғи, аллос, тандирча, бика, кўки тармоқлари бор. Этнонимга тамға номи асос бўлган, ёй, ярим айлана шаклидаги белги-қайғи. Қай-сўз ўзаги, сўз ясовчи -ғи аффикси қўшилган: қай+ғи-қайрилган, эгик.

ҚАЙРАҚИ—Шеробод туманидаги қишлоқ. Баландлик, Қайроқли—уруғ номи. Айрим манбаларда қайрангли уруғи қайд этилган. Қайрангли-қайрақли—бир уруғдан пайдо бўлган.

ҚАЙРАҚЛИ—Шеробод туманидаги баландлик (Қорабоғ). Қирғиз тилида қайроқ-лалми, суғорилмайдиган; қайроқ жер лалми жой. Мўғулча хайранг—шағал, майда тошли жой. Қайроқ-чархлаш учун фойдланиладиган силлиқ тош парчаси. Э.Мурзаев қайрақ сўзи тарихан қайир сўзидан ясалган деган: қайир+оқ-қадимги туркий тилда-қум, ғовак ер. XI аср туркий тилда қайир—қум.

ҚАЙРАН—Ангор туманидаги массив (Таллимарон). Таркиби *қайир+ан*. *Қайирдарё*нинг икки қирғоғидаги қадимий ўзан, юза қисми тупроқ ва майда қум билан қопланган дарё бўйи. -ан аффикси ўрин, жой маъносини англатади. *Қайран*—дарё бўйи, қадимда сув оққанлиги туфайли юзаси майда қум билан қопланган жой.

ҚАЙРОҚ—Ангор ва Бойсун туманларидаги қишлоқлар номи. Қайроқтош кўплигидан шундай аталган бўлиши мумкин. *Қайроқ (қайрақли)* деган уруғ ҳам бўлган, масалан, қозоқларнинг қўнғирот қабиласида *қайроқ* (қайроқ) уруғи қайд қилинган.

ҚАЛАНДАР (лар)—дарвешларнинг бир тоифаси бўлиб, таркидунё қилган, зоҳидликка яшаб ўзини Парвардигорга бағишлаган. Дунё неъматларидан, оила, бола-чақадан воз кечган, аммо дарвешларга ўхшаб бирор сўфийлик, тасаввф тариқатларига мансуб бўлмай, гадолик қилиб кун кечирадиган кишилар. Уларнинг яшаш жойи маскани бўлмаган.

ҚАМҒОҚЛИ—Шеробод туманидаги яйлов (Қанотли). Шерободда Қамоксой, Жарқўрғонда Қамоқли оронимлари бор. Қамғоқчўл ўсимлиги, шарсимон юмалоқ тарзда ўсиб, уруғи пишгач, илдиэ бўғзидан узилиб, юмалаб юрадиган митти, тиканли ўсимлик. Халқ нутқида шўрак ҳам дейилади. Халқ қамғоқ ўзини тоғ айлар, янтоқ ўзини боғ айлар деган мақол яратган. Қамғоқ—чорва учун яхши емиш. Бу ном чорвадорлар томонидан яратилган, шу ўсимлик ориентир ваэифасини ўтаган.

ҚАНАҚЛИТЕПА—Термиз туманидаги тепа. Аслида *канақли, канақ*—хаво ёки сув ўтадиган тешиқ: девор канағи, тандир канағи, бурун канағи. *Канақ*—форсча сўз. Сўғдча *кандан* (кавламоқ, қазимоқ) сўзининг ўзағи *кан, канда* сўзига дахлдор. *Канақ*-(*<кан+ак>*) қовланган, қазилган, ўйилган жой, тешиқ, *к>қ* ҳодисаси юз берган. *Қанақлитена* (<Канақлитена)-тешиғи, ўйик жойи (ҳовуз, зиндон) бўлган баландлик.

ҚАНГШАР—Шеробод туманидаги баландлик. Қангшар қипчоқ диалектига хос сўз. Буруннинг уч қисми билан кўзга туташган жойидаги чуқурлик қисми орасидаги туртиб чиқиб турган дўнг жой-қангшар, қаншар. Худди шунга ўхшаш баландлик қангшар. Тоғ ёки йирик баландлик, тизмалар бағрида бўртиб чиққан баландлик-қаншар, қангшар, баъзи жойларда тумшук аталади. Термин топоним (ороним)га айланган.

ҚАНЖИҒАЛИ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ (Минор). Қанжиғали—ўзбек уруғларидан бири. Қўнғиротларнинг беш бўлиmidан бири—*қанжиғали*, у 14 уруғдан иборат. Улар Шеробод туманида яшаган. Қашқадарё ўнг ва чап қирғоғи қипчоқсаройларнинг бир бўлими—қанжиғалисарой, Чироқчи, Китоб, Ғузордаги Қанжиғали сарой уруғи, Жарқўрғондаги Қанжиғали қўнғирот уруғи асосида номланган. *Қанжиғали*—умумтуркий қипчоқ этноними. Қанжиғалилар XIII—XVII асрларда қипчоқ конфедерациясига кирган. Улар Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида (Волганинг шарқида) яшаган. Қипчоқ иттифоқининг бўлиниб кетишидан сўнг турли туркий халқлар, жумладан, ўзбекларнинг турли қабилалари (юз, хитой, қипчоқ, қўнғирот, сарой) таркибига қўшилиб кетган.

Қорақалпоқларнинг ўрта жузида *қанжўғали* уруғи қайд этилган. Этнонимнинг таркиби *қан~қон~қанг+жиға+ли*. Қадимги туркий тилда *қан~қон* киши исмлари таркибига қўшилган: *Қан элчи, Қан ўғил, Қан тўйин; Барс қан, Бўғи қан, Қара қан, Яғлақан қан. Қан-хон; ҳукмдор, ҳоким. Жиға*— бош кийим устига тақилиб, юксак лавозим эгаси эакнлигини билдирувчи белги; байроқ, қадимда арава, қорауй устига тақилган туғ—латтали нишон. -*ли* аффикси мавжудликни билдирган.

ҚАНЖИҒАШОҶ—Шеробод дарёсидан қадимда кўнғиротларнинг ойинни, қанжиғали уруғлари ҳамда туркман жуз, қатағонлар сув олган, ўз ариғи бўлган. Улар Ойиннишоҳ, Қатағоншоҳ, Туркманшоҳ, Қанжиғашоҳ деб аталган. Кўнғиротларнинг қанжиғали бўлимига қарашли бўлган ариқ. Шох— кичик ариқ, йирик сув ўзанидан ажратилган майда сув йўли. Этнонимга шох сўзи қўшилиб гидроним ясалгач, -ли аффикси тушиб қолган.

ҚАНОАТ (арабча, кониқиш)—озга ёки бориға кўникиш, бори билан кифояланиш, нафси тийиқлик, кўпга, ортиқчаликка интилмаслик, орзу-ҳавасни чеклаш, қаноатга кўникма ҳосил қилиш. Руҳий осойишталик, хотиржамликни таъминлайди.

ҚАПЧИҒАЙ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Дарбант); Аслида ороним. Асос бўлган сўз туркий ва мўғул тилларига оид умумий лексема. Мўғулча *хавциг*—тор, ингичка, сиқик, *хавцал*—тор дара, *хавцагай*—қоя, тик чўққи. Бурят-Мўғулча *хавсагай*—қоя, чўққи, дара, тоғ ён бағри, ойрот тилида *қитишўгай*—тез, илдам, чаққон. В.А.Казакевич Муғулистон топонимиясида *хавцагай* сўзи тор дара, танги, сиқик жой, тоғлардаги танг жой маъноларини англатишини кўрсатган. Туркий тилларда ҳам бу сўзнинг маъноси, товуш ва морфема тузилиши бир-бирига яқин; қирғизча *қавчўгай*—тоғ дараси, даралар орасидаги ўткил, дара ичидаги тоғ йўли; *қапчал*—чўққили дара, қоя, чўққи, танги, қозоқча *қапшагай~қапшўгай~қапсагай* тоғларда сув оқадиган чуқур дара, танг жой, дара, якутча *хапчагай, хапчан*-танг жой, дара, хакасча *хапчагай*—тез, илдам, тезлик билан, шошилиш. Бу сўзнинг апеллятив ва ономастик лексикадаги ареали анча кенг. Ўзбек тили лексикасида, ҳатто шеваларида бу сўз қайд этилмаган. Лекин топонимия бу сўзнинг ўтмишда бўлганлигини исботлайди. Асосан тоғлик туманларда учрайди. XI аср туркий тилда сув (арик) тармоқларининг бир-бирига бирлашадиган жойи *қапчақ* дейилиши бу лексеманинг қадимийлигини кўрсатади. Ясама сўз: *хав~хап~қаб~қаб*—сўз ўзаги. Мўғулча *-циг ~ -цг ~ -цаг ~ -саг*, туркий *-чўқ~-чиқ~-шақ~сақ~-шағ~-сағ~-чақ~-чаг* аффикси қўшилган. Бу ўзакка *-чал, -чай, -чан*, Мўғулча-*цал* аффикси қўшилиб, янги сўз ясалган, оддан сифат ясалган: а) *хавциг ~ хавцаг ~ хавцг ~ хавсаг, қапчақ ~ қапчўқ ~ қапшўқ ~ қапсўқ ~ хапчаг*; б) *хавцал~хавцил~қапчал~қапчил~хавчай~хавчан. Хавцаг..., қапчақ...*

асосига яна *-ай* аффикси қўшилган: *хавцагай, қапчагай~қапчўгай...* Бу ясалиш апеллятив лексика сатҳида юз берган. Дастлаб орфографик ва гидрографик термин бўлган, нутқда истемолдан чиқа бошлагач, объект номига айланган: дара ва сув оқар жойлар номи бўлган. *Қапчигай*—икки томони тик тизма (қир, қоя, чўққи) бўлиб, узунасига чўзик, тагида сув оқадиган ўзани бўлган дара.

ҚАПЧИГАЙБОЛО—Бойсун туманидаги дара, қишлоқ. Форсча изофа *қапчигайҚ иҚболо*—юқори Қапчигай.

ҚАРҒАЛИ—Сариосиё туманидаги қишлоқ ва адир номи. *Қарға*—туркий этноним. *Қарға*—*қарғуй* сўзининг ўзгаргани. «*Қарғуй*—тоғ чўққисига ёки баланд ерларга минорага ўхшатиб ясаб қўйиладиган жой. У ерда ўт ёқиши билан душмандан хабар берилади ва одамлар ўзларини ҳам, молларини ҳам қутқаришга ҳаракат қиладилар». *Қарғуйли*>*қарғу: ли*>*қарғалў*-қоровул турадиган тепа. XI асрда Тироз шаҳри яқинидаги бир кўрғон номи Қарғалағ, унинг асли Қарғолиғ, иккинчи бўғиндаги *о* чўзик талаффуз этилган. Ғарбий Сибирь туркий халқларининг *қарға* уруғи бор. Ўзбекларда кўп учрайдиган уруғлардан бири—*қарға*. У турли қабила ва уруғлар таркибида учрайди. Хоразм кўнғиротлари, Жанубий Ўзбекистон кўнғиротлари қанжиғали бўлимининг қорағурсоқ уруғининг бир тармоғи—*қарға*. Сурхон воҳаси жузларини жилонтамғали бўлимининг *қарға* деган уруғи бор. Фарғона водийсида ҳам бу уруғ борлиги аниқланган. Қарға аслида тотем, муқаддас ҳисобланган жонзод (қуш). Мўғулча *керей* (керайит уруғи шу сўздан) қарға, тотем уруғ номига айланган. Тотем ифодаловчи сўз (қарға) этнонимга ўтиш жараёнида *-ли* аффикси қўшилган. Қишлоқ номига жузларнинг уруғи номи асос бўлган.

ҚАРИҚИЗ—Термиз туманидаги баландлик (Намуна). *Қари*—қадимий, эски. Асосан кўрғон, қишлоқ ўрнида қолган қолдиқларга нисбатан қўлланган. *Қиз*—баландлик, ёлғиз дўнглик, кўрғон вайронасидан юзага келган тал, оқтепа. *Қариқиз*—тепалик ёки яланглик устидаги кўрғон харобаси, тоқ ё равоқ ўрни.

ҚАРИТЕПА—Сариосиё туманидаги тепа (Жончека). Шевада *қари*—қадимий, эски, вақт жиҳатидан олдин яратилган. *Қаритепа*—ёнидаги тепаларга нисбатан олдин бунёд этилган сунъий қоровултепа.

ҚАРИШОХ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ (Тўпқора). *Қари*—эски, кўхна, қадимда бунёд этилган. *Шох*—арик, кичик сув ўзани. *Қаришох*—эски арик, қадимий сув йўли.

ҚАРЛУҚ—Олтинсой тумани маркази; *Қарлуқ*—қадимий туркий этноним. Туркий халқларнинг бир тармоғи сифатида Кул Тигин, Билка Ҳоқон ёдгорликларида қайд этилган. М.Қошғарийнинг изоҳига кўра,

қарлуқларнинг бир гуруҳи, улар кўчманчи бўлиб, ўғузлардан бошқа, улар ҳам ўзбекдир. Қарлуқларнинг қадимги сўғд, тохарлар ватанига келиши VII аср ўрталарига тўғри келади. Қарлуқлар X асрда Тохаристоннигина эмас, Афғонистоннинг шимоли-шарқ, жануби-шарқ қисмини, Кашмир ва Пешоварни ҳам эгаллаган. Ўша вақтдаги қарлуқларнинг бир қисми ўтроқлашган. Муборакдаги Қарлуқ қишлоғи қадимий Миянқалга яқин, улар Бухоро амири Муҳаммад Раҳим (1753-1758) даврида Қаршининг Қарлуқхона (шаҳар яқини) сидан кўчирилган. Ҳофиз Таниш Бухорий қарлуқ этнонимини *қарлиқ* (*қор+лиқишлоқор* эгаси) сўзи билан изоҳлайди. Ўғузхон тоғда яшашни, қор ичида яшашни амр қилиб шундай лақаб қўйди, дейди. Бу—халқ этимологияси.

ҚИЗҚЎРҒОН—Шеробод туманидаги баландлик, қалъа харобаси. Қизқўрғон—тепалиқдаги қўрғон, баланд жойда ўрнашган қалъа, юксак истехком; миноралари ўрни сақланиб қолган қўрғон.

ҚИЗИЛОЛМА—Шеробод тумани. Қуҳитанг этакларидаги қишлоқлардан бири.

ҚИЙҒОЧЛИ—Қумқўрғон туманидаги қишлоқ; Шеробод туманидаги қишлоқ (Сеплан). Қийғочли—уруғ номи. Қўнғиротларнинг воҳтамғали бўлими таркибидаги 16 уруғнинг бири. Баъзи қипчоқ шеваларида қалдирғочнинг бир тури-қийғоч. Уруғ номига тотем—сиғиниладиган парранда асос бўлган. Уруғига қараб қишлоқ номланган.

ҚИЛИЧБОҒ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Даштиғоз). *Қилич*—киши исим, боғни юнўд этган киши. *Қиличбоғ*—Қилич исмли киши яратган боғ (атрофидаги овул). Туркий этнонимлардан бири—*қилич*. Озарбайжонларда *қилич* уруғи бор.

ҚИРҚҚИЗ—Термиз шаҳрининг X асрга оид археологик, меъморий манбаси. Морфема таркиби *қирқ+қиз*. *Қирқ*<*қир, қирқ*, микдор билдирувчи сўз; чўзиқ ясси баландлик (қир). *Қиз*<*қуз*—терскай бет; йирик баландликнинг терскай томондаги кичик баландлик; тиклик кўклами юксак бўлган баландлик; текис жойлардаги ёлғиз тепа; қўрғонларнинг харобасидаги бурж (минора) ўрни. *Қирққиз*—бир неча майда тепалари бўлган жой; қўрғон буржлари, саройлар вайронасидан пайдо бўлган кичик-кичик минорасимон кўп баландликдан иборат обида. Қирққиз халқимизнинг моддий ва маънавий маданиятининг йирик манбаси бўлиб, фан ва илм тараққиётини ривожлантиришга хисса қўшган, табиат ва жамият тараққиёти ривожига хисса қўшган ақлий баркамоллик талаб этган маънавият маркази. Табиий фанларнинг ривожланишида, осмон жисмларини кузатишда, деҳқончилик билан боғлиқ илмларни ривожланишида муносиб хисса қўшган.

ҚИШЛОҚ ЖАМОАСИ—ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичида ишлаб чиқариш воситаларига умумий эгаллик қилишга асосланган жамиятдан ишлаб чиқариш воситаларига шахсий эгаллик қилишга асосланган (жамиятдан ишлаб чиқариш воситаларига) жамиятга ўтиш даврида бўлган.

ҚОРАҒУРСОҚ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ. Ҳозир—**Пахтакор**. Ариғи Қорағурсоқшоҳ. Кўнғиротлар қанжиғали бўлимнинг уруғларидан бири—*қорағурсоқ*. Х.Дониёров ўзбек халқи таркибидаги уруғлардан бири ҳисобланган. *Қурсоқ~ғурсоқ~қарсақ* уруғининг бир тармоғи *қорағурсоқ* бўлган. *Оққурсоқ* ёки *чолқурсоқ* ҳам бўлган. *Қарсақ*—мўйнали ҳайвон, чўл тулкиси. Қозоқ, ўзбек тилларида тулкининг бир тури, қирғиз тилида *тулки қурсоқ*—чўл тулкиси. Ўзбек халқ достонларида *тулки, қарсақ овламоқ, қарсақдай қотмоқ* (от ҳақида) бирикмалари бор. *Қорақурсоқ*—қарсақнинг бир хили. *Қарсақ*—тотем, муқаддас ҳайвон. Этнонимга шу асос бўлган.

ҚОРАҚАНЖИҒАЛИ—Жарқўрғон туманидаги жой (Минор). Қанжиғалиларнинг бир тармоғи—*қорақанжиали*. Уруғ номи жой номига ўтган.

ҚОРАҚАСМОҚ—Жарқўрғон туманидаги қишлоқ (Сурхон). *Қорақасмоқ*—этноним. Қашқа-Сурхон кўнғиротлари вохтамғали бўлимидаги 16 уруғнинг бири—*қрагасмоқ~қорақасмоқ*. Аҳолининг уруғига нисбат этилиб қишлоқ ном олган.

ҚОРАҚИР—Ангор ва Бойсун туманларидаги қишлоқ, қир ҳамда баландлик номи. *Қора*—баландлик, дўнглик. *Қорақир*—баланд қир, катта қир. *Қора*—текис жойда баланд бўлмаган чўзиқ баландликнинг кўлам белгиси. *Қорақир*—баландлиги паст, усти ясси, ялангликка ўхшаш, чўзиқ дўнглик.

ҚОРАҚУРСАК—қишлоқ, Жарқўрғон тумани. Ўзбек, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқлар таркибида *қорақурсак* уруғи қайд қилинган.

ҚОРААЛАНГ—Денов туманидаги қишлоқ (Хайробод). Туркий, Мўғул тилларида *қора~қара~хара~хўра*—баланд бўлмаган тепалик, тепа, баландлик. *Аланг*—баландроқ жой, ер сатҳидан ўсингки бўлиб турган ер бўлаги. *Қорааланг*—тепаликлари бўлган ўсингки (баландроқ) жой.

ҚОРААРИҚ—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Миршоди). *Қора*—ер ости, сизот сувлар йиғиндиси. *Қораарик*—сизма сувлари йиғилиб оқадиган арик.

ҚОРАБОҒ—Шеробод тумани. Қуҳитанг этакларидаги қишлоқлардан бири, қора (қадимий туркийда йирик, улкан, буюк, катта маъноларини англатади), боғ- форсча сўз, яъни катта боғ демакдир.

ҚОРАБОТҚОҚ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Дарбанд). Тош ё тошли баландлик тагидан доимо сизиб оқиб чиқадиган озгина сув ўтлари ўсиб

турадиган балчиқли жой—*қоработқоқ*, баъзи жойларда *қорабалчиқ*. Табиий гидромухити асосида номланган. Суви аримайдиган жой—*Қоработқоқ*. Гидроним жой номига айланган.

ҚОРАБУРА—Жарқўрғон шаҳри ёнидаги қишлоқ. *Қорабура*—уруғ номи, Сурхондарё қўнғиротлари қанжиғали бўлимнинг уруғи. Қадимги туркий тилда *буғра*—эркак туя. *Буғраҳон*-XI аср турк ҳоконларидан бири. *Буғра Қараҳақан*—Ҳокония шоҳларидан бирининг исми. *Буғра-бувра-бура*—тотем, муқаддас саналган ҳайвон. Тотем уруғ номига, уруғ номи эса ойконимга айланган. Этнонимияда *қора*—улуғ, буюк; кудратли; кучли; катта.

ҚОРАБЎЙИН—Бойсун туманидаги қишлоқ (Работ). *Қорабўйин-қорамўйин*—туркий халқларга, кипчоқларга хос этноним. У ўрта асрларда кипчоқ конференцияси (иттифоқи)га хос уруғ бўлган. Кўчманчи кипчоқлар билан Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон (аниқроғи Мовароуннаҳр)га келиб, турли уруғ, қабилалар билан қўшилиб кетган, уларга тобе турли уруғ ё тармоққа айланган. Бухоро ва Самарқанд қорақалпоқлари, Фарғона кипчоқлари, Сурхондарёнинг Тўполон дарёси чап ирмоғи Шарғунсой бўйларидаги қарлуқлар, Бойсун қўнғиротлари тортувли бўлимнинг *майдатўба* уруғи таркибида *қорабўйин-қорамўйин* этнонимининг мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Қорақалпоқ ва туркманларнинг ҳам *қарамойўн*, *гарамойон* уруғи бўлган.

ҚОРАВУЛБЕГИ (м-т)—соқчилар ва қоровулларнинг бошлиғи.

ҚОРАКЎЗ—Денов туманидаги қишлоқ (Янгиобод). *Қоракўз*—умумтуркий этноним. Кавказ уғузларининг *қоракўзли* уруғи бор. Эронда яшовчи туркий халқларнинг *қарагёзли-гарагюзлу* (қоракўзли) қабиласи борлиги маълум. Улар Ҳамадон вилоятида яшаган. Фарғона кипчоқларининг шатай уруғида *қоракўз* уруғ тармоғи қайд этилган. *Қоракўз* ва *кўзтамғали* этнонимлари бир хил номланиш принципига эга. Тамғаси кўз—қўш думалок тешик (халқа) шаклида бўлган. Тамғасидан уруғ, уруғига нисбатланиб қишлоқ номланган. *Қоракўз* Яккабоғ, Дехқонобод, Денов қатағонларининг уруғи.

ҚОРАМОС—Бойсун туманидаги тоғ. Эроний тилларда *мос-мас*—тоғ, тоғ тизмаси; чўққи, қоя; баландлик. Орономияда *қора*—паст, юксак бўлмаган. *Қорамос*-паст тоғ, кичик тизма (чўққи). *Қиёс*. (Саримос).

ҚОРАОЙИННИ—Шеробод туманининг Қуллуқшо қишлоғида яшовчи ойиниларнинг айтишича, ойинилар дастлаб иккига бўлинган; қоратонаойинни (ёки қораойинни), оқтонаойинни (оғайинни). Ойинилар Дехқонободнинг Шеробод ва Туркменистон билан чегарадош зонасида,

Шеробод туманида яшаган, XX асрнинг 20—30-йилларда қисман ойиннилар Денов суғорма ерларига кўчиб ўтишган. Этноним топонимга ўтган.

ҚОРАСУВ—жилға, дарё, қишлоқ. Гидронимдан қишлоқ номлари юзага келган. Гидронимияда *қора*—ер ости, сизот. Қорасув ва Оқсув қиёсланган. *Қорасув*—йилнинг барча фаслларида бир хил миқдордаги сув. *Оқсув*—ёзда кўпайиб, йилнинг бошқа даврида озаядиган сув.

ҚОРАТУТ—Шеробод туманидаги қишлоқ. Қора—тут мевасининг ранги. Бундай мевали тутни халқ шотут ҳам дейди. Сўғд тилида шов (тут)—қора. Оқтут—қоратут мевасининг рангига кўра фаркланадиган бир хил дарахт, қоратутнинг меваси камроқ бўлади. Тут дарахтининг тури номи (қоратут) жой, қишлоқ номларига айланган.

ҚОРАХОН—Денов туманидаги қишлоқ (Илонсой); Термиз туманидаги қишлоқ (Янгиариқ). *Қорахонтена*, Деновда *Қорахонариқ*, *Қорахонмозор* номлари бор. Қ. Қорахони.

ҚОРАХОНИ—Шеробод туманидаги қишлоқ. (Корезат). Шерободнинг Корезот қишлоғи ва унинг атрофидаги овулларда, Денов шаҳрининг теварагида яшовчи хўжалар ўзларини қорахони деб билишади. Кофирнихон дарёси бўйларида (Ҳисор шаҳри ёнида), Кўлобда яшовчи арабларнинг шолбоф уруғи тармоғи—қорахони. Зарафшон водийси оқкипчоқларининг жиғатой уруғига қарашли уч тармоқнинг бири қорахон. Қорахон-қорахони-қорахоний—этноним, қадимги туркий халқ. Аслида Қорахон 927—1212 йилларда Шаркий Туркистонда ташкил бўлиб, сўнг Аму-Сир оралиғидаги ўлкаларни ҳам ўзига бўйсундирган турк давлатининг бошлиғи, асл исми Абдукарим Сотуқ Буғрохон бўлган. 996—999 йилларда Мовароуннахрни ўзига тобе этган. XIII асрнинг 2-декадасида қорахоний династияси барҳам топган. Шу династия билан боғлиқ ҳудудий ва сиёсий-ижтимоий гуруҳ қорахон, қорахоний деб аталган. Кейинчалик улар қадимий ўтроқ туркий халқларга қўшилиб, сингиб кетган, аста-секин қадимий қарлуқлар, хўжа ва эшонлар ўртасидаги уруғ ё табақа номига айланган. Уларни қорахонийлар даври (X—XII асрлар) уруғ-қабилаларининг авлод-аждодлари намунаси дейиш мумкин.

ҚОРАШИҚ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Телпакчинор); Денов т. қишлоқ. Ших уруғининг тармоқлари—*Қораших*, *оқших*. *Қораших*-кичик ших, *Оқших*—катта ших. Этномияда *оқшилоқора* сўзлари шу гуруҳга мансуб кишиларнинг миқдорий белгиси ва ижтимоий вазифаси, мавқеини билдиради. Этноним қишлоқ номига асос бўлган. Қорақалпоқларнинг ҳам *қарашўйқ*, *ақшиўх* (русча ёзилиши *ак-шейх*, *кара-шейх*) уруғи бор, қтай қабиласи таркибида бўлган. Жузларда—*шўх*—уруғининг кичик тармоғи.

ҚОРАШУЛЛУК—Денов туманидаги қишлоқ (Юрчи). Қорақалпоқлар арўс кўнғиротининг *шуллуқ* уруғи бор. Қашқа-Сурхон кўнғиротларида бу уруғ номи-*чўллик*. *Чўллик*—қанжигали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. *Шуллуқ~чўллуқ*—бир этноним, *қорашуллуқ* шу уруғнинг бир тармоғи.

ҚОРАҲАВОЛ—қишлоқ, Дехқонобод туманида *қораҳавол* уруғ номи бўлиши ҳам мумкин. *Ҳавол* дегани географик терминдир. З.М. Бобур афсонасида тоғдаги ғор ва кавакларни ҳавол деб атайдилар деган. Ўзбекистон жанубида катта пастлик—ўйпотни *ҳавор* дейишади. (П. Ғуломов).

ҚОҲЛУҒ—Сурхондарё вилоят Темирдарвоза-Дараи Оҳанин-Дарбанди Оҳанин дарасининг номларидан бири.

ҚУЮНЧИ—Шеробод туманидаги баландлик (Майдон). Қуйин уруғига мансуб кишилар—қуйинчи уйин.

ҚУЛЛУҚШО—Шеробод туманидаги қишлоқ (/амбур). Қуллуқшо қишлоғидаги қадимги туркий қабила номи—қарлуқ сўзининг шевадаги шакли. Форсча шо (<шоҳ) асосий сув ўзани (анҳор, ариқ, канал)дан чиқарилган ёрдамчи ариқча, кичик сув йўли. Қадимда қарлуқларга мансуб бўлган сув ўзани—Қарлуқшоҳ, сўнг Қуллуқшо.

ҚУМҚЎРҒОН—туман (1971), шаҳар (1977). *Қум<хум<хун<хон* хона, даргоҳ; маскан; сарой; карвонсарой; ибодатхона, маъбад. *Қумқўрғон-қўрғонҚқўрғон*, сарой қўрғон.

ҚУРАМА—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Миршоди). Ўзбек халқи таркибига кирган этник группалардан бири—*қурама*. Х.Дониёров уларни ўзбек уруғи сифатида қайд этган. XV—XVI асргача қурамалар Дашти Қипчоқда яшаганлар. XVII—XVIII асрларда Ўрта Осиёга келиб, маҳаллий халқларга сингишиб, турли йирик уруғ-қабилалар билан аралашиб кетган.

ҚУШБЕГИ (м-т)—Ҳарбий қўшиннинг бошлиғи. Юриш ва жанг вақтларида берилиб, унинг эгаси мингбошилиқ унвонини олишга даъво қиларди. (Бухорода энг олий мансабдар шахслардан ҳисобланарди). Қушбеги мансабига кўтарилган зот алоҳида вилоятга ҳам ҳоким бўлиши мумкин бўлган. Умархон даврида Ражаб қушбеги, муҳаммад Алихон замонида Муҳаммад Шариф қушбеги (мингбоши), Мирзо Аҳмад қушбеги (кейинчалик мингбоши мансабига кўтарилган) маълум ўрин эгаллаганлар.

ҚЎҚОН—Шўрчи туманидаги қишлоқ (Қоровултепа). XX аср 30-йилларининг ўрталарида Сурхоннинг ўрта оқими қисмини ўзлаштириш учун Қўқондан келган дехқонлар шарафига шундай аталган—*қўқонлик*.

ҚЎЙГУЗАР—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Жончека). *Қўйли* деган ўзбек уруғи маълум: дурман қабиласига қараган. *Қўйлигузар* номи соддалашиб, *Қўйгузар* бўлиб қолган дейишади. Аслида *Қўйи гузар* бўлган,

жойлашиш ўрнига кўра номланган, бошқа гузарларнинг адоғида бўлган. Ҳ.Ҳасанов *Кўйлиқни* куйлик, пастлик сифатида шарҳлаган. *у>ў* товуш ходисаси юз берган. Ҳозир бу қишлоқ—1 Май деб аталади.

ҚЎЙИН—Шўрчи туманидаги қишлоқ. *Куйин~куйун~қуюн*—кўнғиротлар қанжиғали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири. Уни *қуюнни~қуюнли* ҳам дейишади. Қанжиғали уруғи номи билан аталган. Қорақалпоқларнинг *куйўн* уруғи бор. Этнонимнинг қадимий шакли *қуйин~қўйун~қўйун~қўй*, тотем, муқаддас ҳайвон. Этнонимга шу асос бўлган.

ҚЎЛДОВЛИ—Жарқўрғон шаҳри ёнидаги қишлоқ. Кўнғиротлар қанжиғали бўлими 14 уруғининг бири—*қўлдовли*. Этноойконим. Аҳолиси шу уруққа мансуб. *Қўлдов*-тамға шакли. Молларига кўп чизик, тилик кўринишида белги қўйилган. Тамғасига қараб уруғ номланган. Қорақалпоқ кўнғиротларининг ҳам *қолдаулў* уруғи бор.

ҚЎНҒИРОТ—Шўрчи шаҳридаги маҳалла. Қатор адабиётларда кўнғирот мингани учун кўнғирот аталган дейилган. А.Абдурахмонов Қозоғистондаги *Қонгўрат* топонимлари этнонимдан, этноним эса *конгўр+ат* кўшма сўзидан яралганини таъкидлаган, яъни кўнғирот рангли отни тотем деб билиши тақозосидан юзага келганлигини айтган. Бу—халқ этимологияси. Кўнғирот қадимги туркий сўз. Сўз охиридаги *-т* аффикси кишилар жамлигини, коллектив, жамоани билдирган. *Кўнғир* (талаффузда кўнғир) сўзининг ранг билдирувчи кўнғир сўзига муносабати йўқ. *Кўнғир* мўғулча *хун керей* (қора қарға, қарға киши) сўзларининг қўшилмаси: *хун+керей+т>хункерейт>хункират>қўнғират>қўнғират*. *Керей*—тотем. *Қарға*—қадимги туркий ва мўғул халқларига тотем, муқаддас жонзот саналган. Шу тариқа уруғ, қабила номи юзага келган. Этноним қишлоқ номига ўтган.

ҚЎРҒОНАК—Сариосиё туманидаги тепа, баландлик. Гибрид ном, *қўрғон*—туркий сўз, *-ак* аффикси эроний тилларга мансуб. *Қўрғонак*-кўрғонли, кўрғонча; *қўрғонак*—тоғ ён бағирларида ҳаробага айланган кўрғон ўрни, оқтепа, тоғ ичида *қўрғонак*—тевараги тош ё тоғ тизмаси билан ўралган табиий пастқам жой.

ҚЎРҒОНИБОЛО—Бойсун туманидаги тепа. *Форсча* изофа *қўрғонҚиҚболо* юқори кўрғон, баландликдаги кўрғон.

ҚЎРҒОН—Шерабодда аҳоли маскани. Атрофида баланд пасха девор билан ўралган дарвозали жой.

ҚЎРБОШИ (м-т)—кўрхона, яъни қурол-аслаҳа, яроқ, тўп ясаш ишхоналарининг бошлиғи. Хона ва мингбошига итоат қиларди. Худоёрхон сўнги хонлик даврида (1866—1875 й.й.) кўрбоши кўрхона, милтиқхона, тўпхона (ишхонаи тўпхона)ларга бошчилик қилиб, хомашё топиб келишдан тортиб, то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни хон қарорига биноан

тарқатиб бериш жараёнига жавобгар эди. Масалан, Бахти Муҳаммад кўрбоши бошчилигида оврўпача қуроллар (милтиқи фаранги), тўплар, жазоиллар ва уларнинг ўқлари, ўқ қутилари (жилсандиқи тўп ва тиркаш), тўп арбоблари ва қурол-аслаҳаларнинг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқиларди.

ҚЎТИРТОШ—Бойсун туманидаги тоғ тизмаси. *Қўтир*—йирик, яхлит тошларнинг уст ва ён қисмларидаги нотекис, ўйиқ—баланд, ўйдим-қирлар, ғадир-будурлик. *Қўтиртош*—сийпонтос, юза қисмининг силлиқлиги жиҳатидан қиёсланган тош. Ўйдим-чуқур тошли баландлик, тоғ. Қозок тилида *қотўртау*—усти ғадир-будур тошлар билан қопланган тоғ. Аслида *қатўр~ғадир* сўзидан Қ. Қўтирбулоқ.

ҚЎЧҚОРБУЛОҚ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Сарғамиш). Қашқадарё кипчоқсаройларига хос уруғлардан бири—*қўчқорбулоқ*. К.Шониёзов қўчқор тарзида ёзиб олган. Косон манғитларининг қўзиқўчқор уруғи бор. Қирғизистоннинг Чу водийсида *Қўчқор* тумани бор. Олтой (алтай) халқининг *қочқор мундус*, қирғизларнинг *коткор мундуз* уруғи, яъни *мундус~мундуз* қабиласининг икки халқда бир хил номдаги уруғи *қочқор~коткор* қайд қилинган. *Қўчқор*-тотем, муқаддас ҳайвон. *Булоқ*<*бўлук*-тўда, гуруҳ. М.Қошғарийнинг ёзишича, XI асрда ўғузларнинг *алқа*, *бўлук*, *қара*, *бўлук*, *элка булақ*, *булақ* қабилалари бўлган. Қашма этнонимлар таркибида *булоқ~булақ~бўлук*—тўп, қисм, авлод, гуруҳ, этник бирлик маъносига эга. *Қўчқор*—қадимги ва умумтуркий этноним. Этнооиконим.

ҚЎШҚАПЧИҒАЙ—Бойсун туманидаги сой. Мўғул, бурят-мўғул тилларида *хавцгай*, *хавсагай*—қоя; чўққи; дара, тоғ ён бағри. Қирғиз, қозок тилларида *қанчўгай*, *капшўгай*—дара, тоғ қирлари ё тизмалари орасида сув оқадиган чуқур сой, танги. *Қўш*—туташ, икки даранинг қўшилиш жойи, туташ дара.

ҚЎШДАРАК—Қизирик туманидаги қишлоқ. *Дарак*—арик, анҳорларнинг бир неча тармоқларга бўлинадиган, сув арикчаларга ажраладиган жойи, банд, тўғон. *Қўшдарак* иккита сув тармоғи (арик)га ажраладиган банд ёнидаги қишлоқ.

ҚЎШНОВА—Бойсун туманидаги сой. *Форсча нова*—тор жилға, кичик сой, танг ирмоқ, оқим ўзани ингичка бўлган сув. *Қўшнова* ёнма-ён оққан икки тор жилға, кичик сув.

ҚЎШОСИЁ—Бойсун туманидаги гузар (Дарбанд). Бир-бирига яқин масофада жойлашган тегирмон, айнан *Қўштегирмон*. *Форсча осие*—тегирмон.

ҚЎШЧАШМА—Бойсун туманидаги жой, адир (Сарғамиш). *Қўш*-икки, ёнма-ён; *чашма*—булоқ, яъни *Қўшбулоқ*.

Ғ

ҒАЖИРҚОЯ—Сурхондарё вилоятидаги тоғ номи. Тасқараси деб аталадиган бахайбат қуш, вилоятда ғажирқуш.

ҒАМБУР—Шеробод туманидаги қишлоқ (Оққўрғон). Эроний тилларда хан хон-хони-хоник—булоқ, кичик ҳовуз; ариқ, анҳор, суғориш канали; жилға. Бу сўз хоразмий, сўғд тилларида ҳам бўлган. Қадимги парфян-манихей текстларида қайд этилган (хан, ханиг). Авеста тилида булоқ хан дейилган. Бур-бар-пар—юқори, баланд, юксак. Дастлаб гидроним—юқори жилға, тоғ дарёси.

ҒЎЛЖАТИ—Бойсун туманидаги қишлоқ (Дахнаижом). Маҳаллий аҳоли *Ўлжати* бўлиши керак. *Ўлжати*—киши исми, дейди. Яғноб тилида *гўр~гўл*—думалоқ, улкан тош, форс тилида *тез*—тоғ қияси, нишаблик. *Ғўлжати* (*гўр~гўл+ча+тез*) тоғ бағридаги катта тош, чўққи.

ҒЎРБУЛОҚ—Бойсун туманидаги булоқ. Халқ нутқида *гўр*—қиррали, усти ғадир-будур катта тош. Сўғд тилида *гар*—тоғ. Қадимги эроний тилларда бу сўзнинг тош маъноси ҳам бўлган. *Ғўрбулоқ*-тоғдаги булоқ, чўққи ёки катта тош ёнидаги булоқ.

ҒЎРДАРА—Шеробод туманидаги дара (Шержон). Форсча *гўр*—улкан думалоқ тош. *Ғўрдара*—улкан тошли дара, тоғдан бошланадиган дара.

ҒЎРИНСОЙ—Шеробод туманидаги сой (Қорабоғ). М.Қошғарий XI аср тилида курум, курун сўзи тош, катта тош маъносида бўлганлигини ёзган. Халқ тилида ғўртош, ғўрим тош-сой ичларида у ер-бу ерда қолган ёлғиз тошларни билдиради. Ғўрин халқ тилидаги ғўр, ғўрим қадимий курум сўзининг товуш шаклидир. Ғўринсой—катта тошлари кўп бўлган сойлик.

ҒЎРИНТЕПА—Шеробод туманидаги тепа Ғўринтепа—тоғнинг усти, чўққи ё қоядан тушган тошли тепа.

ҒЎРИТЕПА—Бойсун туманидаги тепа (Тўда). Халқ шеvasида *гўри~гўрри~гурри* зада бўлиш, урилиш натижасида организмнинг бирон жойида бўртиб чиққан шиш. Шишган сингари бўртиб кўриниб турган, текислик жойдаги ёлғиз дўнглик—*Ғўритепа*.

ҒЎРУТ—Сариосиё туманидаги қишлоқ (Хуфар). Яғноб тилида *гўр*-катта думалоқ тош, *-т*, *-ут*, *-от* аффикси кўпликни билдиради. *Ғўрут*—улкан тошлар кўп бўлган жой.

Ҳ

ҲАШАР—(атама арабча) –йиғмоқ, бир жойда тўпланмоқ. Ўрта асрларда Мўғилистон, Эрон ва Ўрта Осиё халқларида бир неча жамоат ёки айрим феодаллар юмуши учун (қалъа, қаср, дехқончилик ишларида кўмаклашиш) кўшимча сафарбар этилган кишилар. Ўзбекларда уй-жой

қуришда, деҳқончилик ва чорвачилик ишлари ва бошқа юмушларни бажаришда ҳашарнинг ўрни катта бўлган. Эркаклар ва хотин-қизларнинг алоҳида ҳашари-кўмаги бўлиб, Ўзбекистоннинг баъзи жойларида сақланиб келмоқда.

ҲАЗОРБОҒ—Денов туманидаги аҳоли маркази, қишлоқ номи. Форсча *ҳазор* (минг), *боғ* (меваги ва меvasиз дарахтлар, гул экилган жой, шаҳар, қишлоқдан ташқаридаги дарахтзор) сўзлари асосида изоҳлаш халқ орасида кенг тарқалган. Бу фикрга посёлканинг Сурхон бўйида жойлашганлигини асос деб билишади. *Ҳазора*—Қабила номи. *Ҳазорбоғ*—ҳазора қабиласига мансуб кишилар боғи, қишлоғи.

ҲАЗОРМАН—Олтинсой туманидаги қишлоқ (Сина). Қадимги эроний тилларда *майн~ман*—овул, қишлоқ. *Ҳазар~ҳазор~газар*—этноним: ҳазарларнинг қишлоғи.

ҲАЙИТШОХ—Ангор туманидаги ариқ (Таллимарон). *Ҳайит*—киши исми. Арабчада *ийд*, *ийд* (байрам) сўзининг ўзб. ва *форсча* тилларида ўзгарган шакли: *ийд~ийд>айт>ҳайт*. Сўз бошида -ҳ товушининг ортиши кўп учрайди: арабча *асо*—*ҳасса*. Ўзбекча *ўкиз*—*ҳўкиз*, *айқириқ*—*ҳайқириқ*, *Шох*—кичик ариқ, асосий сув ўзанидан тармоқланиб чиққан сув йўли. *Ҳайитшоҳ*—Ҳайит исмли кишига мансуб бўлган ариқ.

ҲАЙРОНДАРА—Денов туманидаги қишлоқ (Анбарсой). *Ҳайрон*—этноним. Бухоро ва Қуйи Қашқадарёдаги Хўжаҳайрон ҳам шу этноним билан боғлиқ. *Айрончи*—ясама этноним (айронҚчи). *Ҳ* товуши орттирилган: (*Ҳ*) айрон уруғига қарашли дара (даги қишлоқ). Аслида ороним, сўнг ойконим бўлган.

ҲАНДАЛБОЗОР—Бойсун туманидаги қишлоқ (Тайпан). 1975 йилда Ҳандалбозор Эшқурбонов томонидан ташкил этилган. Шу киши исми билан аталган.

ҲАРДУРИ—Сариосиё туманидаги гузар (Шарғун); Олтинсой туманидаги гузар (Сина). *Ҳардури*—этноним. М.Эшнӣёзов талқинича, хинд тилидаги *ҳар даурак* (ҳар жойдан келган, турли ердан қочиб келган) бирикмасига *форсча -и* аффикси қўшилган: *ҳар даураки>ҳардараги>ҳардари>ҳардури*. Халқ изоҳида *ҳар+дури* (*дури+и<дара+идаралик, жойлик*)—турли даралик, ҳар хил кишилар уюшмаси. *Ҳардури*—форсча сўз, дастлаб территориал гуруҳ номи бўлган, сўнг этнонимга айланган. Шу этнонимдан қишлоқ номлари юзага келган.

Ш-БОБ.

ТАБИАТ ВА МАИШИЙ ҲАЁТ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР ТАБИАТ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

АНҲОР (арабча анҳор—наҳр сўзининг кўплиги)—Катта канал, ариқ. Хоразм шеvasидаги арна сўзига тўғри келади. Анҳор атамаси баъзан мустақил атоқли от ўрнида ишлатилади. Масалан, Тошкентдаги Анҳор ариғи.

АРИҚ—дарё сой, канал ва бошқаларда суғориш, сув билан таъминлаш ва бошқа мақсадларда инсон кучи билан чиқарилган шаҳобча. Баъзи қадимий каналлар ҳозир ҳам ариқ дейилади. Чунончи, Истара, Занг, Ҳазарбоғ, Узун, Ўрта, Янги, Таллимарон, ва ҳоказо. Экинларни суғориш учун тортилган жўяклар ҳам баъзан ариқ дейилади.

БАЛАНДЛИК—қир, тоғнинг баланд қисми, текисликдан кўтарилиб турувчи ясси кўтарилмалар. Умуман теvarак атрофга нисбатан кўтарилиб турган рельеф шакли баландлик дейилади.

БАНД—Тўғон, сув омбори. Сой ва дарёларга қурилган тўғон. Жой номлари таркибида ҳам учрайди: Бандихон дараси. Қум босишни тўхтатиш учун қурилган тўсиқ, тоғ оралиғидаги жуда тор йўл ҳам банд дейилади. Банд атамаси бент шаклида ҳам учрайди.

БАРХАН—ўсимлик билан қопланган кўчма қум дўнги. Шамол таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради. Йиллик кўчиш тезлиги бир неча см дан юзлаб м га етади. Барханлар шакли кўпинча ёй, ярим ой, ўроқ шаклида бўлади. Шамолга рўпара ён бағирлари қия, тесқари ёнбағирликтик. Бархан «шоҳлари» шамол кучига қумнинг намлиги ва таркибига қараб, узун ёки қисқа бўлиши мумкин. Шамол томонидан тупроқ эсадиган жойларга Барханлар тизмалар шаклида, турли томонлардан эсадиган жойлар тўп-тўп Барханлар ҳосили бўлади. Каттақум чўлларида яқка Барханлар ҳам, тизма Барханлар ҳам, тўп-тўп Барханлар ҳам бор. Бархан қумларида кўпгина чучук сувлар тўпланади.

БЕЛТОҒ—яқка-яқка ёки қатор қум барханлар. Баландлиги 5—8 м. такламакли чўлида тарқалган. Географик ном сифатида учрайди. Масалан, Ёрқентдарё текислигида Белтоғ қуми.

БОДХИЗ—шамол кўп эсадиган яланглик, қир ер, баланлик. Дарахт, ўсимликлар бўлмайди, иқлими қуруқ.

БОТҚОҚ—кўллардаги, дарё секин оқадиган жойлардаги суюқ лой; билқиллама шўрлой. Сизот сувлари чиқиб ётадиган захоб жойларда ҳам ҳосил бўлади. Қозоқ ва қирғиз тилларида батпақ шаклида ишлатилиб, шўроб, шўрҳок, маъноларини ҳам билдиради. Жой номлари таркибида ҳам бор.

БОТИҚ—Ер пўстининг тектоник кучлари таъсирида атрофи кўтарилиб ёки атрофга нисбатан пасайиб қолган қисми. Масалан, Фарғона, Борсакелмас, Сарикамиш ботиклари. Ботикдаги кичкина ясси ёки ўрта қисмига томон бир оз нишаб бўлади. Диаметри 10 лаб, 100 лаб кмга етади. Океанда ҳам ботиклар бўлади. Масалан, Мараиана ботиғи—11022м ва бошқалар.

БУЛОҚ—чашма-ер ости сувларини ер юзасига табиий ҳолда чиқиши булоқ сувли қатлам ерлар ер юзасидан чиқиб қолган жойлар-водийлар, сойлар, жарлар, тоғ ёнбағирлари, этакларида бўлади. Булоқлар босимли ва босимсиз бўлади. Босимсиз булоқлар маҳаллий сувларни сингишидан ҳосил бўлади. Босимли булоқлар сув ўтказмайдиган қатламлар тагидаги сувли

ДУЛОБ—Қудукдан сув чиқарадиган чарх. Форсча ду—икки, об—сув.

КОРЕЗ, КОРИЗ—Ер ости сув иншооти. Ернинг остидан келган сув манбаи.

УЛТОН—Чарм, ошланган тери. Қўнғирот қабиласида бу сўз ишлатилади.

УЛУШ—Тўйга келган меҳмонларнинг ейиш-ичиши учун маълум миқдорда озиқ-овқатлар ажратилган моддий неъматлар «улуш» деб аталган.

ЧИҒИРИҚ—Туя ёки хўкиз кўшиб айлантириладиган сув кўтаргич иншооти.

ЧИЛАНГАР—Темирчилик устахонаси ҳисобланган.

ЧОРТОҚ—Кўпкарида улоқни чортоқдан («Чортоқ» тўй эгаси томонидан улоқни ташлаб туриш учун махсус жой) —тайлашган.

ЎТЛОҚ ВА СУВЛОҚ—Яйловлардан олинадиган солиқ.

КИЙИМЛАР ВА БЕЗАКЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

АТЛАС—ипи ҳам, арқоғи ҳам табиий ипақдан тўқилган мато.

ОЛАЧА—Йўл-йўл пахтадан тўқилган мато.

АРАБАК—Бурунга тақиладиган тақинчоқ.

АНГИШВОНА—Қўлган тақиладиган узук номи.

БАЛДОҚ—Буруннинг ўрта деворига тақиладиган сирға.

БАНОРАС—Танда ипи шойи, арқоғи ипдан бўлган пишиқ мато.

БОЗУБАНД—Кўкрак, қўлтиққа тақиладиган тумор тури.

ГУЛБАНД—Аёлларнинг майда мунчоққа тузилган бўйин тақинчоғи.

ДАСТПОНА—Билакузук.

ДЎПШИ—Аёллар ва эркаклар бош кийими.

ДЎКОН—Мато тўқишга мўлжалланган, маҳаллий ўқув дастгоҳи.

ДУРРАЧА—Пешонага боғланадиган кичик ҳажмдаги рўмол.

ЖИҒА—Эркаклар бош кийимига тақиладиган тақинчоқ.

ЖАМАЛАК—Қора рангли чилвирдан иборат ипакли соч тақинчоғи.
ЖОЙПЎШ—Йиғиладиган кўрпа-ёстиқлар устига ёпиладиган ёпинчиқ.
ЖУЛХЎРС—Жундан тўқилган гилам бўлиб, юза қисми қалин бўлади.
ЖИЯК—Кўйлак, чопон желакларнинг ёқа, олд қисмларига лозимларнинг пастки қисмига ҳар хил ипакдан тикилган нақшли тасма.
ЗАРДЕВОР—Хонага айлантрилиб чиқилган каштали матолар.
ИРОҚИ—Нақшли гулни тўлдириб тикиладиган кашта тури.

ТАОМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

АЙРОН—Туя сутидан тарйёланадиган ичимлик.
АТАЛА—Сут, ун, ёғ солиниб қайнатиб тайёрланадиган таом, бу таом кўпроқ кўзи ёриган аёлларга берилади.
АРПА НОН—Арпа унидан тайёрланадиган нон.
БАРРА КАБОБ—3—4 кунлик қоракўл кўйи кўзисининг гўштидан тайёрланадиган кабоб.
БЕДАНА ГЎШТ—Бедана гўштидан қовуриб тайёрланган таом, кўпроқ тоғли овчилар истеъмол қилишган.
БЎЗА-Тарикдан тайёрланган кайф оширадиган ичимлик.
БУҒДОЙ НОН—Буғдой унидан тайёрланадиган нон.
БОДРОҚ ҲОЛВА—Жўхорини қовуриб, шакарга аралаштириб тайёрланган холва тури.
ГУРУЧ ОШ—Гуруч солиб тайёрланадиган суyoқ таом.
ДУМБУЛ ШЎРВА—Маккажўхори думбули сутли вақтида шўрвага солиб тайёрланадиган таом.
ДИМЛАМА—Гўшт ва сабзавотлар солиниб димлаб қўйиладиган таом.
ЁРМА—Буғдой ёрмасига гўшт солиб, сувга қайнатиб ўртача қуруқликда тайёрланадиган таом.
ПЎСТДУМБА ШЎРВА—Янги сўйилган кўйнинг думба қисми териси солиб тайёрланган шўрва.
СУМАЛАК—Наврўзда тайёрланадиган миллий таом.
СУТЛИ ЧОЙ—Сут солиб тайёрланган чой.
ТАНДИР ГЎШТ—Ўзбек қўнғиротларининг янги сўйилган кўй, эчки гўштидан тандирга осиб тайёрланган таом.

ЖОЙ НОМЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ТОПОНИМЛАР

ШАХАРЛАРНИНГ ҚАДИМГИ НОМЛАРИ.

Термиз шаҳрига ҳам Оллоҳнинг назари тушган, уни доимо ўз паноҳида сақлаб, ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзи асраб келади.

И.А.Каримов.

Антиохия— машҳур тарихшунос олим А. Томашекнинг изоҳлашича, Термизнинг илк номи. Милоддан аввалги II асрда шоҳ Антиох шаҳарни босиб олиб, қайта тиклаб ўз номи билан Окс- Антиохияси деб номлайди.

Бактрия— Милоддан аввалги IV аср учинчи чорагининг охирига келиб Амударёнинг ўнг қирғоидаги ерлар-Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Жанубий Тожикистон ерлари Бактрия давлати таркибига кирган. Қадимги «Авесто»нинг «Видевдат» китобида энг яхши мамлакат ва ўлка деб тарифланган. Юнон тарихчиси Квинт Курций Руфнинг «Искандар тарихи» ва Аррианнинг (95-175) «Искандар юришлари» асарларида шимолий Бактрия ҳақида маълумот келтирилади. Юнон тарихчиси Квинт Курций Руф маълумотига кўра «Бақтр давлати номи Бақтр дарёси номидан олинган, пойтахт шаҳар – Зариасп шаҳри, кейинчалик дарёнинг номи билан Бақтр деб аталади». Тарихчи И.Марквартнинг маълумотида Бактриянинг шимолий қисми Паретака вилояти деб номланиб, унинг маъноси «Тоғли мамлакат» деб изоҳланиб, Паретакани «дарё ювиб турувчи вилоят» деб изоҳлаган.

Далварзин-милоддан аввалги III асрда асос солиниб, Юнон-Бактрия даврида кўҳандиз пайдо бўлди. Кушонлар даврида давлат маркази бўлиб, йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатида танилди. Марказий Осиёда илк Будда динининг маркази сифатида танилиб, Будда ибодатхоналарига асос солинган. 1972 йили 25 сентябрда 115 хил қуйма олтин ёмбилар, шахмат доналари ва Бодхисатва ҳайкали топилган қадимги моддий маданият манзилгоҳи.

Дармат—IV—V асрлардаги арман манбаларида қайд этилган Дармат, Дармитни изоҳи бўлиб, Термиз шаҳрини номи.

Дермита—Грек-юнон подшоси словикийлар номи билан Демитрий, Дармита кейинчалик Тармита, Термиз изоҳини берган, Термиз шаҳрининг номи.

Жарқўтон—илк шаҳар маданияти, илк давлатчилик, маънавий эътиқод марказий, хумо қуши, металл эритиш, қуёш соати, ҳисоблаш тизими, тўқимачилик маркази ихтиро этилган. «Арк аъло» «Шаҳристон»га асос солинган, илк давлатчилик муҳр ва тамғаларда бургут қанот қоқиб турган жой. 3700—3800 йиллик тарихга эга.

Сополлитепа—Милоддан аввалги XVIII-XV асрлар оралиғида Сурхон воҳасидаги сунъий суғоришга асосланган илк деҳқончилик ва шаҳар маданияти ҳамда кулолчилик ва чарх ҳунармандчилигига асос солинган моддий маданият маркази.

Таллашқон—Сурхон воҳасида илк йирик шаҳар маркази. Мустаҳкам истехком. А. Македонский томонидан вайрон қилинган. Милоддан аввалги VI-V асрлага оид. Музработ туманида

Тамо—VI аср Хитой манбаларида Термиз шаҳрининг қадимий номи. Хитой тадқиқотчиси Сюань Цзяннинг қайд этишича *Та-ми* деб изоҳлаган. Ўрта асрларга оид Хитой манбаларида *Дамо*, XIII асрга оид «Канг-му» асарида *Ти-ли-ми*, «Юань ши» асарида *Ги-ли-ма* деб изоҳланган.

Тарамастха—*Тара Мастҳа* ёки *Тара Маэтҳа* — бактрияликлар тилида «нариги соҳилдаги манзил», «Нариги соҳилдаги шаҳар», «Дарёнинг нариги соҳилидаги шаҳар». Термиз шаҳрининг қадимги номи. Ушбу фикрнинг изоҳланиши Бактриянинг шимолий қисмида жойлашган Амударёнинг ўнг қирғоғидаги худудларга нисбатан ишлатилган. Ушбу сўз Бактир тилида тўғри таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу маъно Термизга нисбатан қиёсий изоҳланган. Чунки, Бактриянинг жануби билан боғловчи Амударё кечуви айнан Термиз орқали ўтган.

Тарамата, Тарамита, Термит — Термиз шаҳрининг бактрча номи. Бактрча дарёни ўнг томонидаги соҳил бўйидаги тик-мустаҳкам шаҳар. Термиз шаҳрининг қадимги номи.

Воҳанинг буюк алломалари

*Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги ҳақида гапирар эканмиз, бу-
Бизнинг бебаҳо бойлигимиз.*

И.А.Каримов

АБДУЛЛОҲ ТЕРМИЗИЙ (1627 йил вафот этган)-Шоир ва ҳатто, Васфий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Асли Термизлик, Ҳиндистонга кетиб Жаҳонгир (1605-1627) саройида яшаган. Бир қанча хажвий асарлари мавжуд. Ҳиндистонда вафот этиб, Агра шаҳрида дафн этилган.

АБУ АЛИ ҲУСАЙН ИБН АҲМАД АС-САЛЛОМИЙ-Х асрда яшаган буюк аллома, шоир, олим, ҳаттот, тарихчи.

АБУ БАКР АС-САҒОНИЙ- IX-X асрларда яшаб ўтган етук олим, муҳаддисшунос, тасаввуф илмининг йирик вакили.

АБУ ҲАМИД УСТУРЛОБИЙ АС-СОҒОНИЙ- X аср бошларида туғилиб, тахминан 980-990 йилар оралиғида вафот этган етук мунажжим фалакиёт илмида етук олим, устурлоб (осмонни кузатадиган) асбоби ихтирочиси.

АБУЛ ҚОСИМ АЛИ ИБН МУҲАММАД АЛ-ИСКОФИЙ-Х аср бошларида туғилган тахминан 955-957 йиларда вафот этган, етук ҳаттот, йирик хушнавс ва тенгги йўқ сўз устаси аллома, форс адабиётининг йирик вакили.

АБУЛ МУЗАФФАР- Термизий, X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср бошларида яшаб ўтган бош шайхулислон, тасаввуф, фалакиёт илмининг асосчиларидан бири. Машҳур шайх.

АБУЛ ҲУСАЙН МУҲАММАД БИННИ МУҲАММАД АЛ-МУРОДИЙ БУҲОРИЙ-IX аср охирида туғилган 940 йилда вафот этган таниқли шоир, ижодкор, ғазалшунос, араб ва форс тилларида ижод қилган.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ-асли исми Шохобиддин ибн Исмоил (1147 вафот этган). Машҳур шоир, форс тили билимдони элчи, ва ҳажвия шеърлари билан машҳур инсон.

АЛ ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ - IX-X асрларда яшаб фан ва дин соҳасида баракали асарлар ёзган зот. Асли исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизийдир. Мисрлик олим Абдулфаттоҳ бараканинг ёзишича, Ат-Термизий 205 хижрий йилида (милодий 820 йил) таваллуд топган. Ат-Термизий буюк мутасаввуф,

комусий, табиат ва фалакиёт сирларини ўрганган, тариқат, ҳакимия илмига асос солган буюк аллома.

АЛОУДДИН АТТОР (МУҲАММАД ИБН-МУҲАММАД АЛ БУХОРИЙ) - 1315 йили Бухорода туғилиб, 1400 йили 85 ёшида вафот этган. Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси. Қабри Сурхондарё вилоятининг Денов туман «Сармозор ота» қабристониди. «Силсила шариф» бўйича ўн еттинчи пир-муршид ҳисобланади.

АЛОВУДДИН ТЕРМИЗИЙ, САЙЙИД- лақаби билан машҳур XIII асрда яшаган. У ўз замонасининг фикҳ ва ҳадис илми билимдонларидан бири.

АҲМАД АТ-ТЕРМИЗИЙ - XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср бошларида яшаган. Йирик ҳакими, заргари, фалакиёт илми ва илми нужумдан беқиёс илмга эга бўлган, у машҳур шоир, форсий ва туркий тилларда битган шеърлар девони мавжуд.

АҲМАД ИБН МУҲАММАД АС-САҒОНИЙ- X-XI асрларда яшаган. Йирик мунажжим ва география олими, Бағдод обсерваториясида фаолият буюк юлдузшунос олим.

АЪЛО АЛ-МУЛУК ТЕРМИЗ - саййидларининг йирик вакили тасаввуф таълимотининг кучли тарғиботчиси олим ва ислом тарғиботчиси. Ибн Баттутанинг ёзишича, Термиз ҳукмдори Аъло ул-Мулук Худовандазода Чигатой улусининг хони Бузан (1335-1338)га қарши курашда фаол иштирок этган. Хуросон султони Халил томонидан Аъло ул-Мулук қатл қилинади. Шу воқеадан кейин Термиз саййидларининг шажараси Аъло ул-Мулук «Шаҳид» лақабини олган. Ибн Баттутанинг ёзишича, «У мард одам эди».

БАДЕЪИЙ БАЛХИЙ-Абу Муҳаммад Бадеъ бинни Маҳмад Балхийнинг таваллуди ва вафоти саналари аниқ эмас. У X асрнинг сўнг чорагида вафот этганлиги маълум. Бадеъий йирик шоир тилшунос, тазкира, луғат, шеъринг намуналар баёзи бўйича машҳур таниқли инсон.

ВАРРОҚ АТ-ТЕРМИЗИЙ- вафот этган йили хижрий 297 (милодий 907). «Варроқ» сўзи, арабча «вароқ» шоир, ёзувчи, хикматлар муаллифи, ҳакимия тариқатининг давомчиси.

ДАҚИҚИЙ - (930-970 йиллар). Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий нуфузли форс адабиётининг йирик вакили, Чағониён адабиётининг машҳур вакили, истеъдодли шоир, тарихчи олим.

ЖАВҲАРИЙ ЗАРГАР - Термизий, IX-X асрлар яшаган асли Бухоролик Термизда таҳсил олган Адиб Собирнинг шогирди, қасидалар бўйича машҳур шоир.

ЖАЛОЛИДДИН ЖАЪФАР ИБН ҲУСАЙН ТЕРМИЗИЙ- Машҳур фалакиётчи олим.

ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ- дунё илму маърифатида алоҳида обрўга эга бўлган Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо Савра Ибн Мусо ас-Зарир ат-Термизий ал-Буғий хижрий 209 (милодий 824 йил) Шеробод тумани Чуқурқўл қишлоғида таваллуд топган. Имом ат-Термизий ислом илми, хадиснавислик билимининг асосчиларидан бири, илм ал-қироат, ал-баён, фикҳ, тарих, фалакиёт илмининг асосчиси.

ЛАБИБИЙ - машҳур олим, шоир, тарихчи, «Љубоб ул-албоб» қасида билан машҳур.

МАВЛОНО ҚУДСИЙ ТЕРМИЗИЙ МАҲЖУБ-дарвишлик тариқат йўлини тутган, шеърий девони мавжуд. XVI аср охири ва XVII аср бошларида яшаб ижод этган. Ҳасанхожа Нисорий «Музакири аҳбоб»да шоирдан бир қитъа келтиради.

МАСИҲОН ИБН ҚОЗИ МУЛЛО МУНТОҲИЙ БОЙСУНИЙ-ХИХ асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган, даврининг етук ҳаттотларидан, санъаткор шоирлар тоифасига мансуб. “Масихо, Қози мулла Муттаҳий Бойсуннинг фарзанди, исми таҳаллуси қилиб олинди, Бухоронинг машҳур ҳаттотларидан, Настарлиқ хатини яхши ёзар эди. Бойсун шаҳри қозилари авлодига мансуб”. “Маҳфилоро” китобидан “Раъно ва Зебо” ҳикоятини маънавий тарзда назмда ёзди.

МАЪРУФИЙ-Чағониённинг буюк шоири, таржимон, X асрда яшаб ижод қилган 925-930 йилларда Чағониётда ижод қилган 92 мисра шеъри сақланиб қолган.

МИР МУҲАММАД ТАҚИЙ-Термизий 1746 йилда туғилган. Шоир Ҳуросоннинг Балгиром шаҳридан. У Тақий таҳаллусида шеърлар битган, даврининг билимларидан боҳабар шахс ҳисобланади. Шоир отасининг насл-насаби Термизлик Сайидлар авлодидан бўлганлиги боис таҳаллуси ёнига Термизий нисбатини қўшиб ишлатган. Мир Муҳаммад-шоирнинг исми.

САҒОНИЙ (Чағоний)-луғатшунос олим, 1180 йилда Лоҳурда туғилган ва 1250 йил Макка вафот этган. Луғатшунос олим, таржимон, форс илмининг етук ижодкори.

САЙИД АЛИ ШОҲ АТ-ТЕРМИЗИЙ-таҳаллуси Пир бобо Термиз сайидларининг йирик вакили, олим, тасаввуф илмининг йирик вакили.

САЙИД АМИР АБДУЛЛО ТЕРМИЗ- сайидларининг йирик вакили, тасаввуф илмининг таниқли вакили, Термиз сайидлари Худо вандзода лақабини олган машҳур олим.

САЙИД БАРАКА (1324-1404) Амир Темурнинг учинчи пири. Ул зот Маккаи-Мукаррамнинг улуғларидан, яъни Каъба хожиси учун белгиланган вақфларнинг Ҳуросондаги ноиби бўлган. Сайид Барака Амир Темурга

хамманинг кўз ўнгида Термиз яқинидаги Биё қишлоғида тожу-тахт ва салтанатнинг рамзи бўлмиш ноғора билан байроқни топширган. Худи шу кундан бошлаб, мунажжимлар атрофдаги одамларга тунги осмонда чарақлаб турган юлдузларни кўрсатиб, Темур юлдуз порлаётганига ишора қилишарди: шундан бошлаб Соҳиб-ул-Қирон! Соҳиб-ул-Қирон яъни Темур юлдузлар султони унвонига тақдим этилган.

САЙИД БУРҲОНИДДИН СИРДОН ТЕРМИЗИЙ- Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафоҳат ул-унс минг ҳазорат ал-қуддус» асарида мавлавия тариқатининг асосчиси, Жалолиддин Румийнинг устози «Саййиди сирдон» лақабли машҳур инсон Саййид Бурҳониддин тўғрисида: «У саййидлардан, Ҳусайн авлодидан Термиздандир» деб ёзган эди. XIII асрда яшаб ўтган буюк аллома, авлиё, машҳур сўфий олим.

СЎФИЙ АЛЛОҲЁР (Оллоёр) (1616-1706) Самарқанд вилояти Окдарё тумани Минглар қишлоғида Сўфи гузарида туғилган. Отасининг исми Оллоқул. Ўзбек халқининг машҳур мутасаввуф шоири.-XVII асрнинг иккинчи ярми-XVIII асрнинг биринчи чорағида яшаб ижод қилган. Сўфи Оллоёр умрининг бир қисми Чағониён мавзеиларида бўлиб, Вахшивор-билан боғлиқ бўлиб, шоирнинг «Сабот ул-Ожизин» асари шу жойда яратилган. Йирик тасаввуфшунос, фикҳик, фалакиётшунос олим.

ТОХАРИЙ-X асрда яшаган Чағониённинг етук шоири, араб алифбоси бўйича таниқли мутахасис.

ТОҲИР ЧАҒОНИЙ- (вафоти 992 йил)-Чағониён амири, кўзга кўринган давлат арбоби, истеъдодли шоир, араб-форс тилларида ижод қилган.

УМАР АТ-ТЕРМИЗИЙ АС-СЎФИЙ- (1454 йилда вафот этган). Йирик тасаввуфчи олимлардан.

ФАРРУХИЙ (980-1037). Абул Ҳасан Али Чўлуғ Фаррухий Сейистоний-замонасининг йирик шоири ўз усли, ўз услубига эга машҳур санъаткор. Чағониёнга туғилган, таниқли ёзувчи ва тарихчи.

ХОЖА САМАНДАР МУҲАММАД ИБН БАҚО ТЕРМИЗИЙ-XVII асрнинг 30 йилларида туғилиб, XVIII асрнинг 30 йилларига яшаб, 100 йилдан ортиқроқ умур кўрган. У Ўз замонасида маънавият дастурини тарғиб этган таниқли алломалардан бири, ўткир тилли адиб, таниқли аллома “Дастур ул-Мулук” асари билан машҳур бўлган. Тахаллуси Самандар бўлган. Олим руҳият соҳиби, маънавият тарғиботчиси бўлган.

ХЎЖА АҲРОР ВАЛИ- Термиз Саййидларидан бўлиб, Шайхонтохурнинг жияни.

ШАМСИДДИН САЙИД АМИР КУЛОЛ АЛ-ФОҲУРИЙ (вафоти 1372 йил) Аъло ул-Мулук Худовандзоданинг ўғли Амир Темурнинг пири тасаввуф илмининг етук вакили.

ҲАСАН АЛ-АМИР ЖАЪФАР-Термиз саййидлари хонадонинининг асосчиси. Тахминан 860 йилдан бошлаб Термизга келиб яшаб, Термиз саййидлари сулоласининг асосчиси, илми-исломни тараққий эттирган кишилардан бири.

ЮСУФ ҲАЙЁТ ТЕРМИЗИЙ, IX-X асрларда яшаган етук шайх, ислом дини донишманти, ғазалшунос, хикматлар донишманти «Сен уйинингдан қанчалар узоқ кетма барибир қайта уйинга қайтасан» ғоясини асосчиси.

Шоир ва ёзувчилар

Абдулла Қаҳҳор(1907—1968) — Қўқон шаҳрида туғилган. Таниқли адиб, ёзувчи, мухбир. Ҳикоянависликнинг етук вакили. "Ўғри", "Асрор бобо", "Қўшчинор чироқлари" каби асарлар муаллифи.

Абдулла Қодирий(1894—1939) — Тошкент шаҳрида туғилган. Ватанпарвар, маърифатпарвар, инсонпарвар ёзувчи. "Меҳробдан чаён", "Ўтган кунлар" каби асарлари билан машҳур. Ўзбек прозасининг асосчиларидан бири.

Абдулла Авлоний (1878-1934) — Ўзбек адабиёти ва маданиятиниш атоқли вакили, шоир, ёзувчи, олим, мутаффаққир, таниқли давлат ва жамоат арбоби, актёр, режиссиёр ва драматург, ўзбек театри асосчиларидан бири. "Истикболдан орзуларим", "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" каби асарлар муаллифи.

Абдурахмон Жомий(1414—1492) — Улуғ форс-тожик шоири ва мутаффаққир. Хуросоннинг Жом шаҳрида туғилган. 7 дostonдан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт»), «Баҳористон» каби асарлар муаллифи.

Абулғози Баҳодирхон(1603—1664) — Хива хони, Хивада анъанавий лирика билан тазкиранависликнинг ривожига ҳисса қўшган. «Шажараи турк» ва бошқа асарлар муаллифи.

Аваз Ўтар(1884—1919) — Полвонниёз Ўтар (сартарош) ўғли. Ўзбек поэзиясининг таниқли вакилларида бири, халқпарвар ва маърифатпарвар ижодкор. "Саодатул-иқбол" ("Бахтли истикбол"), "Халқ" шеърий тўпламлар муаллифи.

Алишер Навоий(1441—1501) — Буюк ўзбек шоири ва мутаффаққир, давлат арбоби, инсонпарварлик, ўзаро дўстлик, биродарлик, севги-садоқат ғоялари тарғиботчиси. «Ҳамса» («Бешлик»), «Ҳазойинул-маоний» («Маънолар хазинаси»), «Чор девор» («Тўрт девор»), «Мажолисун-нафоис» ("Гўзал мажлислар"), «Лисонут-тайр» ("Қуш тили"), «Махбубул-қулуб» ("Қўнгиллиларнингсевгани") каби асарлар муаллифи..

Анбар Отин — 1870 йил Қўқонда туғилган, истеъдодли шоира, олима, лирик шеърлар муаллифи. "Фалсафий сиёҳон" ("Қорамоллар фалсафаси") асари муаллифи.

Арбоб Чош (1934—1978) — Бойсун туманидаги Панжоб қишлоғида туғилган. Таниқли шоир, олим, ўзбек ва тожик шеърятининг вакили. "Сурхон баҳори" шеърлар тўплами муаллифи.

Аҳмад Югнакий— XII асрнинг иккинчи ярми, XIII асрнинг бошларидаяшаган. Панд-насиҳаттарзидаёзилган "Ҳибатул-ҳақойиқ"

(«Ҳақиқатлар армугони») достони билан саҳийлик, тил ва тил одоби, илм-маърифатни, ахлоқ-одобни тарғиб қилган.

Бедил(1644 — 1721) — Мирзо Абдулқодир Бедил улуғ шоир ва файласуф. Шаҳрисабзда туғилган. Адабий, илмий, фалсафий йўналишда шеърлар ёзган.

Бердақ(1827 — 1900) — асл исми шарифи Бердимурод Қарғабой ўғли. Шоир.қорақалпоқ адабиёти асосчиси. «Авлодлар» асари билан машҳур.

Боборайим бахши Маматмурод ўғли(1936 йил) — Узун туманидаги Томчи кишлоғида туғилган. Бахши, шоир, ёзувчи, муסיқашунос, етук санъаткор.

Гулханий — XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида яшаган, атоқпи юкодкор. Асл исми Муҳаммад Шариф. Лирик шеърлар ижодкори, «Зарбулмасал» асари муаллифи.

Дурбек — XV асрларда яшаган, дунёвий билимлар асосида ижод қилиб, севги-муҳаббат йўналишида «Юсуф ва Зулайхо» достонини ёзган.

Жалолiddин Румий — етук ғазалшунос, шоир, ёзувчи маърифат тарғиботчиси.

Завқий(1853—1921) — Убайдула Уста Солихўғли — маърифатпарвар шоир ва ёзувчи. "Айлаб кетинг", "Келмаса келмасун, нетай" каби лирик шеърлар муаллифи.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) — Андижода туғилган, етук давлат арбоби, таниқли шоир ва ёзувчи, гўзал ғазал, рубоий ва туюқлар, "Бобурнома" тарихий-бадий асари муаллифи.

Зулфия(1915—1996) — ўзбек халқ шоираси, таниқли жамоат арбоби. "Мушоира", "Куйларим сизга", "Рашк" каби шеърлар муаллифи. Мустақиллик йилларида унинг ижоди юксак эътироф этилиб "Зулфия" мукофоти жорий этилди.

Ислом Шоир Назар ўғли(1874—1958) — бахши, «Ойсулув», «Гулумбий», «Шайбонийхон», «Ойчинор», «Тўлғоной» дostonларини куйлаган.

Исомиддин Отақулов(1938—1988) — драматургия жанрининг етук вакили, театршунос, шоир-ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. "Йўл чеккасида ўтирган мома" тарихий қиссаси алоҳида эътирофга сазовор.

Камолiddин Беҳзод(1455—1536) — Ҳиротда туғилган. Буюк минатюрочи. Ҳирот минатюра мактаби асосчиси; музаҳҳиблар етакчиси, устози. "Иккинчи моний" деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

Комил Яшин(1909—1997) — Комил Нуъмонов — машҳур драматург, фаол жамоат арбоби, шоир ва ёзувчи. "Номус ва Муҳаббат", "Нурхон", "Йўлчи юлдуз" асарлари муаллифи.

Лев Толстой(1828—1910) — машҳур ёзувчи, «Уруш ва тинчлик» романи муаллифи.

Лутфий — XV асрнинг йирик сўз санъаткори, ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърлари билан шуҳрат қозонган. "Гул ва Наврўз" номлидoston муаллифи.

Мақсуд Шайхзода(1908—1967) — Мақсуд Маъумбек ўғли Шайхзода. — Озарбайжоннинг Ганжа вилоятидаги Оқгош шаҳрида туғилган. Ўзбек адабиётининг атоқли вакили, шоир, драматург, олим ва таржимон, ажойиб педагог. "Тошкентнома", "Мирзо Улуғбек" каби асарлар муаллифи.

Мардонақул бахши Авлиёқул ўғли(1989—1975) — Шеробод туманидаги Озон қишлоғида туғилган. Машҳур бахши, дostonчилик мактабининг асосчиларидан бири. "Алпомиш, "Гўрўғли", "Ёдгор" дostonлари бўйича таниқли ҳофиз.

Махмур — XVIII аср охири XIX асрнинг ўрталарида яшаган таниқли адиб, шоир, ёзувчи. «Хапалак», «Амаким» асарлари муаллифи.

Махтумқули — қардош туркман шоири, етук рубоийшунос, ғазалхон, ёзувчи, таниқли маърифатпарвар.

Машраб(1653—1711) — асл исми Бобораҳим. Ўзбек шоири ва мутафаккири. «Девонаи Машраб» (баъзи ҳолларда «Девона Машраб») китоби билан машҳур. Анъанавий ишқий мавзуда ижод қилган.

Маҳмуд Қошғарий — XI асрнинг буюк тилшунос олими. Биринчи бўлиб туркий тилда ижод қилган, туркий қабил ва элатларнинг кўшиқ ва лирик шеърлари, мақол ва маталлари асосида "Девони луғотит турк" ("Туркий сўзлар тўплами") асарини ёзган.

Мирзо Умар(1910—1987) — Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғида туғилган. Таниқли маърифатпарвар шоир, сўфий шоирларнинг кенжа авлоди. Тафсир, фикҳу ҳадис, сарфу наҳв илмлари билимдони. Денов, Қумқўрғон, Шеробод туманларида маорифнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Ҳофиз Шерозий, Шайх Саъдий, Жомий, Навоий, Машраб ва Сўфи Оллоёр юкодини ўзбек тилига таржима қилган таниқли таржимон. "Муножот", "Фалак", "Ўрни бор", "Топмадим" ғазаллари муаллифи.

Миртемир(1910—1978) — асл исм шарифи Турсунов Миртемир. Ўзбекистонхалқшоири(1971), "Дилкушо", "Барот", "Ойсанамнинг тўйида" каби асарлари муаллифи.

Муқимий(III50—1903) — асл исми шарифи Муҳаммад Аминхўжа. Қўқонда туғилган. Таниқли лирик шоир, гўзал ғазаллар, нафис мураббаълар, "Танрбчилар", "Ахтаринг", "Навбахор" каби асарлар муаллифи.

Мунис Хоразмий(1778—1829) — истеъдодли маърифатпарвар шоир. Инсоф-адолат, илм-фан ва адабиёт куйчиси.

Муҳаммад Ризо Огаҳий(1809—1874) — етук шоир, тарихчи ва таржимон сифатида машҳур.

Муҳаммад Фўзулий(1497—1556) — улуғ Озарбайжон шоири ва мутаффакири. Тарих, тиббиёт, астрономия, геометрия, логика фанларинингбилимдони. "Лайли ва Мажнун" асари билан машҳур.

Муҳаммад Юсуф(1954—2001) — асл исми шарифи Юсупов Муҳаммаджон. Ўзбекистон халқ шоири. "Таниш тераклар", "Осмонимга олиб кетаман", "Уйқудаги қиз" каби лирик асарлари билан машҳур.

Низомий Ганжавий(1141—1209) — улуғ Озарбайжон шоири, «Хусрав ва Ширин» достони ва бошқа асарлари билан машҳур, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик ғоялари тарғиботчиси.

Нодира(1792—1842) — XIX асрдаги таниқли шоира, асли исми Комила бўлиб, андижонлик Раҳмонкулбекнинг қизи. Кўкон хони Амир Умархонга турмушга чиққан. Гўзал лирик шеърлар ёзган, чин севги ва садоқатни, маърифатни куйлаган.

Нор Ҳайит(1941—1991) (Норкул Ҳайитқулов) — публицист, шоир, ёзувчи. Очерк ва лавҳалари билан танилган. "Шўрчи одамлари", "Она ер қўшиғи" асарлари муаллифи.

Озод Авлиёкулов(1928—1994) — таниқли маданият ходими, журналист, тарихчи. "Вақт оралиғи" ва "Сел" асарлари муаллифи.

Ойбек(1905—1968) — Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таниқли шоир ва ёзувчи. Ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига танитган таниқли адабиётшунос. "Фанга юриш", "Қуёш қўшиғи" шеърлари ва "Қутлуғ қон" каби асарлар муаллифи.

Пўлат Мўмин(1922—2004)—асл исми шарифи Мўминов Пўлат. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. "Гул ва пиёз", "Қўшиқ айтиб", "Оқ фил йўқолди" каби асарлар муаллифи.

Пўлкан Жонмурод ўғли(1 874—1941) — бахши, «Алпомиш», «Ёдгор», «Юсуф ва Аҳмад», «Номоз», «Маткарим полвон» дostonларини куйлаган.

Раъно Узоқова(1916—1947) — XX аср ўзбек адабиётининг вакиласи. Зукко, таниқли шоира, театршунос, мумтоз адабиётнинг ғазал жанрида ижод қилган. "Табассум", "Қиймат", "Макр ва муҳаббат", "Мардона юринг" асарлари муаллифи.

Рудакий — X асрда яшаган улуғ шоир, ёзувчи, ғазалнавис, дунёга мапхур сўз устаси. Форс-тожик адабий тилининг асосчиларидан.

Садриддин Айний(1878—1954) — ўзбек адабиётига муносиб хисса қўшган, тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган, таниқли адабиётшунос. "Одина", "Қуллар", "Дохунда" каби асарлар муаллифи.

Сафаров Менгйёз(1938—1994) — таниқли ёзувчи, шоир, танқидчи. "Она тупроқ қўшиғи" ва "Боботоғ болалари" асарлари муаллифи.

Саъдий Шерозий — буюк ғазалнавис шоир, ёзувчи.

Сидқий Хондайлиқий(1884—1934) — ўзбек адабиётининг етук вакили, араб, форс тилларида ижод қилган. "Навбахор", "Девони Сидқий" асарлари муаллифи.

Собир Абдулла(1905—1972) — асл исми шарифи Абдуллаев Собир. Ўзбекистон халқшоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Девон», «Навбахор», «Даврон ота» каби асарлар муаллифи.

Сўфизода(1869—1937) — асл исми шарифи Муҳаммад шариф Эгамберди ўғли. Ўзбекистон халқ шоири. Ваҳший тахаллуси билан ҳажвия ва ғазаллар ёзган. «Беш ёрлар тилидан», «Алвидо» асарлари муаллифи.

Теши Сайидалиев(1933—1973) — етук маърифатпарвар, истеъдодли шоир. Сурхон адабий ҳаракатининг ташкилотчи раҳбарларидан. "Оқ йўл", "Тухфа" асарлари муаллифи.

Тоғай Мурод(1948—2003) — Ўзбек адабиётининг етук вакили, шоир-ёзувчи, "Юлдузлар мангу ёнади", "Отандан қолган далалар" каби асарлар муаллифи.

Турди — XIX асрда яшаган шоир, танқидчи, ҳажвий шеърлари билан машҳур. "Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари ҳақида ҳажвия" асари муаллифи.

Увайсий — XIX асрда яшаган, ўзбек халқининг истеъдодли шоираси, асли исми Жаҳон. Кўқонлик, гўзал ишқий шеърлар муаллифи.

Уйғу(1905-1990) — Раҳматулла Отақўзиев. Қозоғистоннинг Марки қишлоғидатуғилган. Таниқли шоир ва ёзувчи, маърифатпарвар, адабиётшунос. "Назар отанинг ғзаби", "Ватан ҳақида кўшиқ" каби асарлар муаллифи.

Умар Хайём — шоир, буюк астраном, математик, тарихчи.

Усмон Носир(1912~1944) — асл исми шарифи Носиров Усмон, шоир, драматург, таржимон, қатағон қурбони. «Зафар», «Атлас», «Меҳрим», «Юрак» каби асарлар муаллифи.

Феруз(1844—1910) — Сайид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхони Соний-Феруз — давлат арбоби, шоир, мусикашунос, олим ва бастакор. 1863 йил Хоразм тахтига ўтирган.

Фирдавсий(934—1024) — X асрда яшаган улуғ сўз санъаткори, форс-тожик адабий тилининг асосчиси, "Шоҳнома" асар муаллифи.

Фитрат(1886 ~ 1937) — асл исми Абдурауф Абдурахим ўғли, олим, шоир, ёзувчи, драматург. Биринчи бўлиб профессор унвонига сазовор бўлган. «Рўзалар», «Абомуслим», «Қиёмат», «Абулфайзхон» каби асарлар муаллифи. Қатағон қурбони.

Фурқат(1858—1909) — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ўзбек, форс-тожик тилларида ижод қилган. "Сайдинг кўябер сайёд" ва бошқа асарлар муаллифи.

Чорша бахши(1932—2002) — Шеробод туманидаги Каттатут қишлоғида туғилган. Таниқли бахши, санъаткор.

Чўлпон(1891—1938) — Асл исми шарифи Абдулҳамид Сулаймон ўғли, шоир, таржимон, санъатшунос, маърифатпарвар. «Муштумзўр», «Ёркиной», «Кеча ва кундуз» каби асарлар муаллифи. Қатағон қурбони.

Шароф Рашидов(1911—1983) — таниқли давлат арбоби, миллий адабиёт ривожига ҳисса қўшган, жамоатчи, ташкилотчи шоир ва ёзувчи, маърифатпарвар. "Ғолиблар", "Бўрондан кучли", "Қудратли тўлқин" асарлари муаллифи.

Шотўра Юзбоши Бойқул уғл(1887—1947) — Шеробод дostonчилик мактабининг вакилларида бири, машҳур бахши, "Алпомиш", "Тўрўғли", Ёдгор" дostonларини айтган.

Шукур Холмирзаев(1941—2006) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Бойсун туманида туғилган. "Қора камар", "Кўчки" қиссалари бор. Хикоянависликда Абдулла Қаҳҳор аъналарини давом эттирган.

Эргаш Жуманбулбул уляи(1868—1937) — машҳур халқ шоири, халқ бахшиси, «Ойсулув», "Алпомиш", "Тўмарис", "Широқ" халқ дostonлари ва афсоналарини куйлаш билан танилган.

Юсуф Хос Ҳожиб— XI асрнинг машҳур шоири, донишманд, давлат арбоби, «Қутадғу билиг» ("Саодатга олиб борувчи билим") дostonи муаллифи.

Қутуб Хоразмий — XIV асрда яшаган машҳур шоир ва ёзувчи, ўзбек адабиётида муҳаббатнома жанрига асос солган. 1353—1354 йилларда "Муҳаббатнома" асарини ёзган.

Ғафур Ғулом(1903—1966) — Тошкентда туғилган, ўзбек адабиётининг йирик вакили, халқ шоири, танқидчи. Ҳажвий асарлари билан машҳур. "Кўкан", "Шум бола", "Ёдгор", "Сен етим эмассан" каби асарлар муаллифи.

Ҳайдар Хоразмий — XV асрнинг биринчи ярмида яшаган таниқли шоир, ёзувчи, шеърят устаси, «Маҳзунул-асрор» дostonи муаллифи.

